

ҲАМНАФАС, ҲАМҚАДАМ БЎЛИШ ЗАРУРАТИ

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШГА ИНТИЛАЙЛИК

Янги асрга кадам қўйиш, сўнгра равон олға кетиш халқлар, миллатлар тарихида деярли кузатилмаган. Чунки янги давр инсониятни доимо ўзининг янги муаммолари билан қабул қилган.

Шу каби яқинлашиб келаётган янги минг йилликнинг ҳам ўзига хос мураккабликлари мавжуд. Умумий тарзда мазкур мураккабликнинг моҳиятини шундай тушуниш мумкин: аввало башарият ўтиб бораётган асрда ҳал қилинган ёки ечимини топиб улгурмаган муаммоларни янги асрга олиб ўтаётган бўлса, иккинчидан умуман одамзот ҳаётини ташкил қилишнинг мукамал услубларини топиш билан боғлиқ бўлган, янги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлади.

Табиий равишда хулоса келиб чиқадики, янги асрда умргузаронлик қилиш, жамият ҳаётини ташкил қилиш мамлакатлар, халқлар учун силлиқ кечмайди. Эндилекда умрбоқийликка дахлдор бўлган ҳар бир миллат ва жамият янги даврнинг шиддатига бардош бера олиши учун замон тақозо этганчалик ҳамнафасликка эришмоғи керак. Умумжаҳон тараққиётининг бугунги кундаги мантиғи ана шундай.

Инсоният тарихий тажрибаси тасдиқлайдики, давр қўяётган талабларни англай олмаслик, унга муносиб жавоб қайтара олмаслик натижасида, янги замонга ўта олмай, қиска вақтда “Қуёши ботган” мамлакатлар ҳам кўп бўлган. Шунинг учун ҳам у ёки бу давлатнинг, миллатнинг барқарор тараққиёти, керак бўлса ер юзиде мавжудлиги унинг қанчалик замон ва макон билан ҳамқадам бўла олишига кўп даражада боғлиқдир.

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатни, пировардида фуқаролик жамиятини шакллантиришдек буёқ мақсадлар билан яшамокда. Бу борада истиқлолимизга эришгандан кейинги ўтган йўллар ичида улкан ишлар амалга оширилди. Миллий давлатчиликнинг шакллантирилиши, янги иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий тизимнинг жонланиши мустақил тараққиётимизнинг ҳал қилувчи асосига айланди. Сўнги саккиз-тўққиз йил ичида босиб ўтган йўлимиз, айни бир пайтда олдимишга қўйилган мақсадларга эришиш учун бугунги кунда ҳал қилиниши зарур ва долзарб бўлган муаммоларни ҳам кўрсата бошлади. Ечилиши зарур бўлган муаммоларнинг асосини юқорида зикр этилган умумбашарий қонуният сирасига кирадиган ҳолат билан

изоҳланувчи муаммо ва вазифалар, яъни давр муддаоси билан ҳамнафасликка эришишлик ташкил қилади, десак хато қилмаган бўламиз.

Президентимиз И. Каримов Олий Мажлиснинг ўтган сессияларида XXI аср арафасида мамлакатимизни ривожлантиришнинг стратегик режаларини белгилаб берди.

Масаланинг муҳим томони шундаки, Президентимиз асослаб берган янги асрдаги тараққиёт режаларимизни амалга ошириш асосий услубини давлат ва жамият ҳаётини барча йўналишларда эркинлаштириш ташкил қилади. Бу ўринда инсоннинг имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқариш, унинг ақл-заковатидан ўзи яшаётган жамият манфаати йўлида тўла фойдаланиш ҳолатига жамиятнинг куч-қуввати сифатида каралмоқда. Бунда табиий равишда жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини юксалтириш, уни давр талабларига мос даражага етказиш ҳал қилувчи жараён ҳисобланади. Бу борада жамиятимиз олдида амалга оширилиши лозим

бўлган ҳали анчагина кўп масалалар турибди. Мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий маданияти ва фаоллигининг бугунги ҳолатидаги баъзи муаммоларнинг илдизлари собиқ совет тоталитар тузумининг ғайриинсоний қусурлари билан изоҳланади. Маълумки, тоталитар режимнинг ғоявий асоси бўлган коммунизм мафқурасининг назариётчилари жамият тараққиётининг асосига “ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги алоқадорлик” билан боғлиқ бўлган ўта бир томонлама ёндошувни қўйган эдилар. Ушбу мафқура тоталитар давлат сиёсий амалиётида жорий қилиниши натижасида инсонга фақат ишлаб чиқарувчи куч сифатида қараш, унинг бошқа барча хислатларини буткул эътибордан четда қолдириш, инсонга катта давлат машинасининг оддий винти сифатида муносабатда бўлишлик муҳити шаклланган эди. Тоталитар тузумнинг сохта “халқпарварлик” сиёсатида халқни давлатдан, давлатни халқдан бегоналаштириш, ижтимоий-сиёсий фаолликнинг ҳар қандай кўринишларини зўрлик билан бостириш, инсон фаолиятини ҳукмрон режим қобиғи ичида чегаралаб қўйиш амалиёти алоҳида ўрин тутар эди.

Бесамавр “коммунистик” тажриба натижасида юртимизда топталган инсон омилини рўёбга чиқариш



иши истиклолимиз шарофати билангина амалга оширила бошланди.

Жаҳон мамлакатлари тараққиёти, сиёсий амалиёти ва умуман инсониятнинг босиб ўтган ҳаёт йўли тажрибаси шундан далолат берадики, жамият тараққиёти ниҳоятда кўп омилларга боғлиқ бўлган мураккаб жараён бўлган ҳолда, охир-оқибатда унда инсон омили етакчилик қилади. Бугунги кунда бу қонунят ҳеч кимга сир эмас. Лекин ана шу омилни тўлиқ равишда рўёбга чиқариш учун тегишли иқтисодий-сиёсий шарт-шароитларни яратишнинг ўзини кифоя қилмаслиги ҳам ҳозирги давр амалиёти, хусусан, бугунги кундаги бизнинг жамиятимиз иқтисодий-сиёсий амалиёти тасдиқламоқда. Инсон фаолияти жамият тараққиётига хизмат қилиши учун авваломбор унинг ўзи жамиятдаги ўз ўрнини, ролини англаб етиши, чуқурроқ тасаввур қилиши лозим бўлади.

Демак, бундай ҳолатга эришишнинг бош воситаси бўлган сиёсий маданиятни юксалтириш вазифасига эҳтиёж табиий равишда ошиб боради.

Шу муносабат билан жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини кўтариш бугунги кунда демократик тараққиётимизнинг бош мезонига айланди, десак хато қилмаймиз. Бу ўринда гап биринчи навбатда демократия ва фуқаролик жамияти ғояларини мамлакатимиз барча аҳолиси тафаккурида том маънода англаган заруратга айлантириш вазифалари устида кетмоқда. Чунки сиёсий маданият авваломбор бу - сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир. Сиёсий маданият сиёсий институтлар билан унинг аҳолиси ўртасидаги муносабатларнинг ёки бошқача давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос иқтисодий ҳамкорликнинг қанчалик маърифийлиги, цивилизациялашганлигини белгилувчи омилдир.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақирик биринчи сессиясида Президентимиз томонидан “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” мавзусида қилинган катта маърузада жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданияти ва сиёсий фаоллигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган мақсад ва вазифаларнинг ниҳоятда конкрет равишдаги илмий ва амалий жиҳатлари янада чуқурроқ таърифлаб берилди. Яъни сиёсий маданият ва сиёсий фаолликни юксалтириш масаласига демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнининг муҳим жиҳати бўлган манфаатлар ўртасидаги мувозанатни таъминловчи механизм шакллантиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим... Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур”.

Демак, сиёсий маданият омили мамлакатимиз сиёсий тизимини ва айни вақтда жамиятимизнинг ўзини ҳам кенг тараққиёт шарт-шароитларини вужудга келтиришга хизмат қилувчи муҳим восита ролини ўтайди.

Хулоса шуки, мамлакатимизни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тараққий эттириш билан боғлиқ бўлган вазифалар масъулиятини ўз елкасига олиб олдинга интилишни уddалай оладиган, ислохотчи давлатимизнинг бу борадаги юқини енгил қилишга ёрдам берадиган фуқаролар жамиятимизнинг асосини ташкил қилмоғи керак. Бундай одамларнинг салмоғи қанча кўп бўлса, равшанки, тараққиётимиз шунча тезлашади.

Дилором КЎЗИЖОН



“ЖАҲОН МИКЎСИГА БОРАР ЙЎЛЛАРНИНГ СИРИ

Одий суҳбатларда бир саволни кўп эшитамиз: “Майли, Навоийни тушундик ҳам дейлик, лекин фазода кемалар ўйнаётган, роботлар, компьютерлар замонида Навоийни ўқиб панд-насихатдан бошқа нима топамиз? Иёботлаб беринг-чи? Қолаверса, тушунми ҳам қийин. Меросларимиз кўп, фақат отамерос экан деб курук ўрғанаверсак, замондан орқада қолиб кетамиз-ку, бу ёқда жаҳон микёсида...”

Дарвоқе, жаҳон микёси! Аввало шу тушунча ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрсак, дейман. Йўқ, сизга тарих сўйламоқчи эмасмиз. Юқоридagi каби саволларга замону келажак нафасида иёботли бир нима демак, Навоийга муҳтозлимизни жаҳон микёсларига уйғунликда бир қадар англашмак истагимиз бор, холос. Сўзимиз замон, сиз ва биз ҳақда.

Мен бугун биз, айниқса, ёшларимиз ҳавас қилаётган, интилаётган “жаҳон микёси” деган тушунча, унинг асл макони, нимадан бошланганию туб илдизлари қайдалигини ўйлаб, аслида илғор мамлакатлар мисолида ўзимиз ўзимизча, аждодларимиз илмий меросининг ҳаётий тадбиқларига ҳавасланаётганимизга ҳам фахр, ҳам армон ила қарайман. Темурийлар даврининг таназулли сўнгги йилларидан кейин ўз тарихий манзилини - Туронзаминни аста-секин тарқ этиб, узоқ йиллардан сўнг хорижликлар ихлосидан шу юртларда мезон қурган бу тушунчанинг меросимиздан биргина фарқи - Европа тилларида сўз айтаётгани - бизни орзуга чорлаётгани яна бир армонимиздир. Шу билан бирга, илм қадрига етиб ўзи ҳам дунёвий қадр топган бу халқларга эъозланган аждодларимиз руҳи мудом миннатдорлик изҳорида эканлигига ишонурмиз ва бунга ҳам ҳавасимиз бор. Бунда бир нарсага эътиборимиз тушади ва “компьютерлар замони” ҳақида сўзлагувчилар ҳам шу жиҳатга кўпроқ қарайдилару беихтиёр Навоийдан йироқлашадилар: хорижликлар асосан табиий фанларнинг назарий асосларини ўргандилар, жамият ҳаётига олиб кирдилар ва “жаҳон микёси”ни қозондилар. Ишончлари улуғвор эди, бу оламона эътибор, юксак тараққиёт уни янада собитлаштирди. Бундан улар бугун яна шу шарқона ҳазиналар сирига бошқа бир жиҳатдан мурожаат

этмоқдаларки, биз мундоқ муносабат кўргузаётган бир пайтда улар ўз олийжанобликларига адалсиз ҳақлидир (колаверса, даҳоларнинг маънавий мулки дунё хазинаси саналур). Яъни, энди эса... Сиэтл шаҳрида Грейхоним “Муножот”га рақсга тушади, европаликлар ҳофиза Муножот Йўлчиева қўшиқларини минглаб мухлис тўпланган, лекин нафас олса эшитгулик залда тинглайдилар. Ҳофиза Марям Сатторованинг германиялик жаҳоний санъат ихлосмандлари нақ 3 соат сахнадан тушишга қўймай хонишларига бериладилар (Биз тарафларда эса... ойнаи жаҳонда ва турли байрам сахналарида улкан миллий санъаткорларимизга деярли жой бермай қўйганимизга анча бўлди. Ахир эстрадага имконият очиш ўзлигимиз яшаётган асл санъатларни умуман инкор қилиш, сахнани эстрада хонандаларига бўшагиб бериш дегани эмас-ку!). “Бир болага етти маҳалла ота-она” номли рисола битди Хиллари Клинтон



хоним маънавий тарбия манзилларимизга ҳавас билан. Навоийни немис, инглиз тилларига баҳоли қудрат таржима қиладилар, биз тушунмаган Навоийни!.. Кайси бирини айтай яна биздан кетиб узок ўлкаларда қадрли манзил топаётган маънавий-дунёвий миқёсларимизнинг?! М у х и м и , хорижликлар китоб, газета - журнал ўқийдилар, фойдали билимларни қўллаб илғорлашадилар.

Истибодот соясида чет мамлакатларга юртимиздан камданкам чиқилган йилларда таниқли созандаларимиздан бири улар бизнинг қадим куй-қўшиқларимизни жорий муסיқий ёзувда ифода қилиб бўлмас, лекин алоҳида номланиш диапозонига эга оҳанглари борлигини тадқиқ қилиб “шундай бекиёс санъатларнинг бўла туриб нега юртингизни оламга олиб чиқмайсизлар?” дейишганини куйиниб айтган эди. Бинобарин, Навоий ижодини ўргатувчи, унинг илоҳий қудратини қалбимизга қуувчи беназир манбалардан бири куй-қўшиқлардир. Айни пайтдаги (хузуримизда янграётган) куйловларнинг ҳеч қурса ўн-йигирма фоизини бу йўналишдаги чиқишлар ташкил этмаслиги бизга асло муносиб бўлмағай. Зеро, қадимдан ғазал, сўз гулшанларига кирмакнинг бир йўли - соз, наво бўлиб келган. Олам аҳли интилаётган маънавий миқёсларга элтувчи бу йўллардан қачон юргумиздир?

“Навоийда ҳамма нарса бор” дейдилар, ҳар соҳага, ҳар кўнглига ва бутун жамиятга, замонлар юксалишига мангу кўмак бера олади ўқимак-эшитмакдан завқи зиёда Навоий. Унутмағаймизки, илм ерда қолмайди деб бежиз айтишмайди. Инсоният таракқиёти учун асос бўлгувчи

маънавий хазиналаримизга - кўзимиз илғамаган гавҳарларга ҳамон сидку ихлос назари ила қарайдилар, уфқ узра уфқларга интиладилар, манфаат, миқёс топадилар. Шу боис, балки яқин йилларда дунёнинг етук файласуфлари даҳо шоиримизнинг фалсафий қарашларини ўрганиб қутилмаган янги, истикболли ғоялар кашф этсалар, илғорликда яна бир миқёс олсалар ажаб эмас ва ҳалолдир. Шу ўринда бир савол туғилади: бугун кўп айтилаётган, баҳслар мавзуи - **миллий ғоя, миллий мафкура асосларини нега Навоийдан изламаймиз?** Хорижий ихлосмандлар ҳали Навоий ғоялари асосида эҳтимол “Европа ахлоқи”ни ишлаб чиқиб, тadbик кўрсатиб бу маънода ҳам оламни ўзларига қаратарлар?! Ва ё бошқа уфқларни очарлар, ахир - “Навоийда ҳамма нарса бор!” ва оламга татигулик, беадад. Биз эса ҳали ёшларнинг Навоийга муносабати ҳақида бир тўхтамли фикрга, амалий ҳаракатга келолмасмиз. Аслида бу маънода нафақат ёшлар, балки катталар ҳам битта “тушунмаймиз” сўзи билан жавобдан фориғ бўлгандай туюладилар ва тушунилиши осон, халқона содда битикларини-да ўқимаслар (бу хусусда бошқа бир мақоламизда мисоллар асосида сўз юритган эдик). Назаримда, ёшларнинг Навоийга муносабати борасидаги саволга етгунимизча аввало юқоридаги мулоҳазаларга ва уларнинг китобга бўлган муносабатига эътибор назарини солсак жоиз. Зеро, мумтоз адабиётимиз намуналари бизгача китоблар орқали етиб келган, Навоий мангу яшаётган оламлар - манбаларнинг бири ана шу китоблардир. Тўғри, ёшлар ва китоб мавзуида баҳсларда мудом қайноқ, аччиқ ҳақиқатлар айтилиб келинади. Уларнинг энг кўп вақти ойнаи жаҳон, радио, видеолар қаршисида ўтиши таъкидланади. Нега? Табиийки, уларнинг тўлдирилишига муҳтож маънавий олами, дунёқарши бизни кутиб турмайди, атрофидаги муҳитдан яхшими-ёмонми ўзига манба топади, тўлдирилади, боис - ҳаваслар қўймайди. Бинобарин, ёшлик ҳаётининг неки таилови бўлса, ҳаммаси нимагадир, кимгадир ҳавасдан ибтидо, айтаверсак, даҳолик ҳам асли ҳавасдан бошланар. Гап - ёшларнинг ҳавасига, эътиборига нималарни ҳавола қиладганимизда, реал ҳаёт манзараларидадир. Маънавий муҳит ҳамда моддий шароитлар, ёшларнинг илмга ва илм йўлини тутган зиёлилар ҳаётига, муаммоларига, жамиятдаги мавқеига қандай назар билан қараш ҳам уларнинг Навоийга бўлган муносабатларини маълум маънода белгилайди, албатта. Айтмоқчиманки, биз ҳали Навоий ижодини ҳар томонлама, ҳам ҳаётий, ҳам назарий асослар билан, турли воситалар кўмагида нафақат ёшларга, балки катталарга ҳам ҳавола этиб улгурмадик. Ким билади дейсиз, илғор мамлакатлар зиёлиларнинг бу борадаги имкониятлари балки устун келар, уларнинг Навоийдан ўрганиб юксалган янги дунёвий миқёсларига “заминдан орқада қолмаслик” учун интилармизми. Миқёс талаби - замон талаби заруратидан куни келиб наҳот ўз даҳомиз Навоийни инглизча ўқиб тушунсак-қолсак! Ёки бу тақдирни келажақ авлодга мерос қолдирсак деган ўйлар ўртайди кўнгилини. Лекин боболаримиз илмий ғоялари ила яратилган юксак техник воситалар, компьютерлар билан бугун шу тарзда тиллашаётганимиз ёрқин хулоса, Навоийни - ўзимизни ўрганишимизга, Туронзаминнинг жаҳоний миқёсларини шу сурат тиклашимизга асос ва чорлов бўлса ажаб эмас - умидлар чулғайди дилингни.

ТУШ КЎРАР ИМКОНЛАР ЯҚИНЛАБ КЕЛАР

ЎЙ ИЧИДА

Бир от билан Ғирот билан эмас йўк
бу от менга Ғиротдан яхши
туманга соламан соламан қорга
қулоғи кўринмас отнинг қулоғи
қопдаги ундай зич туман
вахима келади кўрқаман

Ўзимни ботирга ўхшаб тутаман
мен ўн учга кирган кабир одамман
ноқулай отимнинг қошида
шошаман айланади бошимда
мен ўнга тортаман от бўлса чапга
на-силтовни уқар на кирар гапга

иккимиз ҳам қайсар мен бадтар
қораси кўринмас қишлоқнинг уйнинг
совуқ отнинг ўмровига келиб қолар қор ўйдим
қўлларимни боғлаб эгар қошига
Ўзимни отаман ерга
судраламан ботаман терга

кўз очаман бошимда ота онам
отни алқаб шукрона айтар
онам унсизгина йиғлаб қилар илтижо қайтар
бугун мен элликка кирган ўспирин
ғамли кўчаларда кўнгил тулпорин
мен чапга бураман у эса ўнга

бораркан судралиб кўзим юмилиб
ташвишга тушаман ғамга кўмилиб
ер шилар совуқлар шилган аёғим
аммо мен қайсарман бадтардан бадтар
фёлим оти мени қайларга элтар
мени қайда кутаётир қайси аймоғим

борар жойим борми юрак бедор ўйнар кўйин ичинда
манзил йироқмикин яқинга ўхшар мени кутишар
ажойиб уйим бор ўйим ичинда

МЕНИ ТАН ОЛМАГАН

Мени тан олмаса олмаслар
мўл кўл еганлар
жиғилдон деб толмаслар
фақат кўшк деганлар сарой деганлар
мени тан оладир меҳр билан
кўнгил билан бой деганлар
мени тан олмайди бир аср
келганлар кетганлар холинга вой

деганлар

ҳақиқат деб ёнди ким
тинглаганлар тондилар
бари ортда қолди чун
ки эллар ўендилар

миллат ўенди ёронлар
миллат ўенди
ортда асрий замонлар
ватан деган босқинчилар қуёндир



мен аср деганда одамни айтдим
ва ватан деганда миллат уқилар
XXI шарофати энг бахтли байтим
Темур билан Алишерлар энгиз туғилар
ҳозир меҳр ёна моҳи ёна учма уч
керак бўлса ол
йўл эса юз

малол

алик керак менга
йўқдир табассум
қора уйга менгзар
ҳаёт ҳам бир зум

чора керак зора
кулса зоғчалар
қий чув билан тоза
тўлса боғчалар

XXI хосияти
одимлайди Истиқлол
менинг доим ҳуш нийятим
шабнамдай бўлсин ҳаёл

эл ўенди ҳуш овозлар
боғлар майли тўлғонсин
ғафлат босган бўш хўрозлар
уйқусидан уйғонсин!

ШУКРОНА

Шукрки ўзимнинг оёғимда юрибман
худо кўрсатмасин юрмасам ҳам барибир шукр
қилардим
гоҳ тўк, гоҳ оч эгнимда либос кун забтига олса ҳам
энг баландги қаватдан ҳар қалай ёз тун тафтида
қолсам ҳам
тунлар балқонимнинг бурчида бир қулоч кумуш
гул ой чарақлар
жилмайиб кетмайди шукр соқолимни силайди
миннат этмайди шукр
соқолимнинг оқлари қўлларининг чангидир
ухласамда тепнамда жилмаяди бегидир беадад
шукр

тушларимда юлдузлар иффор олар ойгулдан
шукр қабул қилар эгам мендай бахтли бой қулдан
тонлар насим эганида титраб кўяр моҳим ҳам
бир муаттар нурга туташ эшитилар оҳим ҳам

СУЛТОНЛАР

Бошга бош этмок бошқа
хушомад этмок бошқа
итоат этмок бошқа
итоат аллоҳнинг амридир
аср котиблар-асридир
бошқа ўйлаб битади бошқа

султонлар кам бўлур жаҳонда
нафсига қул бўлмаган султон





балки у сиз Қаҳрамон
у султонлик ишқида ёнмас
балки аждар нафсидан тонмас
уни бўғмоқ истар у
у англайди ухровий қайғу
дунё қайғусини аритар,
аммо дунё киянки хотин қаритар
ибодат лаззатин туймас у
шайтоннинг измини қўймас у
руҳий озодликни суймас у

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

Киёфалар бир хил
либослар бир хил
фикрлар каби
қофиялар бир хил
хуфиялар ҳам
яхшиям аёлинг ёлдамас
яхшиям Сақловчи бор
туҳмат куни Оқловчи бор
шукрки бу жаҳон сенингмас
лекин бир хиллик
ялонғочликдир уришар бунча ўзларин
олиб қочмас кўзларин
фикр мақсади бир
дўстлардай бўлса хилма хил
кўп қават уйларнинг айвони ялонғоч
жиҳоз четникию хонадони ялонғоч
китоб тўла жавони чачвони ялонғоч
мен бўлсам ялонғоч столада
либосли фикрлар саф тортса дейман
аскарлар мисол эмас
ибодатга кетаётган мўминлар мисол
ин қурмоққа шошаётган қалдирғоч мисол
совуқ томонлардан келаётган турналар мисол
иссиқ ўлкаларга отланган турналар мисол
туғруқхона томон инграб кетаётган жувонлар мисол
исрикчи чолни ахтарган Тилак Жўра мисол
қувончдан бўзлаган юрак мисол
киприкда тизилган дур мисол
музни тешиб чиққан майса хур мисол
юзида офтоблар синганлар ҳақи
кўзида ой балқиб тинганлар ҳақи
о сен Истиқлолим омон бўл нур бўл
майли мен пойингга гард бўлай
майли хилма хил бўл ҳақ йўлда бир бўл

ТОНГ

Менинг оёғимдан чалиб кўрдинг тун
чалиндим чалинмадим
менинг оёғимдан олиб кўрдинг тун
олиндим олинмадим
худди қашқир
худди аёз
худди сир
ялинтирмоқ бўлиб нолиб кўрдинг тун
ялиндим ялинмадим
кўйиб юбор
ҳей қундузнинг садоси адоғи
адоси
тушимга бўйладинг оқ яшил қаро



мен сени ўйладим оқ яшил қаро
сен қаро
сен қаро
тим қаро

мен ҳорғин йўловчи
бир ғариб
кўпгилни овловчи
мен сени сайловчимас
сен мени сайловчи
овоз бер
эй кўзи қаро
эй ўзи қаро юраги опшоқ

Мен дарахт
япроғиман
учган отим ҳазон
мен япроқ ҳаётим деб
айтарман азон
мен яшил ҳаётим деб чорларман
Зорлар ман учарман тушарман кўнарман
мен собир бағрингда унарман
сен ўйлаб қоларсан сен ўйнаб кўрарсан йиғлаб
оғушингда пинҳон нурларинг билан
сен мени қон-ма
хурма туркман бозорида туркман тун мен Хадра
аккиллама фақат
оқариб сарғайиб кетарман
мен завқлар этарман
хай-ҳот

ҳей тун шафқат
тишларингни ёғирлат
йўқ нурни ўчир сукутни уйғот
жимликни кўтар
сендан кўра яхши билар
сени менга йўллаган зот
сукутман бер қанот
мен қонарман
сенга тот
кўлларингдай ўйнайдурман қон қора
йўлларингдай ўйлайдурман опшоқ
йўлман
ўтарсан

аммо зил кўлингни кўтар сан
хинди хох
эй қаро тун хинду хол
зил кўлингни томоғимдан ол
мағлуб бўларингга қолди бир лаҳза
ухларингга ўларингга қолди бир лаҳза
тасалли бир лаҳза туғилмоқ яшамок ўлмоқ бир лаҳза
эй тун абадийят буюк бир Лаҳза
эй тун юрагимга тушади ларза
эй тун убудийят узун хайрийят
мақтарман ўзингни гоҳида хушбахт
ҳар ким ҳам киролмас бағрингга
уччов бош эгармиз тангрига
юлдузлар тўқарман
гуллар суқарман
кизартарман қарб юзингни
эй тун шаҳарчада отилма фақат
отмагин фақатэй тун ҳасад биродар
эй тун қон қора жигар
қаро тунинг шилинди



мени туфла уфқ билинди
 қахваси тўкилган пиёла
 сўфиймасман мастмасман худбиндурман мен
 охир оёғимга йиқиласан тун
 охир оёғимда оқарасан тун

ЧЎЛ ЙЎЛИ

*Бордир менда адашмоқ ҳаққи
 Адашмоққа ҳаққим бор менинг
 Ўлжас Сулаймон*

Сахролар одатий исиб борлиғи,
 чақир тиканакка тўлди товоним,
 титилиб, тўкилиб қолди чориғим,
 қачон келар экан менинг замоним,
 букчайиб бораман, юким бир талай,
 изтироб чекмоққа бордир ҳуқуқим,
 томоғим ташна чўл каби, ҳар қалай.
 ё одам керакдир, ё сув бир қултим,
 нон орзу қилмоққа бордиру ҳаққим,
 чанқоклик ҳуқуқи тирғалар ортик,
 оч қолиб бардошни синамоқ бахти
 кадамимни ортга қўяди тортиб,
 куш бўлмоқни ҳаёл қилмам барибир,
 зарурий бу юклар даркормас қушга,
 қултум сув керак ё одам керакдир,
 ё соя керакдир бўлса ҳам тушда.
 денгизлар саробдир, шаҳарлар сароб,
 менинг чопганларим балки саробдир,
 топганларим балки, саҳарлар сароб,
 менга туш керакдур, сароб харобдир,
 у чориқ тикмайдур, ҳилла бичадур,
 у тилла тўплайдур, жухуд баччадур,
 устани сўкаман, оёқларим қон,
 менга туз, қалампир, туш керак ҳамон,
 миллатчи эмасман, бари асабдан -
 сахрога сиғмаган сўнгсиз ғазабдан,
 камолга етмаган бардошдан бари,
 мен лўли бўламан, ҳилла сарвари,
 менинг-ку халтамда талқонларим бор,
 саҳройи ялғизлар ўткир, қузгидир,
 ҳамдардлик ҳуқуқи оч элларга, хор -
 зор дилим ташналар учун кўзгудир,
 Суҳайл бўларман, мен балки Зухал,
 йўловчи йўлига ҳошия зарҳал -
 майли нурларимни топтаб ўтсин у,
 лекин золимларни бошлаб ўтсин у,
 у жухуд бўлмоқни қилмасин орзу,
 лўлилик қилмасин қийин, танг чоғда,
 тўқликни туядай енга олсини
 очликни янтоқдай қолдирсин доғда,
 ҳозир мен офтобни чакмонга жойлаб,
 ухласам дейман-ку узоқдан узоқ,
 турмаган бўлсинда чанқоклик пойлаб,
 қўймаган бўлсинда очлик ҳам тузоқ,



бу йўлни шудгорлаб бораман идраб,
 йиртилган чориқни омовдай судраб,
 биламан бу ердан одам ўтадур,
 кун келиб енгил йўл илдам ўтадур,
 дарахт керак эмас, карахтдир туйғу,
 уйку келаётир, қайтмасин уйку,
 хуш кўрар замонлар чақинлар келар,
 туш кўрар имконлар яқинлаб келар,
 менинг азоб чекмак ҳуқуқим бордир -
 дўзах азобидан кўркмоқ ҳуқуқи,
 ҳар кимнинг ҳаёти боғдир, саҳродир,
 тер тўқмоқ ҳаққию, бўқмоқ ҳуқуқи,
 орзулаб яшайман боғ-роғларни мен,
 тенглиқни, кенглиқни, чароғларни мен,
 менинг йўлларимда шамол ҳам бордир,
 сув ўрнига муздай ҳаёл ҳам бордир!

ДУНЯ

*Бу қўшиқнинг ярмини
 аммам айтган...*

Ғам-ғам дуня, ғам дуня,
 ғамларга солған дуня,
 от туёғи тегмаган ер бормикан,
 ўлимни кўрмаган эр бормикан,
 от туёғи тамға солди пешонанга,
 ғам оёғи соя солди кошонанга,
 кошонангнинг салобати қулба бўлди,
 сабот билан қулбанг олди гулга тўлди,
 гулдур-гулдур бўлинади осмонларинг,
 гумбур-гумбур тўлинади ёбонларинг,
 ёбонингни қоқ ёради бир кучоқ ой,
 ғам лашқарин ерга қорар нурли хумой,
 қора шомнинг кучоғида қарға йиғлар,
 балки борга, балки зорга, қорга йиғлар,
 илиқ-иссиқ нафас келар ёруғ юздан,
 япроқларда йиқиладир кечки куздан,
 тийрамоҳнинг тийра-тийра туни узун,
 изиллаган шамолларнинг уни узун,
 болажоним, бировларга бўлма қарам,
 қарамликнинг дунёдан ҳам хуни узун,
 эшигингни олдидаги гулга қара,
 бийрон-бийрон очилувчи дилга қара,
 худо кунни - ёмғир ёғар қор аралаш,
 аросидан гулга тушган дўлга қара,
 ғам, ғам дуня, ғам дуня,
 ғамларда тўлғон дуня,
 от туёғи тегмаган эр бормикан,
 ўлимни кўрмаган эр бормикан.



Рўзибой ҚУЛМАТОВ

**Терговчи**

Туманимизнинг чекка қишлоқларидан бирида қотиллик юз берди. Беш фарзанднинг отаси, 37 ёшли Хўжаназарни ҳамқишлоқлари Собит, Содик, Хамидулла қалтаклаб ўлдиришган. Жиноятнинг асосий сабабчиси, айтиш мумкинки, ташкилотчиси, Собит.

**Содик**

Дўстинг Собит дейсизми? У билан муносабатни дўстлик десак унчалик тўғри бўлмас... лекин... ҳа, майли, дўстим бўлса дўстим-да. Бўлар иш бўлди, энди бунинг аҳамияти йўқ.



Бундан икки йилча олдин қурилиш бригадасида Собит билан бирга ишлаганмиз. У ишчи сифатида қанчалик бетайин бўлса, шунчалик давраларни қизтадиган, қўли очик улфат эди. Пул топди

дегунча бизни меҳмон қиларди. Шу сабаб бўлса керак, ошначилигимиз Собит ишдан ҳайдалганидан кейин ҳам давом этди. Борди-келди қилиб турардик. У акасиникида турарди. (Ота-онаси Собит болалигидаёқ вафот этиб кетишгани сизга маълум) Собитнинг олдига биров борганини янгаси ёқтирмаслигини сезганидан сўнг уларникига қадам босмайдиган бўлдим. Собит табиятан қувноқ, сиртига сув юқтирмайди. Фақат қаттиқ маст бўлиб қолганида нолиб гапириб, сездириб қўярди. Уйдагиларининг унга бўлган муносабатини шундан билганман. Чалғимай гапир дейсизми? Хўп, хуллас, уйдагилари чиқиштирмасди уни, шунинг учун ўрис юртига кетиб юрди, шекилли. Ўша ёқда, Самарда, уларнинг узокроқ қариндоши бор. Ўзининг айтишига қараганда, у ўша қариндошлариникида туриб қайсидир заводда ишлаган. Лекин бир йил ўтмай қишлоққа қайтиб келганди.

Ўша куни уйда эдим. Қоғозга ўралган бир шиша ароқни қўлтиғига қисган Собит борганида туш пайти эди. У нимадандир хафадай кўринарди. Нега ковоғингни уйиб олдинг, мазанг йўқми десам, илдамди. Уйга кириб, шишанинг тубига етай деб қолганимизда, саволимни такрорладим.

- Ичим ёниб кетяпти, жўра, - деди у. - Ичим.

- Нима қилди?

- Бугун синфдошинг Кариманинг қиз йиғиними?

- Ҳа.

- Сен ҳам борасанми?

- Бораман.

- Мен ҳам сен билан бораман.

Одатга кўра, қиз йиғинига синфдош болалар ҳам

ДАДАМ**Ҳикоя**

боришади. Собит бизга синфдош эмасди. Шунинг учун унинг бундай истак билдириши мени хайрон қолдирди, лекин менга барибир эди. Чақирилмаган жойга боришни ўзига эл кўрса, бораверсин.

- Майли, юр, - дедим. - Лекин ичинг ёнаётганига

қиз йиғинининг нима алоқаси бор.

- Ўша синфдошинг Карима менга тегмоқчи эди.

- Тегмоқчи эди.

- Ҳа, ўрис юртидан энди келган пайтларимда ўзи менга кўз сузиб юрвди.

- Кўз сузиб? - дедим қулиб. Собитнинг ҳар бир гапи мени таажжубга соларди. Синфдош қизлар ичида энг камсуқуми бўлган Кариманинг кимгадир кўз сузишини ҳеч тасаввуримга сиғдирилмасдим.

- Нега куласан? Менга тегарди, ишонмайсанми?

Ўшанда у менга латта-путтага ўралиб кўринмаганида, мен унга уйланардим. Кўйлак-лозим мана бу ерига тушарди, - деди у тўпинини кўрсатиб. - Бугун бўлса, анавингга ёқиш учун бўлса керак, шунақанги ясаиб олибдики - худди кўча қизларига ўхшайди...

Хуллас, ўша куни эрталаб, Карима тўйдан олдин кўёви билан бозорга чиққан, Собит уларни автобусда кўриб қолганди. Собит қолган ароқни бир пиёлага қуйиб ичиб юборди-да, давом этди:

- У менга тегмоқчи эди, биласанми, тегмоқчи эди...

Карима

Хўжаназар тоғамнинг қирқидан сўнг ими-жимиди тўйимизни ўтказиб олди. Умримда бир марта бўладиган кунни ҳам ғамгин кайфиятда ўтказдим. Йўқ, тўйим ҳамманикидай сердабдаба ўтмагани учун эмас, тоғамнинг ўлимида ўзимни айбдордай ҳис қилганим учун. Тоғамга ачинаман. Жиянимнинг бахти очилди деб

қанчалик қувониб юрвди бечора. Ўша кунги ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзи эсимга тушиб кетса, ёруғ дунём қоронғи бўлиб кетади. Лаянати банги, нашаванд нега келди ўзи? Хўп, келишга келибди, тинчгина ўтурса ўлармиди. Ўзинг бир вақтлар унга майл билдирган экансан дейсизми? Ёлғон! Нима? Нега мени қийнайсиз? Шундоғам бўлар-бўлмас гаплар оралаб кетди. Қариндошларим юзимга айтишмаса-да, менга таъна билан боқишади. Янги борган жойимда ҳам тинчлик йўқ. Қайнонам шумоёқ деб ёзғиради. Бахтиқаро эканман ўзи... айтяпманку ҳеч нарса бўлгани йўқ деб. Собит қишлоққа энди келган пайтларда кўча-қуйда кўрганимда, бир-икки марта салом берганман. Нима қипти шунда? У аҳмоқ банги менда кўнгли бор экан деб ўйлаб юрган бўлса, айбим нима? У саломимга алик ҳам олмади. Ўзича осмонда юрвди ўшанда. Вой, нималар деяпман ўзи?

Шундан сўнг ундан кўнглинг совубди-да, дегандай қараяпсиз-а. Йўк! Қачон ўзи унга кўнглим илиган экан? Қачон? Қўлимдан тутибдими, бир оғиз гаплашибманми? Тоғамга ачинаман, ҳамма мени айблайди...



Содиқ

Собит бирдан кўкидан борми, деб қолди. Йўк, дедим. Бунақа нарса менда ҳеч қачон бўлган эмас. Нашавандмасман. Калла қизиганда ўртоқларим кистови билан ойда, йилда бир тортмасам, тортмайман. Ўша куни ҳам Собит тонмасак бўлмайди деб туриб олди. Хамидуллада бўлса керак деб ўйладим. Уникага йўл олдик. Унинг уйи кўчанинг нариги бошида эди. Шишани деярли ёлғиз ўзи бўшатган Собит маст бўлиб қолганди. Кўчага чиққанимизда, у бўйинимга осилиб олди. У нуқул Карима ҳақида гапирарди, уни Самарага олиб қочиш кетаман, дерди. Юришдан тўхтаб, кўзларимга тикилганча йиғламираб: “Фафлатда қолдим, жўра, армонда қолдим”, - деб кўкрагига муштларди. Титраётган, сўлакдан нам бўлган лабларига, чакка суяклари туртиб чиққан қаримсиқ юзига, тўзиган малла сочларига, чакчайган мастона кўзларига қараб туриб Каримадай хунукдан хунук, ўтириб қолган бир қизни деб шунчалик қуюнаётганига одамнинг юраги эзилиб кетарди. Шу пайтгача укасини уйлантириш ҳақида бош қотирмаган акадан ҳам нафратланиб кетдим. Уйланса у ҳам одам қаторига қўшилган бўлармиди. Хуллас, мен унга ёрдам беришга қарор қилдим.

Хамидулла

Падарингга лаънат Содик анави бангини бошлаб борганида мен кўчада қўшним билан гаплашиб тургандим. Келган одамга кет дейсизми. Уйга таклиф қилдим. Бир шиша ароқни ютишди захарларига. Нима? Ҳа, ҳа, мен ҳам ичдим! Кечирасиз, қизишиб кетдим. Ўтинаман, протоколга киритманг. Мени тўғри тушунинг, ахир менда айб йўк. Ҳаммасини

анави иккаласи қилишди... Хўп, хўп, давом этаман. Улар айтган нарса менда йўк эди. Ўзлари айтган жойдан укам олиб келди. Қоғозга ўралган зормандани Собит йўлда чекамиз деб чўнтагига солиб қўйди. У тинмай Карима ҳақида жаврарди. Ҳайронман, ўша полизга қўйилган кўриқчининг нимаси ёқиб қолган экан унга. Дарвоқе, Собитнинг ўзи ҳам ундан ортиқмас. Ўхшатмасдан учратмас деб шунга айтишса керак-да. Кўз сузганмиш: ишонса бўлади. Мактабдалиқ пайтидан биламан: ичидан пишган писмиқ у... Кейинми? Кейин биз қиз йиғинга бориш учун йўлга чиқдик. Каттик маст бўлиб қолган Собитнинг жағи тинмас, ўтган-қайтганга гап отарди. Ҳамқишлоқларим олдидан уялиб кетдим. Бор-е деб кетворай дедим-у, борадиган жойимиз бир бўлгандан кейин ноқулай бўлди. Кариманикига яқинлашганимизда анави иккаюви йўл чеккасига ўтириб наша чекишди. Сен ҳам тортгансан, дейсизми? Гувоҳлар бор? Ҳа, ҳа, бангилар кистайвергандан сўнг бир-икки тортишга мажбур бўлдим, лекин ичимга ютмадим. Менга у таъсир ҳам қилмади. Мен банги эмасман. Қиз йиғинда озгина ичдим. Зиёфат бўлгандан кейин ичилди-да. Менда айб йўк. Анавилар мени судраб олиб кетишди. Икки боланинг отасиман. Болаларим тирик етим бўлиб қолишмасин, ака! Адолат қилинг. Менда гуноҳ йўк, ака! Яна нимани

гапирай? Кариманикига етиб борганимизда қош қорайиб қолганди...

Зулайхо



Мен Кариманинг энг яқин дугонасиман. Ўша куни эргаладан бориб унга қарашдим. У куёви билан бозорга бориб қайтишди. Шу пайтгача у ҳали бўлажак эрини кўрмаганди. Бозордан қайтиб кетганда унинг кайфиятини яхши деб бўлмасди. Қалай, куёвинг ёқтими, десам, у чўрт кесиб: “Йўк” - деди. Бундай жавобни эшитиб унга тикилганча анграйиб қолибман. “Кимгадир тегиш керак-ку”, - деди у ҳолатимни сезиб босиқлик билан.

Собитлар кириб келишганда меҳмонларга биринчи таом тортилганди. Мен тўрда Кариманинг ёнгинасида ўтириб овқатланардим. Собитга кўзи тушиши билан у “ҳиҳ”, деб ичини тортиб юборди. Биз билан бир синфда ўқимаган ўғил боланинг даврамизда пайдо бўлиши барчани ажаблантирарди.

“Уни ким чақирибди, безбёт” - деди Карима маст овозда. У каттик хижолат чекарди. Ахир ҳар ким ҳам, Карима Собитни ҳам чақирган экан деб ўйлаши мумкин эди-да. Собит ҳеч ким билан саломлашмай, ўғил болалар қаторига ўтириб ича бошлади. Кирик қоқмай Каримага тикиларди. Шундоғам хижолат чекаётган дегонан у тарафга қарамас, лекин нигоҳини хис қилиб безовталарди. Тишириллаб бир жойда ўтиролмади. Охири нимадир олиб келиш баҳонасида ликопчани кўлига қисиб меҳмонхонадан чиқди. Орқасидан мен ҳам чиқдим. Карима секин юриб, даҳлиз тўридаги қанд-қурсе ва бошқа нарсалар турган хонага кирди. Мен ҳам унга эргашдим. Хонада икковимиздан бошқа ҳеч ким йўк эди. Карима кўлида ликопчани туганча нимага келганини унутгандай паришон ҳолда турарди.

- Ўзинг овора бўлмасдан қизларга, ё менга айтсанг бўларди-ку, - дедим. - Нима обормоқчи эдинг?

Карима гапимни эшитмагандай серрайиб турарди. Дангал гапирадиган одатим бор. Елкасидан ушлаб уни ўзимга қаратдим ва кўзларига тик қараб сўрадим:

- Собит билан ораларингда бирор гап ўтганмиди?

- Йўк, - деди у кичкириб. - Нималар деяпсан, қаёқдан олдинг бу гапни?

- Сен ўзинг ёқтирмаган уч болали бевага тегишга мажбур эмассан. Ҳали ҳам кеч эмас. Кўнглингдагини айт: ҳаммаси билан ўзим гаплашаман.

- Нега менга бунақа гапларни гапиряпсан?

- Сен уялма, айтавер.

Карима:

- У билан ўртаимизда ҳеч нарса бўлгани йўк. Унинг ўзи келган, мен уни чақирмадим. Нега ишонмайсан, - деб йиғлаб юборди. Кўз ёшлари юзини юварди.

- Яхши кўриш... севги... - деди у ҳижолатлаб. - Булар менга бегона.

Камсуқум дугонаимни ҳеч бунақа аҳволда кўрмагандим, ундан бундай сўзларни ҳеч эшитмагандим. Шўрликка юрагим анишиб, беихтиёр бағримга босдим. У ҳам мени қучоқлаб олди, елкамга бошини қўйиб йиғлади: кўз ёшидан қўйлагим нам бўлди. Меҳмонхонанинг эшиги олдидан Каримани Собит кутиб турарди. У маст эди, гандирақларди.

- Шошма, - деди у - Сенда гапим бор.

Карима илдаммай ўзини меҳмонхонага урди. Унинг ортидан биз ҳам кирдик. Меҳмонлар дастурхонни бир қадар йиғиштириб, рақс тушиш учун жой ҳозирлаётган эканлар. Карима касета тахлаб бериш учун устида магнитофон ва касеталар турган тўрдаги стол ёнига ўтди. Собит ҳам лиз этиб ўша ерда пайдо бўлди. Карима

раксбоп ўйноқи мусикани кўйиб юборди. Мен пойгакда туриб ракс тушганча уларни кузатдим. Собит зўр бериб нималарнидир гапирарди. Мусика ва меҳмонларнинг шовқинида унинг нима деётганини эшитолмадим. (Кейинчалик у нима деди, деб сўраганимда, Карима сени Самарага олиб кетаман деб қистаганини айтиб берди) Кўпчилик улар тарафга таажжубланиб қараб кўярди. Уяту номусдан кип-қизариб кетган Карима ўзини ундан олиб қочарди, бироқ Собит уни ўтказмай, девор билан стол оралиғига қисиб кўйганди. Дугонамга ёрдам бериш учун улар томонга юрдим, лекин Содик йўлимни тўсиб, ўтишга кўймади.

- Гаплашиб олишсин, халақит берма.

Унинг елкаси оша Кариманинг илтижолу боқаётган кўзларига кўзим тушиши билан Содикни итариб юбориб, олдинга интилдим. Бир-икки қадам ташлашга улгурмай олдимда Ҳамидулла пайдо бўлди. Кўлларини эзиб тургани учун уни четлаб ўтишнинг имкони бўлмади.

- Кўйиб юбор, - дедим ғазаб билан.

Ҳамидулла илжайганча йўқ дегандай бош чайқади.

Шу пайт ракс тушишдан тўхтаб, анчадан бери бу ҳодисаларни кузатиб турган Кариманинг ўн икки ёшли синглиси Замира:

- Опамга тегманлар, - деб қичқириб юборди. У шунчалик қаттиқ қичқирдики, ракс тушаётганлар беихтиёр ҳаракатдан тўхтаб, унга қарашди. Замира югуриб меҳмонхонадан чиқиб кетди ва зум ўтмай Хўжаназар акани бошлаб келди.

Содик

Меҳмонхонада бирдан бўйи салкам икки метр келадиган девкомат Хўжаназар пайдо бўлганида, устимдан муздай сув қуйилгандай бўлди. Кайфим таркагандай бўлиб, бемаъни иш қилиб кўйганимни англадим. Фақат бу ҳолат узоқ давом этмади. Кўп ўтмай ичкиликдан қизиган миямда яна ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди, шуурим хира тортди. Хўжаназарнинг ҳам ширақайфлиги сезилиб турарди. У кўлларини

белига тираб олганди. Юзида эса жиянининг аҳволдан ташвишланиш эмас, безориларни тартибга қақирши учун айнан уни танлашганидан мамнунлик ифодаси бор эди.

- Қани, кимлар? - сўради у.

Маҳмадона қиз ҳам мана бу, мана бу, деб уччаламизни кўрсатиб берди. Хўжаназар амирона оҳангда "Бу ёққа юрларинг", - деди ва эшикни ланг очиб, ўзи йўл бўшатиб турди. Биз олдинма-кетин юриб, меҳмонхонадан чиқдик. Ортимиздан Хўжаназар ҳам чиқди, лекин бир нарсани унутгандай дарров изига қайтди, меҳмонхонага кирди. Ичкаридан унинг "Ўғил болалар, сизларга жавоб", - дегани эшитилди. Хўжаназар тутилиб қолди, ташқарига чиқиб жуфтакни ростлаймиз деб қувондим. Янглишган эканман. Ташқарида бизни хонадон яқинларидан иборат ўн чоғлик эркак гуруҳи кутиб турарди. Хўжаназар ҳам тез етиб келди:

- Менга қараларинг, - деди.

Ўгирилиб ёнма-ён турган ҳолатда унга рўбарў бўлдик.

- Сенларга нима керак, тўйни бузмоқчисанларми?

- деди ғазаб билан (Негадир менга унинг ғазабланишида ясамалик бордай туюлди).

- Сенга нима керак? - деди у Собитга ва чаккасига шапалоқ гортиб юборди. Бир-икки сония ўтмай унинг залворли кўли менга ҳам келиб тушган бўлса-да (хислар жўнбишга келиб тургани учун бўлса керак) шапалоқ зарбидан Собитнинг боши сарак-сарак бўлиб кетганини, оғзидан чиққан кўпик ҳар ёққа сачраганини, сочлари кучли шамол вақтидагидай ўйнаб кетганини кўришга ургурдим. Хўжаназарнинг кўли ниҳоятда бақувват ва темирдай қаттиқ эди: кўзларимдан ўт чакнаб қулоқларим шангиллаб кетди. Хўжаназар оғзидан тулук сочиб, бир нималар дер, бироқ менинг қулоғимга кирмасди. Фақат охири гапини, кўлини чўзиб қўчани кўрсатганча: "Қани, марш!" - деганини эшитдим. Итоаткорлик билан кўча томонга йўл олдик. Алам ўтиб кетганди. Ҳеч бўлмаганда сўкиниб, оғринган нафсониятимизни тинчлантиришни истардим. Аммо ғазабланган шунча қариндош бизни мажақлаб ташлаши мумкинлигини ўйлаб тилимни тиярдим. Кўчага чиққанимизда Собит бирдан қайрилиб:

- Хой, Хўжжи, - деб бақирди.

Қариндошлар ҳали уйга кирмай орқамиздан қараб туришарди. Хўжаназар кўли билан ўқланган милтикдай тайёр турган бир неча йигитни биз томонга югуришдан тўхтатиб:

- Нима дейсан? - деб сўради.

- Атрофингда шунча шотирлар билан ботир бўлиш осон. Мард бўлсанг яккама-якка чик.

Собитнинг гапи бизга хуш ёқиб кетганди. Гапириш имкони туғилганидан қувониб, овозимиз борича қичқириб, унинг сўзларини акс-саодоай такрорлардик:

- Чик, яккама-якка чик!

- Қаерга чиқай?

- Чегарага.

- Қачон?

- Бугун. Тўйингни яқунлаб чиқавер, эрталабгача кутаман.

- ... Бугун... эрталабгача...

- Майли, бораман, кут.

Шу гапларни айтиб бир оз бўлса-да аламимиздан чиққанганим, бирдан уччаламизнинг ҳам кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Биз бир-биримизга гал бермай ҳозирги воқеага алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида гаплашиб, қўчани шовқинга тўлдириб борардик. Йўл-йўлакай уйида нарса сотадиган кампирниқидан икки шиша ароқ, газак олиб чегарага бордик. У ерда чўмилдик, ичкиликбозлик қилдик. Хўжаназар келмас, келса ҳам ёнида одам билан келар деб ўйлагандим. Лекин у ёлғиз келди.

Терговчи




Хўжаназар билан Собит ўртасидаги аҳдлашувни ҳеч жиддий қабул қилмаган. Хўжаназар меҳмонлар тарқаб, хотини ҳам болаларини олиб уйига кетганидан кейин ҳам анчагача хонадон эгалари ва бошқа бир неча қариндош, қўшнилар билан ароқ ичиб, суҳбатлашиб ўтирган. Улар ҳам бирин-кетин тарқай бошлашган, баъзилари ўша ерда ухлаб қолишган. Хўжаназар уйига ёлғиз қайтган. Уйдагилари уни келади деб эшикни қулфламай ётишган. У ҳеч кимга сездирмай уйига кириб, кийимларини алмаштириб чиққан. Маҳаллий аҳоли "Чегара" деб атайдиган икки қишлоқни бир-биридан ажратиб турган анҳорнинг ҳар икки қишлоқ аҳолиси чўмиладиган жойга йўл олган...

Рўзбой ҚУЛМАТОВ, 1966 йилда Хоразм вилоятидаги Богот туман Атов қишлоғида туғилган. Урганч Давлат Университетининг филология факультетини тамомлаган. Айни кунда ўқитувчи. "Ёшлик"да биринчи чиқиши.

Исмол ШОМУРОДОВ

БАЙРОК



Қисса

-1-

Бу хонадонда таянч нуқтасини топиб берсанг курраи заминни ўрнидан силжитадиган, аниқроғи ўзлари ҳақида шундай ўйда бўлган тўрт йигит – тўрт буйдок, катта ҳаётнинг бўсағасида турган, у ерга кириб олишгани ҳамонқоқ, буюқ ўзгаришлар қилиб юбориш ниятида юрган тўрт хаёлпараст яшарди. Аслида уларни беш киши десак бўлардию бироқ қахрамонларимизга кўшмоқчи бўлганимиз бешинчи йигит – Шакар (исми шунақа) бутун умри (тракторини ҳайдамаган пайтда) шу ерда ўтишига қарамай, кўшни хонадонда истиқомат қиларди, акаси Халим аканикида. Шунинг учун ҳам ҳикоямизда у фақат ёрдамчи қахрамон сифатида ишлатилади. Унинг йўриғи бошқа. Қолаверса у ҳикоя қилинмоқчи бўлинаётган воқеада тўлиқ иштирок ҳам этгани йўқ. Худда шу кун трактори билан Конев номи совхознинг ҳаммомига сув олиб кетганлиги уни бу бахтдан бенасиб қилган.

Бу ўша – қизил империя деб аталмиш давлатнинг остига дарз кетиб, мамлакатда ҳамма ўз билганини қилиб юрган нотинч пайтлар эди. Қахрамонларимизнинг бири, асосийси дейиш ҳам мумкин, – уйнинг эгаси ва қолган уч йигитнинг бошини шу ерда қовуштириб тургани шоир эди, лақаби ҳам шу, кўнгил ва кайфиятнинг одами, нозик ҳислар, гўзал туйғулар ва уйқунинг қули. Баланд бўйли, ориқроқ ва чайир, қорачадан келган, негадир сочларининг икки ёни оқариб қолган, ўзининг таъкидлашича “ақллиқ-белгиси”. Бироқ Алишернинг бу гапга ишончи камроқ ва оқ сочлар ҳеч қачон ақдан дарак бермаган, деб ҳисоблайди. Фикрининг исботи сифатида ўзининг соқоли оқариб қолган қари такасини келтиради. Бунга жавобан Шоир қапчадек қўлларини силжитиб, фикрини маъқуллашга тушиб кетади. Бу борадаги баҳс ҳеч қачон охирига етмаган. Хар сафар у ё Шоир аразлаб, ёки Алишер қочиб яқун топади.

Иккинчиси – ўқитувчи, бунинг устига физик. Шуниси ҳам етмаганидек, бу соҳада бор-йўғи бир йил ишлаётган бўлса-да мактабда ўқув ишлари бўйича бўлим мудир. Ўзи рус тилини армияда аранг ўрганган бўлишига қарамай, рус болаларига дарс беради (физикага тилининг кераги йўқ, чамаси)! Камсухан, камтар ва босиқ йигит: уч кун деганда олти оғиз гапириши мумкин, унда ҳам Шоирни масҳара қилгиси келиб қолса, ёки унинг камситишларига жавоб қайтариши, ўзининг юксак мартабасига (қолганларникига нисбатан, албатта) қарамай, лозим топса. Шу олти оғиз гапнинг ҳам учтасини физиканинг қонунлари ташкил қилади. Шоир тўғри таъкидлаганидек, арокни кўрса кўзлари ўйнаб кетади ва узок-яқин бўлиб ёна бошлайди. Ҳақиқатанда шу нарсага ихлос қўйган, ҳурмати баланд. Шоирга тесқари ўлароқ унинг ранги сарикдан келган. Сочлари ҳам шунга мос, фақат тикрайиб туриши унинг рус эмаслигидан дарак беради. Шоир кўпинча хайрон қолади ва овоз чиқариб фикр юритади: “бизнинг қишлоғимиз тоғнинг бир четига, у ёқларга ўрис зоти қадам босмаган бўлса, Тохир қандай тўғилиб қолган бўлиши мумкин, сап-сарик бўлиб?!” Бу “ўй” ўқитувчига сира ёқмайди ва кўнгир қошларини чимириб, сарғайган тукли пешонасини шафтолиқоқидек буриштириб, Шоирнинг бадтар жаҳлини чиқарганча индамай қўя қолади. Ўқитувчи билдики, ўзи семизгина бўлишига қарамай, Шоирдан кучсиз, у бир урса япалок қилиб ташлайди.

Учинчиси – журналист. Бу тоифа инсонлар хусусида бир гап кам, иккитаси эса ортиқча. Қахрамонимиз ҳам барча касбдошлари каби ўзи ишонмаган нарсаларга бошқаларни ишонтиришга, ўзи билмаганларни ўзгаларга ўргатишга, кўрмаганларини эса кўрсатишга ва ниҳоят, машина босиб кетган қурбақанинг ҳалокатини ҳам миллий фожиа сифатида кўрсатишга, бу орқали ўз номини чиқаришга ишқибоз. Журналист Шоир ва ўқитувчининг ўртасидаги бир одам. Яъни шоирдек катта ва чайир, ўқитувчидек сарик ва семиз эмас, ўрта бўйли, ориқдан келган. Соч тўқилиб бораётгани, оқармаяти. У бу борада Шоирга тасалли беради: “Соч оқарганига хафа

бўлмаг, оқ сочлар ҳеч қачон тўқилмайди. Сиз бирор марта сочи оқ кални кўрганмисиз?” “Тўғри,- дейди шоир ўйланиб,- аммо шу пайтга қадар сочи қора кални ҳам учратмаганман”

Журналист халқ орасидаги мақол ва ибораларни йиғиб, уларни бўлар-бўлмас гапларнинг орасига қўшиб айтиб юришни хуш кўради. Мақол бўлганда ҳам тузукроқ, қарияларимиз насиҳатомуз тарзда кўзини юмганча, бир олам маъно бахш этиб айтадиган ибратлилариданмас, балки унча мунча одамнинг оғзидан чиқмайдиган, эшитган кишининг юзлари қизариб, ўзини кўярга жой тополмай қоладиган хилдан. Балки буларни мақол ҳам деб бўлмас, лекин ҳар ҳолда шунга яқинроқ бир нарса. Журналистнинг одоблилик қиладиган томони шундаки, кўпол сўзларнинг ўрнига “халиғи” деган сўзни ишлатади ва натижада унинг бу гапларини кўпчилик тушунмай ҳам қолади.

Тўртинчи йигитимиз эса хайдовчи. Таъминлаш-қурилиш бошқармасининг ГАЗ-53 автомашинасини хайдайди. Сув ташийди. Ширинсухан, гапга чечан йигит. Шоир уйқуга, Ўқитувча арокка, Журналист шуҳратга қанчалар ўч бўлса, у қизларга шунчалар ишқибоз. Ва ҳаёт кейинги пайтларда унинг бу қизиқишини қолганларникига нисбатан асосли, умидли эканлигини кўрсатмоқда. Зеро муҳаррир ҳар кун эрталаб Шоирнинг уйқусини бузаётган, қурбақаларни машиналар босмай қўйган ва ичкиликбозликка қарши кескин курашлар давом этиб, этик мойидан ҳам спирт олиб бўлмай қолган бир пайтда қизлар ҳар қаламда учраб турарди. Айниқса эрга тегиш асосий кийинчиликлардан бири бўлиб бораётган чўлда уларнинг суҳбати муаммо эмасди. Хайдовчимиз анча бақувват йигит – бир пайтлар Навоий шахрида заводда ишлаганда кураш тўғаракларида иштирок этган. Мушаққари бўртиб туради, сочлар шунга яраша – жингалак-жингалик. Соқоллари қуюқ ва тез ўсади.

Кўшимча қарамонимиз – тракторчи Шакар ҳақида ороқкоқ гап бўлди. Унинг қизлар ҳақидаги суҳбатга ишқибозлигини айтадиган бўлсақ, бироз хотинбозлиги ва ёлғончилиги (чунки қизлар ҳақида ҳар доим ҳақиқатни гапириб бўлмайди) аён бўлади. Аммо бу хислатларнинг чегарасидан чиқилмаса, ҳеч қанақа ёмон жойи йўқ. Зеро маданий хотинбозлик – жентлменлик, ортиқча ёлғончилик эса адабиёт ҳисобланади. Тракторчимизнинг бўйи паканадан келган, юзлари юмалоқ ва чўтирроқ. Гапни интиқроқ қилиб, тез-тез гапиради. Кўзлари ҳар доим ўйнаб туради. Эпчил ва тиниб тинчимаган йигит. Унинг ҳовлиқмаллиги ва қўлини қапча қилиб гапиришининг ўзиёқ киши кўнглида энгил қулгуга, қувончга ўхшаш ҳис уйғотади. Боладек беғубор қарашлари, гап-сўзларидан дилнинг яйрайди ва шу аснода сезиб турганинг ҳолда кип-қизил ёлғон бўлган гапларига ҳам ишониб кетасан.

Гапни бошлаган жойимизга қайтамиз. Иккита хонадан иборат хонадонда яшовчи, ерни қоптоқ қилиб юборишга шай бу йигитларга ҳеч қим таянч нуқтасини топиб бермади. Таянч нуқтаси, дейилганда улар машҳур файласуфдан фарқли ўлароқ, пули кўп хомийни тушунишарди. Замонанинг зайли одамларнинг дунёқарашинида шу даражада кескин ўзгаришлар қилиб юргандини.

Биз эса вақтни олиб бу йигитлар қандай қилиб мазкур хонадонда тўпланишганлиги ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Бўлмаса шоиримиз Ўтабек (унинг исми шундай эди) ва у бу билан жуда фахрланарди, эмишки бу дегани беқларнинг ўтиб кетгани – журналистнинг бодрининг ўтиб кетгани ейишга ярамайди, деган гапни жуда оғир ботсада, ўзининг фикридан қайтган эмас,- яъни беқларнинг отаси – Отабек, ойи – Ойбек, улуғи – Улугбек ва яна бошқа-қашқаси эмас, балки ҳаммасидан ўтиб кетгани) шу туман газетаси муҳаррири билан вилоят марказида танишиб қолганини ва у Шоирни ишга таклиф қилган, кўчиб келиб, шу хонадонни харид қилиб,

хамкишлоғи, шу йили университетни битирган ўқитувчи Тоҳирни улкан ваъдалар билан ишга олиб келганини, орадан бир йил ўтиб журналистика факултетига сиртдан бирга ўқийдиган курсдошига ўзининг келажакда вилоят обком котиби (у пайтлар шундай лавозим бор эди) бўлишини айтиб, унга ҳам катта амаллар ваъда қилиб, авраб олиб келганини, шундан кейин эса жияни – Алишерни ҳам яп-янги ЗиЛ олиб бераман, деб чакириб олганини айтиб ўтишимиз лозим бўларди. Бу эса мендек камгап ҳикоянависнинг иш услубига тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам булар ҳақида лом-мим демаганча воқеанинг бошқа қаҳрамонлари билан таништиришда давом этман.

Яна бир қаҳрамонимиз – Шакарнинг акаси – Ҳалим ака бола-чақали, ёши қирқни қоралаб борган бўлишига қарамай қаҳрамонларимизнинг таъсирида кўнгли бутунлай ёшариб кетган, тонга қадар беш бўйдоқнинг даврасига кириб, нарда ўйнар, кизлар ҳақидаги узундан узок суҳбатларда, Шакарни уришиб чиқариб юборгач, маслаҳатчи сифатида иштирок этарди. Унинг бу юришидан тез-тез янганинг жажли чиқиб, ўз зугумини бошлаб қолардию, Ҳалим аканинг 2-3 кун кайфияти йўқолиб, суҳбатлашолмай юрарди ё янга ёки йигитлар билан. Бу қайси томоннинг далили кўпроғу, тарози палласи қайси томонга ён босишига боғлиқ.

У, Шоир ва Журналист билан бир жойда – туман газетасида ишларди. Бу ерда улар учаласидан ташқари Холвой ака деган мухбир ўзининг ўн синфлик маълумоти билан, Иззатой деган котиба киз ўзининг унаштириб қўйилган йигити билан (куёв бўлмиш бу ерда ишламайдик, бироқ эртадан кечгача котибанинг ёнидан бир қадам жилмайди. Мухаррир – Салим ака ҳар жажли чикқанда: “барчангни бозорда сотиб, шу куёвга едириш керак, ҳар ҳолда керак бўлиб қолса излаб юрмайсан. Эртадан кечгача шу ерда. Сен бекорчиларни эса пешинга яқин уйқудан уйғотиб келаман”,- деб бақариб қоларди) хизмат қилади. Аммо мухбарнинг хуноб бўлганича бор. Уйқучи шоиримиз у келмаса ўзининг юмшоқ диванидан турмаслиқни одат қилиб олган. Туман маркази кичик бўлгани туфайли ҳам ҳамма бир-бирини билди ва бир-бирига қўшни. Аксига олгандай нарги уйда яшовчи мухбир Холвой аканинг қулоғи сал оғиррок. Бу ҳам етмагандай хотини кўпинча тунги сменада ишлайди. Хулласи бечора мухбарнинг унинг эшигини уч соат тепса ҳам, калласи пишмаса турмайди. Ахийри инсоф кириб, уйғониб кетса, эшикнинг қулфини очиб: “Салимбой, нима қилиб бўсағада турибсиз, ичкарига кирмайсизми”,- дейди. Рўпарадаги уйда эса шоир бу маҳал мухбарнинг кетганини сезиб, иккинчи уйқуга кирган бўлади. Шунингдек таҳририятда Тўраев деган масъул котиб ишлайди, тўғрироғи ишламайди. Яъни уч ойдан буён таътилда, Россияга қовун сотгани кетган.

Биз ҳикоя қилаётган маконда ҳаёт шу тарзда – зерикарли, оддий ва ўзгаришсиз кечаётганди. Қулларнинг бирида аллақачонлар юз бериши кутилаётган воқеа кутилмаганда рўй берди: йигитларимиздан бири севиб қолди. Аслида бу севиб ҳикоямиз учун аҳамиятсиз бир нарса, аммо ҳаммаси айнан шу сабабли юз берди.

-2-

Чўлда пахта терими мавсуми бошланганди. Бу тадбирнинг давлат аҳамиятига молик эканлиги ҳақида ортикча гапириб ўтириш шарт эмас, фақат эслатиб ўтиш лозим бўладики, кишилар онгида бўлаётган ўзгариш шу нарсага ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Одамлар ерни бригада-бригада бўлиб бўлишиб олишган эмасми, ҳеч ким ўз даласига беғоналарни киритишга рози эмас, туманнинг катталари эса маъмурий ишчиларнинг барчасини далага ҳайдайдики, пахта териб кел, деб. Икки ўртада хашарчилар хайрон: каерга бориш ва нима териш керак? Орада ўн-ўн беш кун боғдорчилик хўжалиқларига олиб бориб, узум, олма тердиришди. Кейинчалик эса бригаданинг ўз ишчилари, машиналари далаларни бир қарра тозалаб бўлишгач, хашарчиларни пахта теришга

ҳайдашди. Йигитларимиз худди шундай тадбирлар жараёнида туманнинг сулув қизлари билан танишиб олишди.

Бу юртларга олдинроқ келган шоир ва ўқитувчининг бўшлиғими, камтарлиғими сабабли, шу пайтга қадар ёлчителиб биров билан танишишмаган экан. Уларнинг сафига август ойида ҳайдовчимиз – Алишер қўшилдию, ҳаммаси ўзгарди: ўзидан илгарироқ келган Журналистдан тортиб, бу борада бирор марта ёлчителиб ўйлаб ҳам кўрмаган ўқитувчига қадар - барчаси қизлар тўқрисидagi суҳбатларга бошлари билан шўнғиб кетишди. Алишер шу туманнинг аллақайси пучмоқларида яшириниб юрган сулувларни излаб тонар, бошқаларнинг кўзини ўйнатиб, кечки пайтларда музқаймоқ едиришга олиб кетарди. Бундан бошқаларнинг ҳам пайтавасига қурт тушиб, гиймирлаб қолишди. Шоир анча бойвачча эмасми, Алишернинг қизларига музқаймоқ олиб берар, ўзининг узундан узок, зерикарли ва тузсиз фалсафий фикрлари билан уларнинг жонини халқумига келтирарди. У тинимсиз ўзини мактар, келажакда обком котиби бўлишини айтиб, қизларнинг энсасини қотирарди. Уларга эса келажакда ким бўлишинг эмас, аини пайтдаги вазият, ўзларининг ҳаммадан чиройлироқлиги ҳақидаги гаплар кизикарлироқ. Шоир файласуф бўлишига қарамай, шу нарсанинг фаҳмига етмас, натижада қизларни қарғаларнинг галасидек ўзидан хуркитиб юрарди. Алишер эса унинг тескариси, нима қилиб бўлса ҳам, ҳамсуҳбатининг кўнглини овлашга ҳаракат қилади, шоирга ўхшаб ҳаётнинг муаммолари билан уларнинг бошини қотирмайди, ўзини ерга уриб бўлса ҳам ёнидаги кизни хурсанд қилиш ҳаракатида бўлади. Шунинг учун пашшалар гўннга ёпишгандек қизлар унинг ортидан қолмайди, ҳатто бир-биридан рашк қилиб, уришишиб ҳам туришади.

Журналист эса анча бефарқ кўринади. Қизлар ёнига келиб қолгудек бўлса, уларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилади, бўлмаса ортларидан қувиб юрмайди. Унинг камтарлиги ва уятчанлиги шу хусусиятни юзага келишига сабаб бўлган, бунинг устига ҳаётда жуда камсуқум йигит эмасми (аммо у ўз касбини, бурчини бажараётган пайтда ўзига сира ўхшамай қолади – даяил, қайсар ва чўртқесар бўлиб кетади), қизлар билан суҳбатлашайтганда тез-тез ганини йўқотиб қўяди ва довдираб қолади. Бу эса асло таниш қизларнинг унга бўлган ихлосини сўндирмайди, аксинча уларнинг манманлик йўғрилган хусусиятларига жуда ёқиб тушади ва ўйлай бошлашадик, Журналист хаяжонланапти, ўзим ҳам жуда чиройлию салобатли қизман-да, ёнимга келганда йигитларни ҳаё босиб қолади. Аслида эса бундай эмас, журналистимиз қизларнинг чиройидан, салобатидан эмас, ўзларидан довдирайди, хусусияти шунақа. Вактлар бўлганки, бокиб юрган эчкиси ҳам қўшинининг боғига томон сакраб қолса, нима қиларини билмай, эсанкираб қолган. Яхшиямки қизлар Журналистнинг эчкидан ҳам хаяжонланишини билишмайди, бўлмаса унинг яқкаю ягона ҳисобланган ифтихори ҳам камчиликка айланиб кетган бўларди.

Ўқитувчимиз эса шунчалар тортинчоқ эдики, Журналист унинг шу хусусиятига қандай қилиб арокка ружу қўйганлигига тушунолмаётган гаранг юрарди. Унинг бу хусусияти қизларга гап отишга, ҳатто уларнинг ўзлари келиб, бир нарсаларни сўрашганда ҳам, йўл бермас, гум-гуре юраверарди. Унинг мактаб раҳбарларидан бири сифатида пахта мавсумига чиқмаганлиги қизлар билан юз бериши мумкин бўлган тўқнашувдан саклаб қолди ва шу ҳолича – бировга ортикча гапиролмаслигича қолиб кетди.

Пахта теримига олиб чиқилаётганининг тўртинчи куни эди. Ҳали, боя айтганимиздек, бригадирлар хашарчиларни қувиб, улар ноилож узум ва олма узишга кетиб, яна қайтиб келган пайт эди. Шоир, Журналист ва Ҳайдовчи мавсум бошида сотиб олишган, узум териб солинавверганидан, улар эзилиб, шираси оқиб, тўпроқ ёпишиб кўтир бўлиб кетган этаклари тоза, дазмолланган



шимларига тегиб кир қилиб қўйишдан чўчигандек, пахтазор ичра оҳиста-оҳиста кетишаётганда орқа томондан ёқимтойгина овоз келди:

- Хэй, йигитлар, пичокларинг борми?

Учала йигит ярқ этиб ўша томонга қарадио кўзлари белларини ушлаб турган, этак таққан икки қизга тушди. Булар ўзлари ҳар кун музқаймоқ олиб берадиган, кейин эса думини ушламай қочиб қоладиган, ўзларини салкам дунё гўзали ва шаҳарлик деб ҳисоблайдиган, аслида эса шўр тупроқ ва иссиқдан икки юзлари Нормат тоғанинг анорларидек ёрилиб кетган, бор-йўғи санузел ишламайдиган икки қаватлик уйларида яшайдиган посёлканинг тантик қизларига ўхшашмасди. Уларнинг бири – бугдойранги, бошига оқ рўмолчани арқон қилиб, ҳиндулар каби танғиб олган ва бу унга шу қадар ярашиб тургандики, Шоир беихтиёр “ух” деб юборди. Бу қиз тўладан келган, билаклари эса лорсиллаб турарди. Юзлари офтобда қорайган ва силлиққина эди (ҳар ҳолда Хайдовчи учун шундай туюлди). Иккинчиси, оппоққина, кичик ва нимжони эса эгнига қўнғир тусли эркакларнинг кўйлигини кийиб олган, у ўзига сал каттароқ экан, елкалари осилиб турарди. Дуррача ўраган дугонасидан фарқли ўлароқ бунинг кўзлари кесикроқ, сочлари узун, битта қилиб ўрилган эди ва бу ўзига жуда ярашиб турарди. Журналистнинг назарида бу қиз буюк чечаси – Наташа Крупскаяга ўхшаб кетди. Албатта у Наташани кўрган эмас, вақтида тугилиб улгурмаган, бироқ киноларда унинг сочи айнан мана шунақа – катта, битта қилиб ўрилган бўларди.

Шубҳасиз бу гап бизнинг йигитларга айтилганди. Ва умуман уларга қаратилган бўлиши ҳам шарт эмасди, Хайдовчи учун унинг орқасидан қизларни нафас олишининг ўзи кифоя, гап отишга баҳона топилади.

- Нима?! Бизгами?.. Биздан сўраясизларми? – Алишер қўли билан ўзини кўрсатиб сўради.

- Пичок... кизларнинг кичигини оғзидан шу гап чикдию, негадир уялиб, индамай қўя қолди.

- Ҳа, шундай демайсизларми? Бизга сал бошқача эшитилибди. Бош ҳарфи “ч”данми-ей... Ўтабек, сизда пичок борми? – кичқирди Алишер у ёнида турган бўлишига қарамай қизлар эшитсин учун. Ҳолбуки у Ўтабекда пичок йўқлигини жуда яхши биларди ва жавобни ҳам кутиб ўтирмай, ўтрилдию қизларга гапирди. – Нима қиласизлар ўзи? Мабодо битта-яримтаси шилқимлик қилаётган бўлса, бизга қўйиб бераверингизлар, пичокбозлик қилиб ётиш шарт эмас.

- Йўк, - кизларнинг бугдойранги ноз билан гап бошлади. – қовун сўймоқчи эдик, ҳеч кимда йўк. Шунга ҳайрон бўлиб турибмиз.

- Совун? – Алишер ўзини гарангликка олди. – Ҳа-а, қовун, нову проблем. Бунинг мутахассиси биз-да, бирпасда сўйиб, еб ҳам беради акаларингиз қарагай.

- Қарагайни-ку кўрмаймиз-а, – деди бояги қиз, жуда маҳмаданага ўхшайди, – саксовулга ўхшаб турибди.

Алишер бир лаҳза жим бўлиб қолди: йигитларнинг олдида жуда шармайда бўлганда-да, гап топиб беролмай. Ўтабек унинг афтини буриштириб туришидан кулиб юборди.

- Майли, - деди аразлаган бўлиб ўзича, - мени қизлар ёқтирмаслигини биламан, аммо ҳеч ким бу қадар очик ва аччиқ устимдан кулмаганди. Энди ўзингиздан кўринг, қовун қани, бир аламини олай. Хўп қорним очиб турган эди-да айни пайтда.

У қизлар томонга қараб юра бошлаганда икки ҳамроҳининг нафаси ичига тушиб кетди: энди бу ёғи нима бўлди экан, деган кўркув уйғонганди уларнинг шоирона ва журналистона калбларида. Аммо улар қизлар дунёси нақадар сирли эканини билишмасди ва фаҳмлаб етишолмасди ҳамки, уларга қутилмаган, тасодифий ҳаракатлар ва нарсалар ёқтириши. Алишер бор-йўғи уч ой ҳайдовчиликка ўқиган бўлса-да буни икки нафар салкам олий маълумотли йигитдан яхшироқ англади.

- Вой, одамнинг безини, - деди бугдойранг қиз, унинг

овозидан Алишернинг қилиғи ёқиб тушгани сезиларди. Бизнинг қовунни еб қўймоқчимиз? Ўзимиз зўрга ўғирлаб келдик-ку.

- Менга фарқи йўк. Қорним оч, отамни ҳам танимамайман айни пайтда. – Алишер ўз йўлида давом этди.

- Эй, одамни шарманда қилмасангизчи. – Журналист ҳақиқатан-да ташвишга тушиб қолди ва бундай ҳаракатлар, айниқса “қорним оч” дейиш қизларнинг олдида жуда уят бўлса керак, деб ўйлади.

Қовун кичикроқ, бунинг устига бироз хомроқ экан шекилли, кўм-кўк бўлиб турарди. Алишер уни қўлига олди, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди ва қорача қизга юзланди:

- Шунга ҳам сарсон бўлиб пичок қидириб ўтирибсизларми? Бунинг додини мана, Алишер ақаси беради-да.

- Сизга додини беринг деганимиз йўк, пичоғингиз бўлса сўйиб беришни сўрадик.

Алишернинг касби ва қизиқиши шу эканлигини таъкидлаб ўтгандик ва шу сабабли ҳам бундай пайтларда у вазиятдан қандай қилиб ўз фойдасига ҳал қилишни жуда яхши билади. Кўпгина ҳолларда унинг гап тополмай жим қолиши ҳам шунчалар табиий чиқади ва ўзига шунчалар ярашадик, Журналистнинг ҳам худди у каби довдираб қолгиси келади. Айни пайтда эса у қовунни каттароқ кесак топиб, бир уриб, иккига бўлди. Ҳақиқатан ҳам у яхши пишмаган эди, тўғрироғи пишмай туриб палағи қуриб қолганди. Қовунни қўли билан майдалаб тарқатишга тушди:

- Кейинги сафар ўғрилиқка борганда мени ҳам олиб кетингизлар, худди пулларингизга олгандай, танлаб топиб келганларингизни қаранглар. Қовун эмас, бодринг-ку, бу.

Қовунхўрлик асносида томонлар бир бирлари билан танишиб олдилар: қизларнинг бири – қорачадан келгани туман марказига шундоққина чегаралош хўжалик – Фучикда боғчада тарбиячи бўлиб ишларкан, исми Олмаҳон. Иккинчиси, оқиш ва кичикроғи шу хўжалик клубида фаррош экан. Ўзини Ёқут деб таништиради. Бугун биринчи кун хашарга чиқишибди.

-3-

Қаҳрамонларимизнинг биттаси мактабда дарс ўтаётган, иккинчиси трактори билан сув ташиб юрган бир пайтда уларнинг уч нафари бу икки жонон билан яқиндан тинишиб олдилар. Орадан икки-уч кун ўтиб, уларнинг муносабатлари жуда қуюқлашиб кетди. Олмаҳон кўзга яқин қиз бўлиш билан бирга жуда қувноқ эди. Гапига қараганда, бир безбет йигит уни яхши кўриб юрармиш. Улар қозоқ бўлишганликлари туфайли ҳам бир кун ўғирлаб кетиб қолиши мумкин эмиш. Бу гапларга Журналист ишонмади. Нарҳини ошираётти, деб ўйлади у ўзича, бу чўлда қиз олиб қочқадиган аҳмоқ ҳам бормикин, итни тепсанг, қиз тўкилади-ку. Алишер эса Олмаҳонга тасалли берди:

- Ҳеч қурқманг, сизни бир аҳмоқнинг чангалига ташлаб қўймайман. Ўғирлайман, деган пайтда мени чакиринг, шарт бориб бурнини асфалтга ишқалаб ташлайман.

- Ўпкангизни босинг, - деди унга жавобан Ёқут. – Биласизми унинг қанақа барзанги эканлигини, бунинг устига барча қозоқ йигитлари каби чавандоз, кейин андиша, уят деган гапларга унчалар ҳам тушунавермайди.

Алишер унинг гапидан норози бўлади:

- Биласизми, мен бир пайтлар Навоий шаҳрида самбо тўғарагида қатнашганман, республика чемпиони бўлишимга бир баҳя қолган. Оғирлигим ярим килога ошиб кетганлиги туфайли бўлолмаганман. Сизларнинг барзанги безбетларингизни икки деганда қурагини ерга қапиштираман.

Қизлар, аниқ гапки, нима учун унинг ярим килога семириб, чемпион бўлолмай қолганини тушинишолмайди, лекин сўрашга андиша қилишади.

Ораларидаги муносабатлар самимийлашиб кетгандан

кейин Алишер Олмаҳонни кечки пайт учрашувга таклиф қилди. Олим аканинг “Малыш” солиб қилинадиган музикамоғини ейишга эмас. Музикамоқ ейишли лозим бўлган вақтдан икки соат ўтиб, учрашишга келишиди. Қизнинг ҳам афтидан унга кўнгли бор эди: йўқ демади. Бунни эшитган Журналист билан Шоирнинг ичлари куйди.

Хар кун кечки мунозарани Шоир оғзидан суви келиб, ўша қизларнинг таърифини келтиришдан бошлайди. Унинг гапларидан Шакарнинг нафақат мушаклари, балки асаблари қиздирилган чилдирма каби таранглашиб кетди. Навбат Алишерга ўтиб, у мактовни бошлаганда эса у хай, хай, хай дегунча ёстикни гоҳ муштлар, гоҳ эзгиларди.

- Бизни ҳам теримга чиқарса яхши бўларди. - дея афсус чекди у гап орасида. Алишернинг ярим ёлгон, ярим лоф нутки жараёнида.

Тоҳир эса унинг бу куйиб-пишиб гапиришига хайрон бўлиб термулиб ўтирар, унингча бу ҳаяжонга бериладиган мавзу эмасди, гап йўғида эрмак бўлиши мумкин, холос. Шунинг учун ҳам ҳикоянависнинг гапларига бир қулқол солганда, ошхонадаги картошканинг қовурилишини кўриш учун икки чиқиб келарди. Унинг эътиборсизлигини сезган сайин Алишернинг хуноби ошади, “жудаям гўзал-л” деган сўзларни тишлари орасидан ситиб чиқаради ҳамки, унга фарқи йўқ. Шу сабабли у картошкани кўзга ш учун ошхонага чиққани ҳамоник мавзуну бир чеккага йиғиштиради, ғийбатни бошлайди:

- Тушунмадим шу болани... қизга ўхшайдими-ей, бирам бўшки. Бундайларни бизда лавак дейишади, а, Ўтабек?

- Оғзидан суви оқиб юрганларни шундай аташади, - аниқлик киритади Ўтабек билимдон шоир ва филолог сифатида. - Аммо фақат лавакларнинг эмас, гастритларнинг ҳам оғзидан сув оқади. - Кўшимча қилади у ўйланиб.

- Гастрит демокчимисиз, бекор гапларни қўйсангизчи. Бетларини қаранг, ўзи сариклигига қарамай, помидордай бўлиб турибди, чертсанг қон отишиб чиқади. Йўқ, гастрит эмас, лавак, точна, лавак... Олмаҳонни айтаман-да, кип қизил юзлари, лўпигина, олмадай... - Бу маҳал қўлида қапқир билан йўлакда Тоҳир кўринган бўлади.- памидордаймас... шу памидор деса кўнглим айнийдиган бўлиб қолган. Тоҳир, келинг-да, бундай, қўлда қапқир билан иштаҳани кўзгайсиз-у, натижа йўқ. Картошканинг ўрнига шу маҳал уч юзга кириб, гўшти чандир бўлиб кетган қаргани сўйиб, бостирганимизда ҳам уч марта пишиб чиққан бўларди... Лекин қарганинг гўштини еб бўлмайди дейишади, одам пес бўлиб қолармиш. Салимни биласизми, Ўтабек?

- Кишлоқларингдаги, армияда самолётдан сакраб, оёғи синган Салимми? Биламан, Армиядан илгари Хаччани тўйида бодилик қилиб, мени урмоқчи бўлган.

- Урганми? -Шакар учун мавзуну бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетгани ёқмай турган бўлишига қарамай, Ўтабекнинг таёқ еган, емаганини билиш иштиёқи голиб келди. Унинг учун бунни билиш эртага Шоир йўқ чоғида устидан қулишга керак эди.

- Урмоқчи бўлган дедим мен, - саволнинг ўз шаънига тегадиган даражада кўндаланг қўйилиши Ўтабекка ёқмади. - Аммо урмаган. Ўша пайтларда бокс билан шуғулланиб юрардим. Бир уриб, ариққа киргизиб юборганман. Ана, Алишердан сўра, бурни ҳалигача пучук.

Гапни чувалаштириб юборишаётгани ва мавзуну ўғирлашга уринишаётгани Алишерни сергаклантирди:

- Биринчидан, Салим деганингиз жилдирбатда хизмат қилган, Сибирда темир йўл қураётганда оёғини релс босиб қолган. Иккинчидан катта чечам залдорига осиб қўйган айрон халтани халачўп билан уриб йиртиш боксга кирмайди, чечамнинг иштонингизни ечиб, хивич билан орқангизга савалаганини киритиш мумкин, шартли равишда. Учинчидан мен ахмоқ Салимнинг худди отасиникига ўхшаган бурнини армиядалик чоғида ўзи қурган релсдан келаётган поезд босиб кетган деб юрарканман... Аммо пучук бўлишига қарамай, қарга сўйиб

еган. Энди пес бўлса керак деб уч кун олдига яқинлашмай юргандим, ўзи-ку эски пескуя, леки ҳеч ери оқармаган... Шу, қаргалар ҳеч ким сўймагани учун ҳам уч юз йил яшаса керакда, а?

Тоҳир остонада жимгина, Алишернинг мавзуну дақиқа сайин ўзгартириб туришини билгани сабабли, қачон тамом бўларкан, деган ўйда, ўзининг шиша каби мовий кўзлари билан овози умуман пасайтириб қўйилган телевизорга термулиб турарди. Сухбат орасидаги озрок узилишдан фойдаланиб, гап отди:

- Алишер, помидор егим келаяпти, дегандай бўлдингми? Ошхонада туриб қулқоғимга чалинди.

- Тўғри эшитибсиз, Тоҳир акага худо ақл берсаю балқондан тўрт дона помидор олиб, тўғраб келса, деб турувдим.

Балқон деганларимизнинг номини омбор деса ҳам бўлади. Шоир унинг барча ойналарига ўзи ишлайдиган газеталарни ёпиштириб ташлаган, ўз навбатида улар қуёш нуридан сарғайиб, ёзувлари ўчиб кетган ва ўзларининг шу туришлари билан балқонга кечаси аллақандай мавхумлик бағишлайди - ташқаридан қараган одам ичкарида таъмирлаш ишлари кетаётган бўлса керак деб ўйга боради, дастлаб, агар эси озрок жойида бўлса икки йилдан буён турган бу газеталарнинг таъмирга қандай алоқаси бўлиши мумкин, дея ўзига савол беради. Улар бир пайтлар фақат қуёш нурини тўсиш учун қокилганлигини бу ўйда яшовчиларгина билади. Қолганлар эса ўзларининг мантиқни яхши тушунадиган ақллари билан бу нарсага фахмлари етмайдики, уларнингча нурни тўсиш учун дарпарда осилиши керак. Аммо бу қоида мазкур хонадон учун амал қилмайди. Қилмайдики, балқоннинг ҳам ҳолати бошқаларникидан тубдан фарқланади. Айни дамда шуни таърифлаш учун уринмоқдамиз. Қолаверса масала пул чикимига келиб тақалганда барчасининг қарласи ишламай қолади. Балқон ичкариси ҳали айтилганидек алламбалолар билан тўлдириб ташланган: бир чеккада чўлнинг селитрадан пишиб кетган тўрт қовуни ва беш тарвузи думалаб ётибди. Ўртада ярми йиғиштирилган, ярми ёйилиб ётган шолча. Бу матаҳни Журналист туғилган томонларда қаноқ тилам ёки шолча деб аташади, Ўтабекларда эса - олача. Хуллас ўша олача-қаноқ-шолча балқоннинг ўртасида ястаниб ётибди. Унинг ёзиб қўйилган, аллақачон бир чеккаси чирий бошлаган қисмининг устида 6-7 кило олма тўкиб ташлаган, уларни йиғитларимиз машинада қўшни тумандан нон олиб келишаётган пайтда, фойдали иш коэффициентини ошириш мақсадида, йўл устидаги хўжалик олмазорларидан ўғирлаб келишган, аммо ҳеч ким шу пайтга қадар уни татиб ҳам кўрмаган, унутиб юборишган, холос. Қолаверса уларни шу ҳолда ётишини кўрган кишининг иштаҳаси қайтади ва бир умр олманинг отини ҳам тутмайди. Бир бурчақда яна бир фойдали иш коэффициентининг натижаси ўлароқ анча муңча ярми хом, ярми сасиган, ярми энди қизариб пишиб келаётган помидорлар сочилиб ётарди. Алишернинг помидорни ёмон кўриши мана шундан. Балқоннинг эшиги очилди дегунча унинг ачиган хиди ўзини ичкарига уради ва эшикни очган одам чор тарафдан ташланаётган дашиномлар ўртасида қолади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Шоир ўн кун бурун қайдандир икки челақ узум топиб келди ва шу ерга майиз қилиш учун ёзиб қўйди. “Бир майиз қилайинки, - деди уларнинг остига ўзи ишлайдиган газеталардан ихлос билан тўшар экан оғзининг суви қочиб. - Ҳар бири туршакдай туршакдай бўлиб, олдимда Учқоранинг майизфурушлари номаъқул еб қолсин”. Алишер ҳар доимгидек унинг устидан қулмоқчи бўлди:

- Қалла борми? Бу виёно қиладиган узум-ку, майиз чикмайди.

Ўтабек ҳеч бир иши унга ёқмаслигини билгани учун ҳар доимгидек бу сафар ҳам тўғри қилаяман, деб ўйлади ва ҳар доимгидек адашди. Унинг ўзбошимчилигидан Алишернинг бадтар жаҳди чиқди ва тирик далил сифатида Журналистни келтирди. Аммо у



қўшилмаслик шартномасига имзо чеккандек, ҳеч кимнинг ёнини олмайди, бир дона узумни оғзига солди ва “бижғитиб қўйиш керак экан”,- деди ҳолос. Мунозара анча давом этган бўлишига қарамай аниқ ҳулосаю ғолибларсиз яқун топди ва Шоир ўзи ишлайдиган, Журналист билан Холвой ака ёзган газетларнинг устига ҳар донаси жимжилоқнинг учидай келади, ичида чигитдай данаги бўлган узумларни ёйиб қўйди. Ҳамма бало шунда эдики, бу ерга қўёш нури умуман тушмасди (газеталар тўсиб турибди-да). Натижада Журналист томонларда “оча”, мутахассис халқлар “винний” деб атовчи, аҳоли минг йиллар давомида мусаллас қилиб келган, Шоир томонларда умуман ўсмайдиган бу узумларнинг тезда суви оқа бошлади, ҳиди ҳам антика бўлиб чиқиб қолди. Деразадаги газеталар қўёш нурини ўтказмаган билан, ариларни бемалол қўйиб юборар экан, уларнинг бир тўдаси (жамиятдаги каби уларда ҳам оилавий пудрат жонланиб қолган) кўчанинг нариги томонидаги райком биноси томидан шу ерга қўчиб ўтди. Уларни бу ерга мафтун этган нарса шунинг ўзи эмасди. Шоир билан Журналист қўшни туманга, Шоирнинг акасиникига меҳмонга борганда озик-овкат дўконидан ўн килолик темир банкада повидло келтиришганди. Шуни ҳам очиб, бир икки еб, кейин бу ерга чиқариб ташлашганди. Икки ўртада Алишернинг бу павидлони олиш учун белқурак керак бўлади (идишнинг қатталиги ва унинг кўплигига ишора қилади-да) дея аския қилгани қолди, ҳолос.

Булардан ташқари бир чеккада Шоир ва Журналист ишлайдиган газеталарнинг уч-тўрт йиллик тахлamlари йиғиб қўйилган. Салим ака қатор туширмай қўйдинг деб сўккан пайтларда, Шоир аввал Журналистга: “бировга айтсанг кўрасан”,- деб ўдағайлаб олиб, улардан мақола кўчиради. Фақат исм-шарифлар, вақт ўзгартирилади, борларининг ўрнига ўзи танийдиган кишиларникини кўяди. Айрим пайтларда, жуда шошиб ёки эриниб турган бўлса, ҳеч нарсани ўзгартирмай, юзга юз кўчириб олади. Эртанси куни муҳаррирнинг оғзи қулоғида: “Ўтабекнинг ўзи талантили бола, қалами ўткир, услуби, сўз тузишлари худди ўзимникига ўхшайди, илгарилари мен худди шундай ёзардим, бироқ ўзи сал дангасарок-да... Аммо сенсацияни билади, Конев совхозида одамлар пахта тераётган экан. Августда-я! Бошқа жойларда энди гулини тўкаптику... Ҳаммаларинг ўтирасанлар бу ерда лаллайиб, янгиликдан беҳабар, орқаларинг оғирлашиб кетган. Мана Ўтабек... мухбир деганлари замон билан ҳамнафас, ҳамқадам юриши лозим... ўх, чиройли гап чикди, Иззатой шу гапни бер четга тиркаб қўйинг бош мақола ёзганда ишлатиб юбораман... замон билан ҳамнафас, ҳамқадам юриш лозим, деб ёзинг”... Деярли мана шунақа гаплар бўлиб ўтади.

Шоирга илҳом бахш этувчи газеталардан ташқари бу ерда яна алламбалолар мавжуд, булар газ плитасининг темирларимией, ичилган, ичирилган, қўйилган шишалар, бутун ротага етадиган, орқаси босиб кийилган оёқ кийимлар, тумшуги йиртилган шишақлар ва орқаси йиртилган қанишлар.

Ҳеч кимнинг балконга чиққиси йўқ, у ердан қайтгач иштаҳанинг очилиши кийинроқ кечади. Шунинг учун ҳам йиғитларимиз на олма, на помидор ва на қовун-тарвуз ейишади. Кундузи ҳар доим кўчадан овқатланишади, кечки овқатга эса кимдир қолбаса келтирмаса, ошхонанинг бурчагидаги картошқадан қовурилади.

Тоҳир катта лаганда қовурилган картошқанинг ширин ҳидини анқитиб кириб келганда, Шакар ўрнидан туриб, қолганларнинг “қол-қол”ига қарамай, ўз уйига овқатланиш учун чиқиб кетди. У негадир йиғитларимизнинг овқатидан сира эмасди. Унинг бу хусусиятини яхши билишган уй эгалари кўп қиетаб ётишмади.

Шунча гапга қарамай помидор барибир келмади.

Тоҳир заҳар марглариингта енглар дегандек қилиб келтириб ташлаган уч дона пнёздан Алишер барибир емади. “Учрашувга бораман, оғзимдан сасиб ҳиди келиб турса, маданиятдан эмас, эстетикага тўғри келмайди, шундаймиди Ўтабек?”- деб қўйди яна бир бора ўзининг қолган йиғитлардан устулигини кўрсатиб қўйиш учун мағрур. Ўтабекнинг: “бир қадам узокликдан туриб гаплашсанг ҳиди сезилмайди” – деб берган қимматли маслаҳатини қабул қилмай, жеркиб ташлади:

- Шу қалла билан қишдан қандай чиқиб оласиз? Ким айтади сизни газит ўқитган одам деб, бир метр нарида бўлса пахтазорда ҳам гаплашавераман.

- Биз газет ўқимаймиз, газет ёзамиз, акаси.

Журналист мунозарага қиршидаган бўлса, оғиз банд бўлиб, овқатланишга улгурмай қолишидан (бир берилиб кетса, ўзини тўхтатиши қийин) кўрқиб, нима бўлган тақдирда ҳам сабр қилишга жазм этгани боис баҳс узокқа чўзилмадию аммо Журналист билан Тоҳирнинг фойдасига тўрт-беш қошиқ картошқанинг кўп кетишига сабаб бўлди. Балки улар ҳам Журналист билан ҳамфикрдир, чунки қошиқларнинг чарак-чуруқ қилиб лаганга бориб келаётганидан кўзлари ўйнай бошлагани сезилганди.

- Оғиз сасишидан уялармиш, - Ўтабек овқатланиб бўлганча, тўртгаласи чордана қилиб, давра қуриб ўтирган дастурхон олдидан туриб, диванга ўтирар экан, боягини аламини олиш учун ўзининг аччиқ гапини бошлади. - Қалта иштонининг орқаси ярим қарич йиртилиб ётгани билан иши йўқ... Газит ўқиймиз эмиш...

- Ваҳ, эсим курсин, энди нима қилдим. - Алишер бу муаммони ҳақиқатан ҳам унутган экан. - Балки сезмай қолар, Тоҳир ака сиз бунга нима дейсиз? Шимингизни ечиб, орқангизни кўрсатинг демаса керак. Ваҳоланки гап-сўзларига қараганда шу бугун шимни ечишга тўғри келади.

- Орзуга айб йўқ, - кесатишни давом эттирди Ўтабек, - генерал бўлишни орзу қилмаган солдат солдат эмас...

Шу пайт ярим оқарган мўйловини силаб Ҳалим ака кириб келди. Янгани бир амаллаб ухлатган ёки сўккини эшитиб, эшитиб қочган. У Алишер билан ҳамдард қиқиб қолди. Бу борада насиҳатомуз мулоҳаза ва фикрлар билдира кетди, яхши материалларнинг танқислигидан нолиди (у даврларда танқис бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ эди, ҳатто атир совун ва шампунининг танқислигидан, Журналист яна бир танқис, аммо барақалироқ нарса – кир совунга бош ювиб юрганлиги сабабли аксарият ҳолларда сийраккина сочлари хўрозларнинг тожидек бўлиб туради, қолганлар ҳам шу матаҳга бош ювишадию, бироқ уларнинг сочлари мулоимроқ, гапга қирадиган хилидан). Шунда Журналист гапни ҳазилга бурди:

- Ана, райкомнинг рўпарасига 16 та байроқ осибиди, байрамга деб, хилшираб турибди, матоси зўр – соф ипакдан, ранги ўчмайдиган хилидан. Биттасини тушириб олсак, янга ҳаммамизга биттадан трусини тикиб берарди, байроқнинг кўплигидан йўқолганини ҳеч ким сезмайди.

Фикр ҳазил бўлишига қарамай Ўтабекдан бошқа ҳаммага ёкиб тушди. Унинг: “бу сиёсий кўрлик ва фирт ўғрилиқ”,- деган адолатли ва айни дамда ҳаққоний ҳайкириги текин қизил иштонли бўлиб қолиш илнинжидагиларга ёкмади. Алишер шошиб қолди:

- Ҳаммамизники бир хил – қип-қизил бўлади, бемалол футбол командаси тузиш ҳам мумкин.

Унингча трусини масаласи ҳал бўлса бошқа барча муаммолар ўз-ўзидан ечилиб кетаверади. Кенгаш ҳозирок бориб, байроқлардан бирини келтиришни қарор қилди. Ҳар доимгидек Ўтабекнинг қаршилиги ишни янада тезлаштириб юборди ва бу масаланинг ҳеч қандай қизиқ жойи бўлмаган Тоҳирнинг ҳам қўллаб овоз беришига сабаб бўлди. Журналистга эса нима бўлса ҳам факт ва саргузашт, қизикарлироқ воқеа керак. Ҳозир ёзиб

бўлмаслигини сезгани ҳолда, кексайган чоғида битадиган мемуарлари учун хаёлан бир боб ажратди: “Трусини байрок, байрокни труси қилган йилларим”. Журналист ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам ахлоқий масала ярқол ифодаланган бу сарлавҳадан илҳомланиб (яқин ўртада бунчалар мазмуни ва чиройли гап топмаганди), дастлабки жумлаларни хаёлан тўқиб қўйди ва манави сўхтаси совуқлар кетса, ёзишга киришаман, деб қўйди ўзига, яна айни пайтда ёшлигидан, эсдаликлар ёзадиган ёшга етмаганлигидан афсусланиб кетди. Бу пайтда Алишер барчани ташкарига судрай бошлаганди, унинг бу ишни эртага қўйиш нияти йўқ эди. У учрашувдан қайтиб келгунча буларнинг барчаси тиррайиб ухлаб қолишини яхши биларди. Шунинг учун ҳам белгиланган вақтга бир соат борлигидан фойдаланиб, ишни охирига етказиб қўймоқчи эди. Бу пайт райкомда шу атрофда юрадиган дайди кучукдан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Коровул Расул ака ҳам бўлиши керак, аммо у касби тақозосига кўра бино орқасидаги хоначасида аллақачон икки уйқуни олди, холбуки бу одам уйда кечаси билан уйқусизликдан кийналиб чиқади. Бу ҳам касб касаллиги бўлса керак.

Бу сафар ҳам Алишер ҳам ўйлаганди: байрок тасаввур қилганидек симнинг бир учини тортса тушиб келавермас экан (шундай осон бўлганда эди, туманда трусиси йиртилганлар қанча), улар нимагадир қотирилганди: ҳеч бири пастрга тушишни истамасди. Ишқибозлар барчага етсин учу байроқларнинг энг каттасини танлаб қанча уринишмасин, у тушавермагач, Алишер ингичка қувурга тирмашиб, Журналист ва Шакарнинг (у ҳам текиннинг ҳидини билиб келганди) ёрдамида тепага чиқиб, байроқни бир амаллаб олиб тушди. У тантанали равишда шу ерда ўзининг қимматли маслаҳатини бериб турган Халим акага топширилди. Шундай қилиб “байрок” тадбири ниҳоясига етди ва Алишернинг қувурга ишқаланибми, тросга тегибми юзи шилинганини, унинг туфлиси томонидан Шакарнинг бурни озроқ эзилганини ва Журналистнинг шусиз ҳам кам бўлган сочларидан беш-ўн таси худди ўша туфлининг пошнасида кетганини эътиборга олмайдиган бўлсак, деярли қурбонларсиз яқунланди.

Алишер қўлга киритилган натижадан хурсанд, уйга кириб, устининг чанг-чунгини қоқиб, шошганича учрашувга кетди. Аммо бахтга қарши уни ҳеч ким кутмаётганди ва белгиланган жойда бугунги омадлардан сармаст, Олмахонни кута-кута ухлаб қолди.

Кўзини очганида атроф ғира-шира ёришиб келаятганди, ўзининг гўза гарам ёнида, ажриқлар устида ётганини кўрган Алишер дастлаб кўп ажабланди, кеча роса ичишпан-да, бошим ҳам хўп оғриётган бўлса керак, деган уйга борди, холбуки ўзининг ичкиликни ёқтирмаслиги, жуда камдан кам ичиши ёдида эди. “Шунинг учун ҳам ёқтирмайман-да”- деди ўзини оқлаб ва мактаб. Кейин кечаси бўлган ишлар ёдига тушиб, ўрнидан сапчиб турди, устига илашган хасларни қоқиб, ҳеч ким кўриб қолмадимикин, деган хавотирда аланг-жаланг қилиб, бироз энгашганича йўлга тушди. Тунда бир-икки марта уйғонганди ва ўзини аллақандай жойда, ўтларнинг устида, совуқдан тарашадай бўлиб ётганини сезиб, ишонмаган ва ахлоқона туш кўраётганман, деб ўзини алдаб, уйқуни давом эттирганди. Катта-катта одимлар билан кетиб борар экан ўзини шу нодонлиги учун ҳам койирди.

-4-

Алишер: “номард қиз, биринчи сафарнинг ўзидаёқ алдадия”,-дегунча ўзидан ўзи уялиб, шошиб, ҳамхоналари уйғониб қолмасидан бурун хонага кириб олишни кўзлаб кетаётганди, бахтга қарши бир-икки киши кўриб қолган экан. Кейинроқ бошига бало бўлди. Оралик масофа анча узок эмасми, у етиб келгунга қадар тонг ёришиб бўлди ва у уй томон бурилганда қанчалар хохламаган бўлмасин, Журналистга кўзи тушди. У энги калта жигарранг қўйлагига ўралиб олганча райком биноси томонга кетаётганди. Айтиш қанчалар оғир ва уятли бўлишига

қарамай қайд этиб ўтиш лозим – йигитларимиз райкомнинг ҳожатхонасига боришни ёқтиришади. Қора аҳолига мўлжалланган ҳожатхона эса бу ишга ярамайди, холбуки ўша кезларда бутун мамлакатда русум тусига кириб қолган наватбатда туриш одатий ҳолга айланган. Бунда наватбат кутган кўни-кўшиллар бир бирлари билан хол-аҳвол сўраш, янгиликларни билиб олишади, соат сайин ўсиб турган нарх-навони, дўконларда тобора камайиб бораётган буюмларни сўраб-суриштиришади. Кўп кутишни ёш йигитларимиз ёқтиришмайди. Бундан ташқари одамлар ҳожатхонанинг бир бирини ажратиб турувчи деворларини йикитиб, ғиштларини олиб кетиб қолган ва унинг ичи кенг чўлдек бўлиб, яйдоқ бўлиб қолган – Америкада ишхоналар худди шу тарзда бўларкан, ҳамма бир-бирининг ишини кўриб турааркан, номи ҳам жангандор: “офис”. Бу ерда ҳожатхона шундай – офис усулида иш олиб боради. Барча кўшиллар бир-бири билан шу ерда кўнгилоҷар суҳбатлар қуради, газета ўқийдиганлар ҳам бор. Бундай дилкаш суҳбатларга ярамайдиган қаҳрамонларимиз бироз узокроқ, шунингдек йўлда икки метрга яқин баландикдаги деворни ошиб ўтишга тўғри келишига қарамай, райкомнинг ҳожатхонасига боришни ёқтиришади. Жаргон ҳам шунга яраша: “Райкомга бораман” дейилса ҳожат тушунилади. Айниқса Журналист шу томонга ўтишни хуш кўради. Шунинг учун ҳам эрталаб туриб олади, сал кеч қолгудек бўлса, туманнинг маркази эмасми, ҳаммаёқни одам босиб кетади. Ювқусиз бет билан уларнинг ичидан ўтиб бўлмаса, битта яримтаси “Мухбир ака”, -деб сўрашиб қолса, эгаллаган даражага тўғри келмайди. Мана бугун ҳам, ўзининг ибораси билан айтганда “сўфи кетини ювмасдан” кетиб борапти. Алишерни узокдан кўрдию, тўхтаб қолди.

- Нима бало, тушиб кетдингизми? – унинг яқинлашгунча сабри чидамай узокдан бақирди Журналист.

- Сўраманг, - Алишер йигитлар шилқимлик билан ва қари кампирлар каби ҳамма гапни миридан сиригача сўраб олишга интилишини ва айтмаганига қўймаслигини билганини сабабли ҳам йўл-йўлақай бир қанча ёлғонларни тўқиб келганди.- иккинчи бормайман, қиз деганлари ҳам шунчалар оч бўладими, эрталабгача ушлаб ўтирса бўладими.

Журналист у уйқудан шишиб кетган кўзларини ишқалаётганига унчалар эътибор бермади, орадаги масофа яқинлашиб қолган бўлишига қарамай унинг минус 0,4 лик кўзларига шишган қовоқлар кўринмади, ҳисоб.

- Бўлдими бирор нарса, ёки қуруқ халиги, шолғом кекирик қилиб келаяпсизми? – Журналистнинг қизиқиши ошди, унинг назарида биринчи кундан вазият бунчалар чуқурлашиб кетмаслиги керак эди.

- Бўлмаган нарса қолмади, – деди Алишер рўбарў келишгач.

- Эҳ-хэ, уст бош билан роса тупроққа ағнаган кўринасизлар, тепада турган сизнинг устингиз шунчалар бўлса, уники нима бўлди экан... Майли, сиз хонага чиқаверинг, мен райкомга ўтиб келаман, кейин ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берасиз, хотинбознинг бошидан кечирганлари, деган номда оммабоп мақола қиламиз, ёки одоб-ахлоқ мавзусида бир дидактик суҳбат уюштирсак ҳам бўлади, ёшларимизга ибрат бўладиган тарзда... хуллас бу фикрни яна ўйлаб кўрамиз.

Унинг бу касбий ташвишидан Алишернинг титраб турган асаблари бадтар ўйнаб кетди, аммо тишини тишига босганча, индамай хонага – иккинчи қаватга кўтарилди.

Улар икки хонали хонадонда истиқомат қилишарди, катта, телевизор бор хона ҳам овқатландиган, ҳам мажлислар ўтказиладиган жой бўлиб, Журналист ва Шоир шу ерда ётишади: Журналист полда, Шоир уйнинг эгаси сифатида диванда. Уларнинг деразасидан райкомнинг уч қаватли биноси кўриниб туради. Иккинчи, кичик ва қоронғу хонада Алишер ва Тохир ётишади.



Алишер кириб келганда Шоир ва Тоҳир, ҳали кун ёришиб кетса райкомга ўтиш қийинлашиб, ўзларининг оммавий ҳожатхоналарига бориб, навбат кутишлари лозимлигини ҳам унутиб, донг котиб ухларди. У вазиятнинг бундайлигидан роса суюнди. Айни пайтда ёлгон гапириш лозимлиги учун ҳар қандай саволдан чўчирди. Келдию ўзининг кундузи ўраб қўйиладиган тўшақларини ёйиб, уйкуга кирди.

Журналист қайтиб келиб, Алишернинг ухлаётганидан афсусланиб, уни безовта қилгиси келмади ва Тоҳирни турғизиб, иккаласи нонушта қилиб, диванда, оёқларини пастга осилтириб ётган Ўтабекни туртиб уйғотишолмагач, бу ишни Салим акага қолдириб, у роса ҳадисини олган, бири ишга, иккинчиси райком биносининг рўпарасига – пахта теримига чиқадиغان ҳашарчилар йиғиладиган жойга жўнаб кетди.

Ўтабекни Салим ака барибир уйғотиб чиқди ва Журналистга бугун пахтада бузғунчилик қилмасликни, қизларни йўлдан уриб, теримдан олиб қолмасликни тайинлади, бўлмаса райком бобо норози эмиш, газетанинг провакатор муҳбирларини томири билан қуритаман, деганмиш. У шунга ўхшаш иддаоларни етказиб турганда кекса ходим сифатида пахтага чиқарилмаётганлиги учун ишга кетаётган Ҳалим ака келиб суҳбатга қўшилди ва Журналистга мазмунли қараб:

- Кўраяписми? – деб байроқлар томонга ишора қилганди, Салим ака ҳам шу томонга термулиб, кўзлари байроқсиз сўппайиб турган қувурга тушди.

- Ие, байроқ қани, кунни кеча минг ташвиш билан илгандику?! – унинг ҳаяжондан юраклари санчиб кетгани сезиларди.

Журналист Ҳалим акани қаттиқ туртди ва “Жим” дегандек, лабини тишлади.

- Турибдику, - деди Ҳалим ака, қилиб қўйган ҳатосини англаб, ўзини оварликка солиб, қатор тизилиб турган қувурларни кўрсатиб.

- Ўртадагиси бўш-ку, асосий байроқ шунга осилганди, - ваҳимали овозда сўзлади Салим ака, гап худди ватанга суиқасд хусусида кетаётгандек. - Бу ерда катта сиёсий гап ётибди. Кимдир капиталистларнинг ноғорасига ўйнаб, йиртиб олиб кетган, ёқиб юборган ҳам бўлиши мумкин. Буржуазия синфи давлатимизнинг шаънини ерга уриш мақсадида ҳар нарсага тайёр.

Афтидан муҳаррирнинг хаёлига шу маҳалда “Муштум” журналида “Муштум” дурбиниди кўринган қора доғлар” руқни остида чоп этиладиган халқаро мавзудаги мақолалардан бири тушиб қолганди.

- Салим ака, нутқингиз зўр-да, - гаини чалитмоқчи бўлди Журналист. - Босмага туширилган мақоладай чиқиб кетаверади-я, вэй. Қани, Иззатой бўлсаю барча гапларингизни озингиздан чиққани ҳаманоқ машинкалаб ташлайверса. Холвой аканинг оғирроқ бўлган қулоғи “қатор” кам деган дашномлардан қутулган бўлади.

- Газета ташкил этилгандан буён муҳаррирман, қатор туширавериб каллаям завўт бўлиб кетган, - муҳаррир гапинини орасида “завўт” деган қишлоқча сўз аралаштиргандан бир уялиб олдию, яна камтарлик билан, мактов ёқиб тушганидан овозини бир парда кўтариб, давом этди. - Аммо шу пайтга қадар бу каби сиёсий кўрликни ва давлатга нисбатан ҳурматсизликни кўрган эмасман. СССРдай одил, қучли давлатнинг байроғини ким олиши мумкин? Зудлик билан бу масалани тағига етмаса бўлмайди. Нонкўрларни топиб, милицияга топшириш ва жазолаш лозим, халқнинг диққатига ҳам етказиб қўйиш керакки бундан кейин шу каби нолойиқ ишларга қўл уришга чоғланаётганларга ибрат бўлсин.

Унинг гап оҳангидан ўзини прокурордек ҳис қилаётгани сезиларди, орада бир сукунат қилиб олгач, муҳаррирлиги ёдига тушди:

- Ҳалим, сиз шу масала билан шугулланинг ва сиёсий саводсизликни фож қилиб ташловчи, давлат рамзларига ҳурмат мавзусида бир мақола ёзинг, уч қоғоздан кам бўлмасин, фақат “далада жавлон ураётган бободехқон”

деган жумлаларингиздан иложи борича камроқ фойдаланинг, ҳар ҳолда бу ижтимоий, ҳуқуқий мавзу. Қалам ҳақини икки баробар қўйиб бераман. Мен эса Ҳасан Илҳомовичнинг олдига бориб келайинчи, нима гап экан? У кишининг бундан хабарлари борми, йўқми. - Шу гапларни баланд овозда айтиб бўлгач ёнидагиларга секингина шипшиди. - Балки давлат тўнтариши содир этилган ҳам бўлиши мумкин, чечанинг гапига киривериб, давлатнинг путури кетиб қолганди...

Салим акани йўлдан қайтаришга уринган, аммо қайтаролмаган Ҳалим аканинг у кетгач ичига титроқ кирди:

- Бу ёни қимматга тушадиган бўлдим? Ҳали текин труси киямиз деб, қамалиб кетмасак гўрга эди. Мен нима қилдим энди? янгангизни оқшом билан ухлатмай, труси тикдирганим, ўроқ ва болғасини чап томонга қўйдириб, ҳозир шунга кийиб олганман. Қолганидан сизларга бугун ишдан кейин тикмоқчи эди.

- Жа унчаликка бормас, ўлиши энди, битта трусига шунча ваҳимами? – унга тасалли берди Журналист, ўзини босиқ тутишга ҳаракат қилиб. - Тоғангиз ҳам (улар орқаворотдан муҳаррирни шундай аташарди) поладан олдин чап чиқаради-да. Қулоғига шипшитиб қўйиш керакмиди боя, ваҳима қилманг, битта қизил труслик бўлиб қоласиз, деб. Сизга ҳам ҳайронман, даровдан кийиб олганингиз нимаси.

- Жуда ёқимли бўларкан, силикқина...

Шу пайт суҳбатга ҳали тўлиқ уйғониб улгурмаган Ўтабек келиб қўшилди ва воқеанинг асл моҳиятини эшитгач, маховдан сескангандек ўзини бироз чеккага тортиб, шундай қилмаслик керак эди, менинг гапимни тингламадиларинг, қабилди насихатомоз гапларни ирод қила бошлади. У бу билан ўзининг мазкур машамшаларга алоқаси йўқлигини шаъма қилиб, нима бўлса ўзларингдан кўринлар, мени аралаштирманлар демоқчи бўлаётганди. Буни уларнинг иккадаси жуда яхши тушунишди ва қошларини чимирганча бир-бирларига маъноли қараб олишди. Шундан сўнг суҳбат совиб, Шоир билан Журналист Шоирнинг машинасида пахта теримига, Ҳалим ака эса байроқнинг хусусиятлари хусусида, рамзларга ҳурмат ва этиқод руҳида мақола ёзиш учун тахририятга томон кетди.

Илҳом Ҳасановичнинг қабулхонасида қотиба йўқ эди. Теримга ҳайдашган. Муҳаррир журъатсизлик билан эшикни таққиллатиб, ичкаридан келган алақандай овозни эшитгандан кейин, секин очди.

- Келинг, - деди Биринчи кўз кири билан эшик томонга бир қараб қўйгач. - Коневда аҳвол қандай? Режа қандай кетаяпти? Тезлаштириш керак, негадир ишиниз кўринмаяпти.

- Баҳарамиз, - деди Муҳаррир беихтиёр бир тарзда. - Элликка яқинлашиб қолди... Лекин ҳозир бошқа бир масалада келгандим... Кеча бинонинг олдига бир қанча байроқлар илгандик, байрам яқинлашиб келаяпти-ку, Улуғ октябрь революцияси кунни, шунга... Эрталаб қарасам, кимдир катгасини, энг асосийсини, яъни байроқнинг қип-қизилини юлиб кетибди.

- Йўғ-э! – Биринчи ўрнидан туриб деразага яқинлашиб ва ташқарига қаради. - Ҳақиқатан ҳам, ана энг катта ва йўғон труба бўш турибди. Боя шунга қарамабман... Осмонга қараб юрмайдиган кишимиз-да. Оёқ остимиздан хабардор бўлиб турамыз. “Гар бошинг осмонда бўлса, оёгингни остига ҳам қара”... Машраб ҳам хўп топиб гапирган экан-да. Шу ёзувчини жуда ҳурмат қиламан ўзи. Адабиётни ҳам ўқиб қўйганмиз-да вақтида... Лекин байроқни топиш керак. - У шу гапларни гапириб жойига келиб ўтирди ва Муҳаррирга қаради. - Ким олган экан?

- Билмайман, - у елка қисди.

Биринчи ён томонга бурилиб кимгадир кўнғироқ қила бошлади:

- Нега анқайиб ўтирибсан? – деди у нариги томондан кимдир гўшақни кўтаргандан кейин. -

Райкомнинг олдидаги байроқни юлиб кетишсаю, сен ялпайиб ўтирсанг? Бу яна қанақа бедолик? Зудлик билан шу бугун кечгача ернинг тагидан бўлса ҳам топгин-да, жойига илиб кўй. Агар шу бугун кечда байроқ жойида турмайдиган бўлса, орқанг креслодан, аҳмоқ калланг елкандан учиб кетади.

Мухаррир Биринчи милисанинг бошлиғини ёки прокурорни сўкайти, деган хулосага борди ва бу дилкаш суҳбат тугагач, руҳсат сўраб, сирғалиб хонадан чиқиб кетди. Унинг назарида бугунги иш бажарилганди, энди уйга бориб дамни олса ҳам бўлади.

-5-

Шу кунги Алишер теримга чикмади. Бу ўзи учун жуда оғир оқибатларга олиб келди. “Жингилзор тонги”нинг бўйдоқ мухбирлари (бир марта Шоир билан Журналист ҳамкорликда мақола ёзганида Шоирнинг ташаббуси билан ўз исмларининг остига шундай унвонни тиркаб қўйишганди, бироқ Салим ака дакки бера бера, “бўйдоқ”нинг ўрнига “махсус” деган сўзни қўшиб қўйганди) пахтазорда фақат Ёкутнигина учратишдию ундан Олмаҳон хусусида сўрашди. Қиз елка қисди. Қахрамонларимиз бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. “Тунги саргузаштдан кейин дам олаётган бўлса керак”, - деди Шоир мингирлаб. Улар ҳар доимгидек пешиндан сўнг, кутубхонанинг кизларини ҳам йўлдан уриб, теримдан кочиб келишганларида Алишер ҳам уйда йўқ эди. Унинг уйда йўқлиги Ўтабекни газаблантирди.

- Буларга бутун бошли оқшом етмайди, - тўнгиллади у эшикни бир-икки тепишганига қарамай ҳеч ким очмаганидан сўнг. Калит ҳар доимги жойи - шу ерда ётган Халим аканинг эски, йиртилиб, тумшуги очилиб кетган бир пой туфлисининг ичида йўқ эди. Шоир, туфлининг ичига қўлини тикқанда бармоқлари унинг учидан чиқиб кетаётганига қарамай, тўрт марта ағдариб, тўнтариб, ерга қокки қаради: йўқ. Бунақа бўлиши мумкин эмасди. Калит қолдирилган бўлиши лозим. Халим аканинг хонадони эшигини тепиш ҳам ўзининг натижасини бермади. У киши таҳририятда бўлиши керак, янга боғчага чиккан.

- Эски усулни қўлаймиз, - деди Шоир пиллапоядан зарда билан паства тушар экан. - Кўшнанинг тандири орқали балконга ўтамиз. Алам қиладиди ўз уйингга ўғри мушукка ўхшаб, деразадан кириб ўтирсанг.

- Ўтабек ака, - деганча хансираб келиб қолди улар орқа-олдин бўлиб ўй ёнидаги лоток ариқдан хатлаб ўтишаётган бир пайтда Халим аканинг ўғли Сардор. Шу бўладиган бола-да, жуда энчил. - Алишер акамни мелисалар ушлаб кетди. У киши Ўтабекка айт, келиши билан мелисахонага борсин деди.

- Эй, қўйсанг-чи шу гапларни. Кимни аҳмоқ қилмоқчи бўласан? Овура (“жиноят-қидирув”ни шунақа дейди, аммо бу сўзнинг маъноси нималигини ўзи ҳам билмайди, латинча бўлса керак, деб уйлаб юради ўзича, қайдандир, аллақимдандир эшитгану, қулоғига ёкиб қолганми, ёки ўзини илмий сўзларни қўп биладиган қилиб кўрсатгиси келадими, ишқилиб мелиса ҳақида гап кетса шуни айтади) Мухаммад аканг ҳар кунги ишхонасини олдида ўтадиган Рашидни газеталарга эълонлар бериб, роса уч ой қидирганди, уч соатда Алишерни ушлаб кетармишми.. Бўлмаган гап.

Ўтабекнинг ҳайрон бўлганича бор: ички ишлар бўлимининг жиноят-қидирув бўлимасида фақат Мухаммадгина ишлайди, туман кичик эмасми, ортиқча штат берилмаган бўлса керак. У ҳам бўлса ўзини бўлима бошлиғи деб таништиради доим. Ундан ташқари Баҳодир ака деганлар ҳам бор, бироқ у ИИБ бошлиғининг тезкор ишлари бўйича ўринбосари ҳисобланади ва шу туфайли ҳам жиноят қидирувнинг ишларидан кўра вазифалари кўпроқ, бу нарсалар билан шуғулланишга вақт тополмайди. Мухаммаднинг бир ўзи баҳоли қудрат тебратиб юрди тезкор ишларни. Журналист билан Шоирнинг буни билганларики, у таҳририятга тез-тез келиб, ўзи бунинг самарасига ишонмаса-да, ҳисобот учун

қидириладиган башараларнинг суратларини эълон қилиб туриб турар ва эвасига мухбирларни, бўлишига ва очилишига қараб, жиноятлар ҳақида “02 хабарлари” деган ахборотлар билан таъминларди.

Йигитлар саросимага тушиб қолишди ва зудлик билан бу ердан унча узок бўлмаган таҳририятга, Халим аканинг ёнига югуришди. Бинонинг таҳририят жойлашган иккинчи қаватига қўтарилишганларида зинапоёларнинг тенг ярмига чиқиб иккаласи ҳам таққа тўхтаб қолишди: уларнинг кўнгилларида бир нарсга кечганди - у ёқда пистирма қўйилган бўлсачи? Милиционерлар Халим акани қўлга олиб, уларнинг ҳам келишини кутиб туришган бўлса-я? Бироқ ўйлашиб турингач, охиस्ता-охиста қалам босиб, тепага қўтарилишди. Халим аканинг хонаси унчалар узун бўлмаган йўлакнинг нариги чеккасида жойлашган эди. Улар қанчалар эҳтиёт бўлишмасинлар бундан икки йил бурун ётқизилган цемент кўчиб, тошчалари чиқиб қолган йўлакдан овоз чиқармай юришнинг имкони йўқ эди. Айниқса Журналистнинг кейинги сессияга борганида эндигина чиқиб келаётган кооперативлар томонидан тикилган, нисбатан арзон бўлган, устига юпка дермантин қопланган, тагчарми эса аллақандай қаттиқ пластмассадан эритиб қўйилган туфлиси кум доналарини гижирлашиб эзар ва сукунатни сачар чоғи эшак хантрагандек жуда хунук ҳолда бузиб, вазиятга мавҳумлик бағишларди. Журналист ушбу туфлини олганига икки ой ҳам бўлмаганига қарамай унинг тарихи узун. Ўшанда, навбатдаги сессияга борганларида Журналистни ўнг оёғининг бош бармоғи эски қулранг тусли туфлисини тешиб чиқди. Бу ниманинг оқибати - оёғи бирдан қаттариб кетдими, ёки туфлининг чарми иссиқдан торайдими, Журналист тушунолмади. Тушунмаганига қарамай туфли тешилиб қолганди. Биринчи қотибнинг бошидаги холидек қилиб туфлига ямоқ солишни ўзига эп кўрмади, қолаверса Шоир ҳам буни маслаҳат бермади ва қорнини тўйдирадиган бўлса янги туфли қидиришиб, бу жараёнда маслаҳатчи сифатида иштирок этишга тайёр эканини билдирди. Унинг томонидан кўрсатилган бу меҳрибонлик ва гамхўрлик эътиборсиз қолдирилмади. Икки азамат маърузаларни ҳам унутган ҳолда, Тошкентнинг қатта бозорлари оралаб туфли қидириб кетишди. Бу матаҳ икки кун деганда топилди, аммо бу орада “Матбуот назарияси” курсидан имтиҳон ўтиб бўлган, Журналистнинг яна икки бармоғи туфлини йиртиб чиққанди. Шоир иккинчи масала хусусида лом-мим демагани ҳолда, биринчи - имтиҳон масаласини осонлик билан ҳал қилиш мумкинлигини айтди, айтишича домла Дўстқораев жуда одамшаванда киши экан, “иккита йирикроқ мақолангни кўрсатсанг, қўйиб бераверади”, - деди.

Аммо қизиқ томони шунда эдики, ҳали у пайтлар кооператив деган алдамчилар энди чиқаётган, унда одамлар дермантиндан ҳам туфли тикиш мумкинлигига ақли етишмасди. Журналистнинг ўзи ҳам уни харид қилиш чоғида тикишнинг ўрнига тагчармга совоқнинг расмини чизиб қўйишганидан ҳайрон бўлганди-ю сўрашга уялганди, қишлоқдан келганим билиниб қолмасин, деб. У шу туфлини олдию Шавкат этикдўзга ҳам иш топилди. Журналист эски - тумшуги тешиқ туфлисини Тошкентда ахлатга отиб юборганидан минг пушаймон қилганича қунора шу ерда: туфлининг тикилмаган, ямалмаган жойи қолмади ҳисоб. Шунга қарамай унинг қаттиқ пластмассадан қўйилган тагчарми тошчаларга тегиб, худди нағал қоккигандай тақиллайди. Шоирнинг асаби ўйнаб, орқасида энгашиброқ келаётган Журналистга ола қараб қўйдию, нафасини ичига ютиб, индамади, Халим аканинг хонаси сув қуйгандек жимжит эди. Иккаласи уч-тўрт сония тахтадек қотиб, ичкарига қулоқ тутишди. Садо йўқ. Ниҳоят эшикни очиб, ўзларини ичкарига уришди.

Халим ака узун-қисқа бўлиб, ҳовлиқиб кириб келган йигитларимизни кўриб, илҳом келмаётганидан, шу пайтга қадар ҳали бир қатор ҳам ёзмаганидан нолий

бошлаганди, Алишерни милиция олиб кетганини эшитиб нафаси ичига тушиб кетди ва оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. “Юраги ушлаб қолдиёв”,- деб ўйлади Ўтабек унинг оқариб қолган юзига термулиб, гапни хашманлаб айтганидан ўзи ҳам пушаймон бўлди.

- Миннатли ҳалигидан деворнинг тешиги яхши деб бежиз айтишмайди, - ёзғиришга тушди Журналист Халим аканинг рўпарасига ўтириб олгач,- Бепул труси киймай юраверсак бирор жойимиз камайиб қолармиди... Хамма гапни Алишердан чиққанини милициядагилар қайдан билибди, хали сизга тегинишмапти-ку, а, Халим ака? Ўтабек бўлса милисалар ишламайди, деб нолиб юрибди. Одамларни газетага эълонлар бериб кидириб юрган бўлишларига қарамай, тезкор ишларшарканку булар. Фақат арқонни узун ташлашгани қизик. Бизларни топишолмагани рост, нега Сизни қўлга олишмади, Халим ака? Ёки барча жиноятчиларни бир жойга йиғиб кейин ушлаймиз, деб бизнинг келишимизни қутиб ўтиришганмикин...

Унинг ваҳимали гапларидан кейин Халим ака мўйловини тез-тез силай бошлади, бу ташқаридан қараганда уларни юлиб олиш ниятида тортқилаётганга ўхшарди. Ўтабек эса ўзини четлатишга урина бошлади:

- Икки ўртада сизларнинг касрларингизга қолиб кетмасам гўрайдим, - деди Ўтабек ўйга ботиб қолган Халим аканинг маъносиз кўзларига боқиб, - Шуям иш бўлдики энди, буларда-ку, сўлоқмондай бўлиб қолганига қарамай, эс-пэс йўқ, сизга нима бўлди? Ўйламайсизми сал бундай, сиёсий масала нақалар нозик эканлигини жуда яхши биласиз. Бир пайтлар одамлар яримта гапни учун калласидан ажралган, бу байроқ-ку, давлатнинг биринчи рамзи...

- Халиги қилган биров, балого қолган Тилов бўлади шекилли, Ўтабек, - шусиз ҳам бечораҳол бўлиб қолган Халим акага бўлаётган ҳужумни қайтариш учун гапни ҳазилга бурди Журналист. - Эртага мендан ташкилотчиларинг ким деб сўрашса албатта сизни кўрсатаман-да, ёлғиз ўзимиз кетсак инсофдан бўлмас, қизик ҳам эмас... Эсингиздами, Раиса опани чеча дегандингиз, ундан кейин бир кун, иккинчи апрелда эди, давлатга ҳам тушунмай қолдим, олтмиш сўм товоқ пули тўлаб, икки юз сўмни чиқариб олаётгани-ку, деб норозилик билдиргандингиз, шунга ҳам айтаман. Шунинг учун ҳам бировнинг давлат сирлари ҳақида гапирганда озроқ эҳтиёт бўлган дуруст. Олдин ўзингга бок, кейин ногора қок дейилганига ўхшаб...

- Агар билсаларингиз, сизларнинг бу томошаларингизга, милисабозликларингизга меннинг сира алоқам йўқ, - Ўтабекнинг асаби бузила бошлаганди. - неча марта айтдим, шу ишларинг чакки, оқибати хунук бўлиши мумкин, яхшиси модадан қолган бўлса ҳам Янгийўлнинг сиёҳранг трусидан олиб кийоқолинлар, деб. Қизил ранг ниманинг рамзи эканини биласизларми ўзи? Пионер бўлганмисизлар? Бу оталаримизнинг совет давлати қуриш учун тўққан қоплари.

Ўтабек шу тарзда яна узоқ маъруза қилиши мумкин эди-ку, бироқ Журналистнинг аини дамба бунақа гапларга тоқати йўқлиги, дарду ўйи озоқлик ва тутқунлик масаласи - қизил байроқ ва труси масаласида бўлганлиги туфайли ҳам унинг гапларини чўрт кесди:

- Отангиз эллик йил Нуротанинг тоғларида қўй боққан, совет давлати учун бир томчи ҳам қон тўқмаган чамаси, агар совхоз директори учун ҳар йили тўрт-беш баррани сўйиб этиб берганини эйтиборга олмаганда.

- Буям бир маъжозий гап-да энди, қон тўқмаси ҳам тер тўққан. - Ўтабек ўзини оқлаш жараёнида Журналистнинг сиёсий онги нақадар пастлигидан ҳайрон бўлди.

- Тердан байроқ кизармайди, сасийди холос.- Журналист яна бир марта узиб олгандай қилиб гапирди.

- Тушунмадим, - Ўтабек қараса бўлмайдиган, хужумга ўтди, - аллақандай аксилкилобий, аксилсўравий гаплар қилаёсизми?

Шоирнинг бу масаладан ўзини олиб қочишга уринаётгани Журналистга алам қилди. У бошидаёқ маъкур ишга аралашмаган ва норози бўлиб чиққанди, шунга қарамай, Журналист Ўтабекни аини дамба ўзларини қўллаши лозим, деб ҳисобларди. Бунақа одат ҳаммада бор, айби очилиб қолган, бошига ташвиш тушган одам ҳар доим беташвишларга, айбсизларга ҳасад қилади.

- Ҳозир майманчаллақ айтишиб ўтирадиган пайт эмас.- Журналист ҳам машабадан ўзини четлаштиришга ҳаракат қила бошлади, бироқ сездирмай, маданиятли қилиб,- Яхшиси Халим акани кутқаришни ўйлаш керак, бечора хали ҳам далиллий ашё билан, терлаб ўтирибди, шундайми? - у гапни эгасига тасдиқлатиб олди, - Кимнинг қай даражада айбдорлигини эса суд ҳал қилади. Бизнинг гуманизмга асосланган қонуларимиз бўйича ҳеч ким шахсни судга жиноятчи дейишга ҳаққи йўқ. Айбсизлик презумпцияси, дейишди буни... Шу сўзни айтганимча тилим синиб кетай дейди. Уч марта газетага “презумсияси” деб хато ёзиб юборганман, анави галварс кўрректоримиз ҳам ўтказиб юборган.

- Ҳозир уйга бориб, болаларни кўриб, ҳалигини ечиб ташлаб, милисахонага ўтайлик бўлмаса, Ўтабек, сиз машинангизни ташлаб кетаверинг, милисахонанинг олдида қўядиган жой йўқ, - Халим ака тўғри қамокка кетаётгандек ўрнидан турди.

- “Пахтакор” футбол ўйнаб, хоҳлаганча гол ўтказиб юборса бўладиган майдон бор-ку, - Журналистнинг, ИИБ биноси унчалар узоқ эмаслигига қарамай, пиёда боргиси йўқ эди.

- Уч кун ичида ким қарайди дейсиз унга...

- Қанақа уч кун, борамизу, қайтамизда? - Ўтабек ажабланди.

- Процессуал кодексни ўқидим, милисалар шунча вақт ушлаб туришларига ҳақлари бор экан, ундан кейин прокурорга олиб боришади. Ушанда прокурор Содик ака чиқариб юборади, унга кўп яхшилик қилганман, шу йилнинг ўзида уч марта мақоласини чиқарганим.

- Мен фақат гувоҳ сифатида сизларга эргашишим мумкин. - Ўтабек ўздан ҳавотир олиб, оғоҳлантирди.- Терговда бу ишларга аввалбошдан қарши турганимни ўзларинг инсоф билан гапиринглар, “бу сиёсий қурлик ва ўғрилиқ” деганимни албатта айтинглар. Ўзим айтсам, сотқин, деб номини ёмонга чиқаришларинг мумкин.

- Кетдик, - деди Журналист Шоирга, бошқа гап ортиқчилигини сезиб, - ҳақиқат қурбони сифатида жасур Бруно каби халқ сизни ҳеч қачон унутмайди.

-6-

Туман милицияси барча жойда бўлгани каби банкнинг ёнида жойлашган ёки аксинча, банк милициянинг олдидами, билолмадик. Бу масалага ойдинлик киритишга ожизлик қилганлигимиз туфайли уни очик қолдирангача, баён этилаётган воқеа атрофидаги гап-сўзларга қайтамиз. Уч нафар қаҳраонимиз дор остига бораётган маҳкумлар каби истар-истамас, оғир қадамлар билан милисахона ҳовлисига кириб келишди. Халим ака эски бўлса ҳам Янгийўлнинг олачиפור гулли трусидан кийиб олган бўлишига қарамай, назарида ҳамон ўша қизил матоҳ орқасини куйдираётгандек қизишиб бораётганди. Ахён-ахёнда тутун чиқаяптими, деган ҳадик билан орқасига қараб қўярди ва сарғиш шимининг орқа чўнтаги қопқоқчасидан ўзга ҳеч нарсани кўрмагач кўнгли таскин топиб, юришда давом этарди. Шунга қарамай унинг қадам олиши ўзгаргани яққол кўзга ташланарди. Ўтабекнинг одимида ҳам, ўзини тутишида ҳам ўзариш бор - у негидир йўлни чеккалаб, иккала ҳамроҳидан ажралиброк, уларга ярим тескари қараганча, деярли ён томони билан юриб келардики, яхшилаб разм солган киши унинг биринчи ҳавф-хатар туғилган ҳамон бу иккаласига қарамай жуфтаски ростлаб қолиш нияти борлигини англаб оларди (милициядан қочиб қаерга ҳам борарди-ку, бу ҳам бир инстинкт-да) ва яна сездардики, у ўзининг бу ҳаракати билан манашу икки жиноятчига сира алоқам йўқ, улардан

хазар қиламан, деганга ўхшаш ишорани яққол намоеън қилишга уринмоқда.

Журналист-чи? Бу биров беғам, биров лўттивоз ва ҳайбарақаллачи инсонга-да тақдирнинг қаттиқ зарбаси тўртиқчи қаватдан бошга тушган ахлатдек таъсир қилганди: боши ҳам эди унинг. Қадам олишидан оёқлари титраётганини сезиш мумкин: бўлар-бўлмас тошларга тўқнашиб, добдираб кетаяпти, эғида қирлашган, пахтада юравериб, ёнглари титилган оқ-қизил рангдаги катак кўйлагини тез-тез қоқар, кейин чанг босиб, диккайиб қолган сийрак сочларини кўлларини тарок қилиб тараган бўларди биров кирсовунда ювилган сочларга бунинг заррача таъсири сезилмай, диккайганча тураверарди.

- Ҳа, Ҳалим ака, - деди улар бино остонасидан ҳатлаб ўтишлари ҳамоноқ бўлим навбатчиси, капитан погонини таққан, семизгина, қорача киши. - Биз томонларга қайси шамол учирди?

- Муҳаммад керак эди. - Ҳалим ака бу даргоҳда ҳам ўзини танишганидан жуда хурсанд бўлди.

- Яна "02 хабарлари"ми? - капитан шапкасини кўтариб, терлаган пешонасини кўлининг орқаси билан арди ва гапга тушиб кетди. - Аммо ўтган сафар сал ошириб юборибсизлар. "Газета дўкончасидан ўғрилиқ" деб ёзибсизлар. Муҳаммаднинг номидан чиққан бўлса ҳам сизлар ёзгансизлар-да. Чунки у ушлаш ҳақидаги баённомани ҳам эшлаб ёзолмайди. Тағин пединститутни тамомлаган...

Ички ишлар бўлими навбатчиси бидирлаб, ўзининг бугунги туман адабиёти ва матбуоти ҳақидаги фикрларини баён этиб бўлгунча уч қаҳрамонимиз жимгина туриб эшитишди. Уртада Журналист секингина қилиб: "мен ўз ғамим билан, мулла менинг ҳалигим билан", - деб қўйди холос, аммо навбатчи буни эшитмади, эшитса ҳам тушунмади. Шоир ва Журналистнинг юзидан ўзгаришлар кузатилмаётган бўлишига қарамай, Ҳалим аканинг оқ оралаган мўйловлари сезиларли кимирлаб, кўзларидан хотиржамлик ва қониқишга ўхшаш туйғулар акс этган нигоҳларни илғаш мумкин эди. У навбатчи бизнинг ашадий мухлисимиз экан, барибир ёрдам бериши керак, ҳар ҳолда, ҳатто мелисахонада ҳам бегона эмасмиз, деган ҳаёл билан ўзини тинчлантирмоқда эди. У гапириб бўлгандан сўнг, Ҳалим ака журъатсизроқ оҳангда бояги гапини яна такрорлади:

- Бизга Муҳаммад керак эди, жиноят-қидирувдаги... - ва қўшимча қилди: - бугун у Алишер деган йигитни олиб келган экан, жияним бўлади, нима айб билан ушлаб келган, билмайсизми?

- У боя бошлиқнинг кўрсатмаси билан шошиб қайгадир кетди, қайғалигини айтмади. Кимнидир ушлаб келганидан эса хабарим йўқ. Агар олиб келган бўлса ҳам ҳали биздан қайд қилдиргани йўқ, менимча бу кечаси содир этилган жиноятга алоқадор бўлса керак... Умуман оперларни бундай пайтда қидириш беҳуда... хабарингиз бўлса кечаси оғир жиноят бўлган, шунинг орқасидан юришибди. Жиянингиз қанака одам эди, отабезоримасми, ишқилиб? - навбатчи ваҳимага берилди. - Лекин сизларга очик айтиб қўйишим керак, ўша факт бўйича бўлса жиноят оғир, таниш-билиш билан ҳам қутқариб ололмайсиз, аслида бундай ишларга ҳатто вилоят прокурори ҳам аралашмайди, ўзини олиб қочади. Маслаҳатим, жиянингиз ўз айбига иқроор бўлсин, осони ва энг тўғри йўл шу. У ёқ, бу ёққа югуриб юриш беҳуда... Балки унинг шериклари ҳам бўлгандир, уларни ҳам шартга-шартга айтиш керак ва бу билан уларга ҳам яхшилик қилган бўлади. Кўрсангиз, шундай деб қўйинг.

- Айтаяпманку, у сизларда экан деб, қайдан кўраман, - ҳам кўрқиб, ҳам ўсал бўлиб турган Ҳалим ака нима деярини ҳам билмай қолди.

- Йўғ-э. - Навбатчи бошини қашиди, афтидан унда нутқининг бошидан охиригача бир мантикка роия қила билиш қобилияти йўқ эди. - Барибир, ўйлайсизки у бизда бўлса, қилган жиноятини тан олмаслиги, шерикларини айтмаслиги керакми? Фикрингиз нотўғри...

Шу пайт ичкаридан - навбатчи хонасидан телефоннинг асабий жиринглаши эшитилдию, у шошилганча, хайрни ҳам қарз қилиб, ичкарига отилди. Қаҳрамонларимиз бу ерда қолиб, сафсата сотиб ўтиришнинг мавриди эмаслигини тушунишди ва орқага қайтишди: Ҳалим ака бундан озроқ қувонди ҳам, негаки у бу ёққа келаётганда ҳаёлида энди орқага қайтмайдигандек, уни ҳам ушлаб қамаб қўйишадигандек туюлганди, ҳатто боя, бу машмашаларнинг бошида турган қизил трусини ечгани борганида хотин-бола чақаси билан, уларни чўчитмаслик, ўзининг кўрқувини кўрсатмаслик мақсадида зимдан хайрлашиб чиқканди.

- Роса млжинг экан. - деди Ўтабек бўлим ҳудудидан чиқишганларидан кейин. - Мелисага киришдан илгари ўқитувчи бўлган-ов, пединститутни тамомлаган бўлса керак, Тоҳирга ўхшаб... Шундай десам, Тоҳир уч кунда ҳам бир гапирмайди, физиканинг қонуни билан суҳбатга суқулмаса, ўзи гапни ҳам билмайди-да. Буниси адабиётчи бўлса керак, ёки бошланғич бўйича. Улар гапни жуда қийиб юборишади.

- Тоҳирни олдига бориш керак, - Ҳалим аканинг ёдига физик тушдию кимтабхо нарса топиб олгандек чўчиб кетди, - уни ҳам оғохлантириб қўяйликки, агар бир қор-қол юз бергудек бўлса барчамизнинг гапимиз бир жойдан чиқсин. Эҳтимол Муҳаммад унинг олдига кетгандир ва ушлаб келаётгандир.

Муҳаммаднинг исмини тилга олиши ҳамоноқ Ҳалим аканинг ўзини этлари увушиб, баданлари жимирлаб кетди.

Тоҳир ҳаммаёққа дафтару китоблар сочиб ташланган, ўзига хос бетартиблик ҳукмрон бўлган ўқитувчилар хонасида ёлғиз алламбалоларни ёзиб ўтирарди, мактаб сув қуйгандек жим-жит. Қаҳрамонимиздан Ҳалим ака ва Шоир шу ердаги ўриндиқларга ўтиришди, Журналист эса ўртада тик туриб олди. Улар шоша-пиша оталарига ҳасрат қилгандек бир-бирини оғзидан гапини олиб, бўлган воқеани ва юзага келган вазиятни ҳикоя қилиб беришди.

- Действия ровню противодействию. - Тоҳир қоғозларини тахлай бошлади.

- Нима, - ажабланди Ўтабек, - отангиз ўзбек, онангиз ўзбек, ўзингиз қишлоқда "что" деса "нима?" деб юардингиз, бугун ўрисчалаб қолибсизми?

- Ўзбекчасини билмайман. Ньютоннинг учинчи қонуни: ҳаракат қарши ҳаракатга тенгдир, дегани бўлса керак, менимча.

- Ҳозир физиканинг вақти эмас. - Ҳалим ака мулоийм ва насиҳатомуз оҳангда гап бошлади. - Бизнинг келганимиздан мақсадимиз шуки, сиз билан келишиб олишимиз лозим. Эртага, балки бугун ҳаммамизни сўроққа туттишлари мумкин. Шунинг англаяпсизми? Ҳазил гап эмас бу, сиёсий нарса. Давлат рамзларига нисбатан беҳурматлик... Жиноятнинг хиди келаяпти, турманин...

- Ҳалиги кўрмаганга ҳалиги тоғдай кўриништи... - ўртага ўзининг мақолини суқиштирди Журналист. - Жуда унчалик эмас, балки Муҳаммад билан келишиб кетармиз, у ҳам ўзимизнинг одам бўлса, кўнар бир-икки яхши гап қилсақ. Қолаверса Ҳалим ака бор, "02 хабарлари"ни чиқармай қўямиз, деб шантжа қилиш мумкин.

- "Хабарлар"ни ўзимиз ялиниб, зўрга оламизку, - Ҳалим ака оғир "ух" тортиб, олдида турган китобни столнинг нариги чеккасига отиб юборди. - Жиноят кодексини кўрмадик-да, қанча бераркан? Ҳали билмаймизамку, бизга қанака модда қўйишини, тўғрими? Шу Муҳаммад бўладиган бўлса, ўзининг ваҳимасию ҳовлиқмалиги билан, ватан хоини, деган моддани ёпиштириши мумкин...

- Гўкнинг қонуни бор, пружиналарга тааллуқли, куч қанча бўлса чўзилиш ҳам шунча, деганмиди, ишқилиб шунақа, ўзбекчасини яхши билмайман. Шунга қараб, жиноятга яраша модда қўйишади ва муддат беришади.

Тоҳир ўзича йигитларни тинчитган, уларга далда берган бўлди. Аммо бу тасаллини бермаганда юз чандон



яхшироқ бўларди. Чунки йигитларимиз қанчалар ваҳима қилишмасин, ич-ичидан қамаб қўйишмасликларига умид қилишаётганди. Тоҳирдан ҳам киши билмас, шунга ўхшаш гап қутишаётганди, аммо у ўзининг қонунлари билан буларнинг бадтар тушқунликка туширмоқда эди. Ньютоннинг қонунини бир амаллаб англаган ҳолда Гукнинг қонунини умуман моҳиятига етиб бормадилар, тўғрироғи уларни “қонун” деган гапнинг ўзи ҳайиктираётганди. Улар бу сўздан шайтондан кўрққандек чўчишаётганди айни дамда, Тоҳирнинг эса унга таяниб, аллақандай муддатлару моддалар ҳикида гапириши уларнинг кўзи олдига яққол панжараларни келтириб қўйди.

- Физикангизнинг қонунларини жиноят қонунларига келтириб тиқиштирманг. – Журналистнинг асаби бузилди, турган жойида қўлларини ҳавола қилганча нутқ ирод эта бошлади. – Қалласига олма тушиб кетган олимнингиз нималар демаслиги мумкин. Бу ерда одамнинг тақдири ҳал бўлаяпти. Физикангиз бўлса ҳаётдан жуда орқада қолган ва унинг борорта гапи амалга тўғри келмайди. Бу фан болаларнинг қалласини котириш учун керак, ҳолос. Бўлмаса, ўзингиз айтинг Ҳалим ака, иш деганини физика қандай тушунтиради, биласизми? Куч кўпайтирилган масофа. Биз туни билан куйиб-пишиб мақола ёзиб чиқиб, эрталаб туриб, “роса ишладим, бир тунда уч юз қатор қилдим”, деб бир мақтанмоқчи бўлсам, бу кишим шунақа деб ўтирибди. Гапидан келиб чиқадики, бизнинг ишимиз ручкани қимирлатишимиз билан қоғознинг узунлигига тенг. Дейлик Ҳаққул бова ўзининг бир ботмонлик кетмонини бир кўтариб ташлаганда биз бир оқшом ёзган ишимиздан ошириб юбораркан. Куйиб кетаман бу физикларга ва уларнинг қонунларига. Битта арзиммаган байроққа чўзилиш, дейдимий. Қайга чўзиламиз? Балки чўз демокчисиз? Қанча оғир жиноят бўлса, шунча кўп чўз демокчим, бу Гукингиз? Ҳалим ака, сизда қанча бор? Фақат тўғриси айтинг. Шунчалар ҳестний Тоҳирки бу ишга шаъма қилаяптими, бошқа иложи йўқ.

- Менда ўтган кун олган қалам ҳақим бор-да, эллик сўм. – У афтидан яна ниманидир яширди, буни унинг юзлари қизарганидан Журналистимиз сезиб қолди:

- Бу ерда ҳаёт ва мамот масаласи кетаяпти. Маош олганингизга ҳали ўн кун бўлгани йўқ. Икки юз сўм, плюс олтмиш сўм товон пули. Шунча нарсани еб қўйишингизга кўзим етмай турибди. Тунов кун таниш магазинчиларингиз олиб келган юз сўмлик кремплин костюм-шимни ҳам олмадингиз, демак пул турган бўлиши керак.

- Майли, розиман, яна юз эллик сумим бор. Адолат бўлиши учун ҳаммасидан кечаман. – Ҳалим ака тишини суғириб олгандек қилиб гапирганидан Шоирнинг унга раҳми келди. Бечорани ҳам куппа-қундизи шилаямиз, деди ўзича, бироқ ҳеч нарса демади. Қаҳрамонларимиз ҳеч ким йўқ пайтида бир-бирларини ошқора ҳимоя қилишмасди.

- Ўтабек, майли сиз кеча кенгашда мана шу ишга қарши чикканингиз, узокни кўра билганингиз учун бор пулингизни эллик фоизини қўша қолинг. – Журналист ўзини “Наврўз” хайрия жамғармасига пул йиғаётгандек тутаётганди. – Сизда эса биламан ортиқча минг сўм пул бор. Уйланаман деб олиб қўйгансиз. Кечиктириб бўлмас вазият юзага келганлиги туфайли тўй кечиктирилади. Биз қамалиб кетадиган бўлсак, барибир тўй сизга татимайди...

- Жа, татийдида, - Шоир ўзининг пулини олиб қўйишга ҳаракат қилишаётганларидан чўчиб кетди. – Қайтанга яхши ҳам бўлади. Сизлар ўзларингизнинг шу экстремистик характерларингиз билан, Ҳалим ака бошчилигида тўйни ҳам бузасизлар.

Унинг бу гапларини ҳеч ким кўнглига олмайди, чунки уларнинг орасида бунақа, Журналист томонлардагиларнинг шеvasида айтганда – қанқув гапларга ҳеч ким хафа бўлмайди, фақат пулини берса

бўлди.

- Тоҳир эса, сезиб туришимча ва ички туйғунинг менга айтишича ўртага бир тийин ҳам ташламайди. Шундайми? – Журналист Шоирнинг гапларига эътибор бермай ўз нутқин давом эттирди. – Майли ўқитувчи халқи камбағал, улар келажакни тарбиялаш билан оввора. Миннатли ҳалигидан деворнинг тешиги яхши, дейишганларидек... Энг асосийси улар физиканинг номақбул қонунлари билан бошимизни котириб ва эртага терговда гуллаб қўймаса бўлди... Менинг ўзим қирқ уч сўм қўшаман. Мендек пролетар мухбирнинг занжирдан бошқа йўқотадигани шу эди, бу сафар қалам ҳақининг чўғи кам бўлди. “Ватанпарварлик ва социалистик мусобақалар” номли мақоламни Салим ака, сиёсий саводсизлик қилиб, отиб юбормаганида ўртага қўшиладиган пул яна ўн сўмга кўп бўларди. Энди Алишер билан Шакар қолди. Ҳозир бориб улардан ҳам ундирамиз, Алишернинг пулини қайдалигини мен биламан, ўйлашимча у уч кун ўша ёқда ўтирадиган бўлса пулини олганимиз учун эътироз билдирмасе керак.

- Пулни бир амаллаб йиғармиз-ку, аммо ҳали терговда нима дейишимизни ҳам келишиб олишимиз лозим, асосийси шу. – Ҳалим ака ўзини қийнаб турган муаммони тезроқ ҳал этиб олиш илинжида эди, гўё шу билан барча масала ўз ўзидан ҳал бўлиб кетадигандек. – Барчамизнинг гапимиз бир жойдан чикмаса, тилимиздан илинамиз. Мен буни жуда яхши биламан. Жиноятлар ҳақида кўп суд очерклари ёзганман. Гап икки хил чикдими, терговчи ҳап сеними дейдию, қулоғингдан тортиб, қуруққа олиб чиқади.

Журналист Ҳалим акага унинг суд ҳукмидан кўчириб олган беш қатор ахбороти суд очерки ҳисобланмаслигини, энди ўқиб келаётган ёш мутахассис сифатида тушунтириб қўймоқчи бўлдию, мавриди эмаслигидан, ўзининг принципларидан кечган ҳолда, кел шу адабиёт ўқитувчиси бир ёса ёзибди-да, деб кўя қолди. Ва бош масалани ҳал этиш учун гап бошлади:

- Энг асосийси ҳеч нарсани тан олмаслик, билмадим, кўрмадим, қилмадим, тамом, вассалом. Шундан бошқа бир оғиз ҳам гап бўлиши мумкин эмас. Қамокда ўтириб чикканилар, чин дилдан иқроп бўлиш – турмага тўғри йўлдир, дейишади. Шунинг учун айбимни бўйинимга олсам, енгилроқ бўлар, деган хом хаёл хом каллаларда бўлиши мумкин эмас.

- Алишерчи? – Тоҳир ҳам ҳар ҳолда чўчиб турганди, овози титраброк чикканидан сезилиб қолди. – У қандай бўлади. Бизнинг келишганимиздан беҳабар бор гапни айтиб ўтирсачи? Унда бизнинг гапимиз қайга боради?

- Ҳим-м, - Журналист ўйланиб қолди, боя бу томонини эътиборга олмай чулдираб ётган экан. – Демак бундай, у нима деса дейверсин. Биз тан олмаймиз, тамом-вассалом. Судга борганча барибир биз билан юзлаштириш терговни ўтказилади. Шунда яхшилаб тушунтириб қўямиз ва судда мени милисалар шундай дейишга мажбурлади, деб тураверади. Қарабсизки, олам гулистон.

- Ким мажбурлайди? – Шоир буларнинг ўта юзсизларча режа тузишларидан ранжиб кетди. – Мухаммадни кўрсатадими, мажбурлади, деб. У бечора Алишердан икки баробар кичикку. Ўзи ўқитувчидан чиккан бўлса. Бировни уришни қайдан билсин.

- Қондаси шунақа. – Журналист кўп нарсани билгандек қўлларини пешкаш қилди. – Судда ҳар доим шунақа дейилади. Биз бу томондан тан олмай турсак, у томондан Алишер шунақа деса, қарабсизки, жиноят таркиби йўқ деб, суд залидан озод қилиб юборишади. Шунда биз, Ҳалим ака билан ҳамкорликда газетага бир саҳифалик мақола ёзамиз: “Ваҳший оперлар ва одил судлар”... Ўхшадими? Зўр сарлавҳа чикди. Ҳалим ака эсингизда сақлаб қолинг шунинг...

Уч йигитимиз Тоҳирни ҳам ўзларига ҳамроҳ қилганларича Салим аканинг уйига томон йўлга тушишди. Ният – воқеадан уни ҳам огоҳлантириш ва имкониятига

караб кутқарув жамғармаси учун пул олиш. Балки муҳаррир бўлишига қарамай, ақлли гаплар ҳам чиқиб қолар ундан. Тохир, “бошлиқларингни сахийлиги тутиб, раҳми келиб, уч-тўрт минг бериб юборса, я”, деганди, унинг орзусини Журналист туғилган оғрик бўғди: “Тоғдаги халинга пут кўтарма”

-7-

Салим ака ҳаммани пахтага юбориб, байроқнинг йўқолганини ваҳима қилиб, кейин далага кетдим, деганча уйга келиб ётиб олган бўлиши керак. Халим ака уни шундай қилишини жуда яхши биларди. Иккаласи ҳамкорликда биринчи йил ишлаётганлари йўқ-да. Мухаррир оддий халк “камбағаллар маҳалласи” дейдиган, расмий тилда айтилганда Ленин кўчасида яшарди. Унинг ён қўшилари туман райком котиби, ижроия қўмитасининг раиси, агросаноат бўлимининг бошлиғи ва шунга ўхшаш туман раҳбарлари эди. Бу уйлар давлатнинг уйлари ҳисобланиб, унинг эгалари бутун туман аҳолиси каби тез-тез келиб, кетиб туради. Шу сабабли ҳам қанчалар ҳаракат қилмасин бутун туман ҳудудида бўлгани каби бу кўчага ҳам, тез-тез таъмирлаб турилишига қарамай, файз кирмайди. Барибир ё кимнингдир нардан бери қуриб қўйган қўлбола девори қулаб тушади, ёки кимдир молининг тезагини олиб чиқиб йўқнинг чеккасига уйиб ташлашади. Буларнинг барчаси каттик таъқиқланган тақдирда, кимдир даладан ерёғоқни йиғиштириб келадую, уйнинг ёнида қоқиб олиб, палагини йиғиштиришни унутиб қолдиради. У эса йил давомида, токи келаси йил яна кимдир келиб, ўз ерёғогони келтиргунча чириб, эзилиб, кўкиб ётади. Салим аканинг қўшиси ҳам дарвозаси олдида бир тележка ерёғоқни тўқнаб экан, тоғдай бўлиб ётибди. Йиғитлар уни айлланиб ўтгач, оч кўк рангга бўялган дарвозага рўнара келишди. Бу айнан ўша, кўзланган манзил эди.

Қаҳрамонларимиз ичкарига чақирмай кириб боришганида чеч аҳволининг ўртақсидан нимадир қилаётганди, ё супираётганди, ёки таппи сочаётганди, ишқилиб шунга яқинроқ бир иш эди. Тохир ҳаяжонланганидан буни яхшироқ аниқлолмади. Қолганлар учун эса аҳамияти ҳам йўқ; уларнинг қаллалари ўз дардлари билан банд. Чеч аҳволи сўров, изловсиз эри ухлаб ётган хонага кириб кетишдан чўчиб, овозини баланглашиб, шаңгилаб гапиришга тушдики, зора Салим ака уйғониб чиқақолса:

- Келинг Халим ака, қайси шамоллар учирди? Тўрт кундан бери келмайсиз. Сардорлар чонқиллаб юришибдими? Келинг қандай? Бир олиб келинг, ҳасратлашиб ўтирайлик дегандим, ҳеч гапга кирмайсиз-да...

Чеч шундан бошқа яна ашамбалолар деди, аммо йиғитлар аёлларнинг бундай гапларни эшитмаса ҳам бўлаверишини билганликлари туфайли эътибор беришмади. Бу орада Салим ака шишиб кетган кўзларини ишқалаб чиқиб келди:

- Шу, “ўн тўққизинчи-плениум қарорлари ҳаётга” деган мавзуда бош мақола ёзиб ўтирдандим, плениум материалларини ўқийвериб, кўзларим шишиб кетди. Биз ҳам қариб қолдик шекилли, илгарилари бир кўз билан ўқиб, иккинчиси билан ёзиб кетаверардим... Халим, сиз ватанпарварлик мавзусидаги мақолани битирдингизми? Бўлмаса Аҳмедовга бериш керак. Дўстликка, босмохонага ташлаб келин.

Салим ака жавобни кутиб ҳам ўтирмай ўзини яна бир кўр мақтаб, йиғитларни хонага бошлади. Йиғитлар тўр йўлакча бўйлаб, ўртача қатталиқдаги, зах хиди келиб турган хонага киришди: хонанинг бир чеккасида кичик давра учун тўртбурчак қилиб ўрин тўққаси қўйилганди. Ҳамма шу ердаги кўрпачага чордана қуриб ўтиргач, уй эгаси фотиҳага қўл очди:

- Омин, пахта плашларимиз тўлиб кетсин, - юзига фотиҳа торгач, эшикка қараб бақирди. - Ўв, дастурхон олиб кел, чойни қўй.

- Биз бир маслаҳат билан, - секингина гап бошлади Халим ака, худди совчиликка келган каби. - Тез турамыз, чой, нонни қўя туриг. Кейин.

- Нима маслаҳат? - Салим ака гапнинг оҳангидан булар бир балони бошлаб келганини юрак-юраги билан ҳис қилаётган бўлишига қарамай, барибир хурсанд бўлди ва ичида, биз ҳам катта одаммиз, одамлар маслаҳатлашини учун келадим, деб қўйди. - Қўлдан келгунча ҳаракат қиламиз.

- Эрталаб хабарингиз бўлса, байроқ йўқолиб қолганди. - Халим ака келганларнинг ичида энг каттаси бўлганиги туфайли ҳам фақат у гапирарди. Қолганлар талқон егандек жим туришарди, энди нима бўларкин, деган қизқиш билан. - Биз шу масалада...

- Э, уни? Райком бова ҳам роса газабланди? - Салим ака тиззаларига шаппатлаб олди - Прокуроргамиёй, милисани бошлиғигамиёй телефон қилиб, роса сўқди, номаъқул еб юрибсанларми, деди. Чорасини кўринглар, тошинглару кечгача жойига илиб қўйинглар, деди.

Бу оstonага умид билан келган Халим аканинг ичига титроқ кирди, Журналистнинг баданлари чумоли юргандек жимирлаб кетди. Тохир кўк кўзларини шилга тикканча, тишларини тишларига босиб аламни босмоқчи бўларди. Фақат Шоиргина ичида севинди: бу қулларингдан бадтар бўлларинг, менинг гапимга қирмагандан кейин шундай бўлади. Бу гапларни овоз чиқариб айтолмадики, ўлгани устига тепган бўлмасини, деб сабр қилиб турарди. Аммо кейинроқ яхшилаб юзларига солишни режалаштириб қўйган.

- Ана шу байроқнинг йўқолишига биз сабабчимиз. - Халим ака шу гапларни ўлимга ҳукм қилинган жиноятчининг суддати сўнгги сўзларидек айтдию овози ўчи қолди.

- Нима? Бунақа кўпол ҳазиллашманг. - Салим ака орқага сурилиб кетди, - юрагим чағок.

- Биз яхши ниятда... - орада бир дақиқа жимлик ҳукм сургандан сўнг гапни давом эттирди Халим ака. - Катта иштон қилдиromoқчи эдик. Материали яхши экан. Ниятимиз бор эди, сизга ҳам битта, размерингизга қараб тиктириш...

Халим ака муҳаррирга трусини тиктирадиган бўлишса, байроқнинг нар ярни кетишини чамалаб қўйди, аммо наилож. Алишер, Журналист ва Шоир барибир яна йиртик трусилари билан қоладиган бўлди-да, деб қўйди ўзича.


Салим ака соқов бўлиб қолгандай эди. Қўллари билан аллақандай тушунарсиз ҳаракатлар қилиб олгач, ўзига келдию, ниҳоят гап бошлади:

Жиноятларингизга мени шерик қилмангизлар. Нима иш қилган бўлсаларингиз, ўзларингиз жавоб берасизлар. Халвони ҳоким, қатқани етим эмасида. - Салим ака бироз ўзига кела бошлади. Буни унинг ўнглашиб келётган овозидан ҳам сезса бўларди. Мақол ишлатдим, фикри тиниклаша бошлаганидан дарак беради.

Халим қилган биров, балога қолган Тилов, деганга ўхшаб-да, - ўртага ўзининг номаъқул мақолини суқийтирди Журналист. Унинг шунақа одати бор, тўтри келиб қолган пайтда ўз фикрига қарши бўлиб турган бўлишига қарамай, уят демай, шунақа бетутуруқ ибораларини айтиб юбораверади.

Чеч ака дастурхон билан нон келтирган пайтда муҳаррир нима қиларини билмай, бошини қашлаб турарди. Унинг ваҳимасини кўриб, келганларнинг хаёли янада паришон бўлди. Ўртага қизил чизикли дастурхон тўшалди, бир ликончада майиз, иккинчисидан оққанд келтирилди. Салим ака нонни ушата туриб, ўйчан аҳволда гапни давом эттирди:

- Байроқни юлиб олиб, нима қилдиларингиз? Агар турган бўлса секингина жойига илиб қўйиш керакки, ҳеч ким билмай қолсин. Газетанинг обрўйига путур етдиган бўлди... Халим ака, сиздай эсли-хушли одамга нима бўлди? Майли, манавилар қилса, ёш-да деб қўя



колардик, сиз-чи? Ёшингиз кыркдан ошиб кетган бўлса...

— Ҳалим ака гуноҳ иш қилиб қўйган ёш боладек секингина тузатиш киритди. — Байроқни йиртиб, аллақачон тикиб ҳам юборганмиз. Ҳали сиз бу ёғни эшитмадингиз, Алишерни милса ушлаб кетган, камаб қўйибди. Кеча байроқни жойидан у йиртиб олганди.

... !?

— Шунга сизнинг ёнингизга келаётганимизки, ёрдам бермасангиз бўлмайди. — Ҳалим ака минг андиша билан мақсадга ўта бошлади. — Милсани бошлигини яхши танийсиз, унгами, прокуроргами бир оғиз кўнгирак қилиб юборсангиз, олам гулистон. Ёниглик қозон ёниелигича қолиб кетаверади. Биз эртагаёқ магазинларни кўриб, таниш билишлардан суриштириб, битта байроқни келтириб, жойига осиб қўямиз.

— Қаллангиз жойидами ўзи? — Салим аканинг чинакамига жажли чикди. — Уларга телефон қилиш жиноятга шерикчиликни бўйинга олиш билан баробар. Маслаҳат сўраб менинг олдимга бекорга келибсизлар. Энди шерикларинга айланиб қолдим, мени ҳам ўйланларда озрок, бола чакам бор, бу машамаларинга сира алоқам бўлмаса. Яхшиси ўзларинг бориб, бор айбларингни бўйинларингга олинлар. Шунда сизларга ҳам, мени ҳам яхши бўлади. Раҳбар сифатида менига роса гап тегадиган бўлдида, бирданга уч нафар ходимим давлатга қарши жиноятда иштирок этиб ўтирса-я, нима ёмонлик қилган эдим, сизларга? Қасдларинг бўлса, айтмайсизларми, Салим ака, бизни шу ерда хафа қилаяпсиз, порозимиз деб, мен чора кўрмайманми.

— Майли, маънавий ёрдам беролмасангиз, — бошқалар мум ташлагандек бўлиб ўтирганиги сабабли яна Ҳалим ака гапиришга мажбур бўлди, — балки молдий томондан кўмаклашиб юборарсиз. Боя йиғилар билан жамғарма тўшлашга келишувдик, хомчўтларга қараганда ҳозиргача йиғилганларни минг сўмдан ошиб қолади. Сиз ҳам ҳимматингизга яраша, дегандай...

— Ие, Ҳалим, бейў, бейў гапларни қиласиз-а? — Салим акага масаланинг бу ечими ҳам ёкмади, — келинингиз киш келаяпти, полто олиб беринг, деб жон-қолимга қўявермагач, кечагина бозорга тушиб, мўйнали палто олиб берувдим, нақд минг сўмга, йиғиб, териб қўйганларимнинг ҳаммаси кетди. Ҳазир нонга ҳам зўрга тошиб, еб ўтирибмиз.

— Ўтирувдим ғамсиз, ҳамсоям келди иштонсиз. — деди Журналист эрмак учун ликончадан бир дона майизни олиб чайнаб экан ёнида ўтирган Тохирга қараб секингина.

Салим ака унинг хусусиятини яхши билганлиги туфайли ҳам эътибор бермади, ҳатто гапининг мазмунини тушунмади ҳам. Тохир ҳар доимгидек жим эди, ундан омонлик кўнларда ҳам бир оғиз сўзни олиш ўлимдан оғир эди. Шоир эса яхши бўлди, бундан бадтар бўлинлар, деб юборишдан ўзини тийиб, индамай турарди. Ҳалим аканинг эса муҳаррирининг даққиларидан сўнг, нафаси чикмай қолди, у бунчалар бўлишини кутмаганди чамаси, нигоҳларини дастурхонга тикканча унинг бир чеккасини қайириб, ўйнаб ўтирарди. Орага покулай жимлик чўкди. Муҳаррир ҳам уни нима деб бузишга ақли етмай турарди, шунингдек буларнинг қилиб юрган ишлари уни роса ғазаблангирган, шуниси етмагандек ёрдам сўраб келиб ўтиришлари, ўзини ҳам иштирокчи сифатида ўзинга тортиб кетишга уринишаданликлари роса алам қилди. Журналист даврадаги ўнғайсизликни кўтармоқчи бўлди:

— Ўтабек, агар арилар талаб кетмаганида сиз келтирган виний узумдан мапа шунақа майиз чиқарди-да, а? — У қўлига майизнинг бир донасини олиб кўрсатди. — Балки каттароқ ҳам бўлиши мумкин эди, унинг палаги тозага ўхшовди.

— Алишер роса қулганда ўшанда, мени ишимни менсимай. — Ўтабек гинаҳонлик қилгандай бўлди. — Ўзи нима қилмайин доим нахуриб ўтиради, сизлар ҳам ушқини маъқуллайсизлар. Майиз чиқади, дедим, қўнмади,

ҳали ҳам кўрасиз, арилар шимиб кетганидан қолгани ҳам шунақа майиз бўлсинки, еб ало қилолмай қоламиз. Мана шу турси масаласида ҳам қўйинлар дедим, қўнмадиларингиз, айниқса Алишер, жирттакилик қилиб, ўз билганидан қолмади.

Ўтабекнинг дард дастурхони очилиб кетди ва кеча бўлган гапларининг барчасини оқизмай-томизмай Салим акага ҳикоя қилиб берди. Унинг бу ҳикояси айниқса Ҳалим акага жуда ёкмаётганди, ўзи ҳақидаги шунақа гапларнинг бошлиғи олдида айтилиши унинг учун жуда оғир эди-да, бироқ иложининг йўқлигидан индамай ўтирардики, шундан бошқа чораси ҳам йўқ эди. Муҳаррир Шоирнинг оғзини кўпиртириб гапириб берган гапларини тинлар экан тоҳ кўзларини катта катта қилар, гоҳида, бошларини сарак-сарак қилиб, ай-йй-йй, дегандек қилиб порозилик билдирарди. Бунга сари Журналистнинг асаби бузилар, бу ерга наҳот истаб келганидан мингданминг пушаймон қиларди, унинг тушунишича муҳаррирнинг уларга заррача ёрдам беригиси йўққа ўхшайди. Шарт ўрнидан туриб кетай деса, бўлмайди, бировнинг уйида, шуниси етмагандек ўз бошлигининг олдида бунақа кўрсалик қилиш одати йўқ. Ноилож тишини тишига босиб ўтирар, онда-сонда Ўтабекни тўхтагиш илинжида ўртага гап ташлаб қўярдию, аммо бу сира ўзининг самарасини кўрсатмаётганди, чунки сўзловчининг гапини охирига етказиб олишга ва бу гапларга унинг алоқаси йўқлигини исеботлашга иштиёқи кучли, тингловчининг эса нима бўлганини билишга хоҳиши катта эди.

Ниҳоят воқеа ҳикоя қилиб бўлинди, фикрлар билдирилди ва наҳот истаб келганлар, ўзларининг ахмоқликларига, икки қарра ахмоқликларига иқроқ бўлишига, биринчи марта байроқни олишганда, иккинчисиде бошқадан наҳот истаб келишганида, тил учиде хайр-хўшлашиб, келган томонларига қайтишди.

-8-

Ҳаммадан ҳам Салим аканинг гаплари Журналистга оғир тасир қилди. Тўрталаси йўл-йўлақай, бир бирларига нима дейишларини билмай, ўзларидан ўзлари уялиб кетиб боришар экан, у алам билан тишларининг орасидан тез-тез йўл четига "чирт" қилиб туфлаб қўярди. Кузнинг ёқимтой офтоби етарли даражада қиздираётган бўлишига қарамай, Ҳалим ака негадир жунжикиб борарди, қўл-оёқларининг қалтираши совуқданми, асабданми, билолмаётганди, бор фикр ўйини шу масалани ҳал қилишга қаратаётганлигига қарамай ҳаёли жамланмаётганди, уларнинг қасрларга қочиб кетаётганини ўзи ҳам тушунолмай гаран эди. Шоир эса ўзининг шоирона ҳаёллари билан ич-ичдан манави иккаласини болаҳонадор қилиб сўкиб бораётганлигига қарамай, ташқарисиде ноўхшов тиржайиб қўярди, унинг бу кулгиси қайфиятининг яхшилигидан кўра кўпроқ истехзога ўхшаб кетар ва қолганларда нохуш қайфият уйғотаётганди. Айни дамда уларнинг ҳар бири ўз-ўзидан шубҳаланаётган, ким кимни биринчи бўлиб сотиб қўйини мумкинлиги ҳақида ўйлаб борарди.

Тохир ўзича булар нима деса деяверсинлар, терговчиға бу ишларга иштирок етмаганими айтсам, бемалол қўйиб юборарди, деганча бир амаллаб оқланиш илинжида ҳар хил фикрларни ўйлаб борарди.

Шоир эса ҳар доимгидек ҳаёлан ҳар хил тактикалар ўйлаб борарди. Унинг бу хусусияти кўпинча Журналист учун қули мавзуси бўлиб хизмат қилади. Унинг каттагина кундалик дафтари бор эди. Шоир унга қилиниши лозим бўлган ишларни режалаштириб қўярди. Бир кунни Журналист у йўғида очиб қараб, қуйидаги ёзувларни ўқиб қолди:

Тактика №1. Эрталаб Салим ака келиб уйғотса Фучик совхозига бориб, Қаршиевдан интервью олама (у тушгача ишга келмай, уйда ухлайди). Тушликда бир сўмлик паловдан еб, пешин қайтгач, магазинда нон қолмаган бўлса, болалар билан мошинада бориб, Дўстликдан нон олиб келаман (шу сафар бир амаллаб нонни пулини

Тохирдан ундириш керак).

Тактика № 2. Эрталаб Салим ака уйғотмаса, ўзидан кўрсин, пешингача ухлайман, туриб, бориб бир сўмлик паловдан еб, нон қолмаган бўлади, Дўстликка бориб, нон олиб келамиз (яна шу гап, Тохир кейинги хафтада бир марта ҳам нон олмади).

Тактика №3. Эрталаб уйқум қочиб кетса тактика №1 дагидай ҳаракат қиламан, фақат Қаршиевдан интервью олишининг ўрнига Пахтакорга ҳаммомга чўмилишга бораман (ёзда каналдан чўмилганларимизни ҳисобга олмаса, олти ойдан буён ҳаммомга бормадим).

Журналист шу тактикаларнинг устидан ҳамон кулади, бироқ бу нарса Шоирни ушбу йўлдан қайтаргани йўқ. Қайтанга янада жипсроқ шуғулланадиган бўлди ушбу машғулот билан, шундай пайтлар бўладики, бирор иш қилиш, мақола ёзиш ўрнига у ярим кунлаб тактикаларининг устида иш олиб боради. Кулганларин эса маданиятсизликда, ўз вақтини қадрига етмасликда айблайди ва барча буюқ кишилар, худди ўзи каби вақтини жуда қадрлаганларини уқтиришдан чарчамайди. Яна таъкидлаб қўядики, сенлардан ўртамиёнадан пастроқ шахслар чиқади, шунинг учун вақтни қадрламасларинг ҳам бўлавереди, аммо мен бошқаман, йўригим бошқа.

Айни пайтда у шунақанги тактикалардан тўрт-бештасини тузиб, ёнида кундалиги йўқлигидан афсусланиб бораётганди. Чунки хотираси панд бериб, битта-яримтасини унутиши мумкин-да.

- Кундошимни кўргунча куйиб-ёниб бораман, - деди Журналист бехосдан ҳаммаларининг хаёлларини қочириб. - Жуда ишонгандиларингиз, ёрдам беради, деб. Мана олдиларингиз оладиганларингизни. Ким айтди ўзи бизларга бошлик халқидан ёрдам қуттиш мумкин, деб. Ажабмаски, у ҳозирнинг ўзида прокуратурага қўнғироқ қилиб, барчамизнинг қилган ишларимизни сотиб ўтирган бўлса. Ўтабекка қанча кўзимни қисдим, айтма, дедим, бўлмади, ҳаммасини бир бошидан гапириб ўтирсан-я. Энди орқамиздан сотилгандан кейин, ҳар биримизга ўн йилдан кафолатланиб турибди.

Шоирнинг жаҳли чиқа бошлади, унинг асаблари охириги синовларга дош бермоқда эди. Энди бундай давом этиши мумкинмаслигини ҳали Журналист тушунмаганди.

- Ўзларинг пиширган кашаларингизни ўзларинг есаларингиз, - афтидан унинг учун булар билан уришмай туриб, ўзини даврдан чиқариб олиш мушкул туюлаётганди. - Менга нега тармашасанлар? Ҳамаларингизни бошларингизни шу ерга бирлаштирган ўзим бўлман, нега энди бирлашиб менинг бошимни ейишга ҳаракат қиласанлар? Тинч қўйсаларингиз. Билганларингизни килларингиз ва мени ҳеч нарсага аралаштирманглар, агар аралаштирадиган бўлсаларингиз, терговда ҳаммасини бир бошидан гапириб бераман.

- Ҳай, ҳай. - Ҳалим аканинг хаёли қочди, орада юзага келаётган дарз ишнинг силлиқ кечинишга жуда катта халақит беришини у яхши тушуниб турарди. Битта кичик муаммо деб сан-манга бориб ётмайлик. Ўтабек, агар хохламасангиз, сизни кечаси уйда йўқ эди, деб қўя қоламиз. Ҳеч нарсага аралашмайсиз. Билмадим, кўрмадим деб тураверасиз. Лекин уришиш, асабийлашиш шарт эмас.

Унинг алингансимон гаплари Ўтабекнинг яна бир поғона юқори келишига сабаб бўлди:

- Агар мана шу ахлоқона ишларингизда зиғирча айбим бўлганда эди, калламини кундага қўйишганда ҳам "ғинг" демаган бўлардим, керак эмас шу дедим, ялиндим, ёлвордим, кўнмадиларингиз. Энди эса гўёки буларнинг барчасида мен асосий айбдорга ўхшаб қолаяпман. Одамга сал инсоф ҳам керак-да. Бу оддийгина қилиб, муттаҳамчилик дейилади.

- Берганинг бир танга, ҳалиги қилганинг эрталабгача, дегандай бўлмасин-да, Ўтабек. - Журналистнинг алами келди. - Ҳали бу масалада ҳеч биримиз бир тийинлик ҳам иш қилмадигу бир-биримизга дўк уришимиз оламда йўқ. Агар сиз берадиган беш юз сўм пулни аяётган бўлсангиз, майли, бермаслигингиз

мумкин. Аммо одамни муттаҳамга чиқарманг-да. Тўғри, кеча сиз бу ишга қарши чиққандингиз, аммо бу сизга қолганларни сотишга имкон ва ҳуқуқ бермайди. Сиз одамийлик нуқтаи назаридан биз томонда бўлишингиз лозим.

Бу гаплар тўлиб турган косага қуйилган охириги томчи бўлди. Ўтабекнинг асаблари ўйнаб, юзлари кизариб, тутуни чиқиб кетгандай бўлди: кўзларини бир чақчайтириб олгач, жанжални олдики, Тохир ўзини олиб қочишга жой тополмай қолди. Одамларга унча-мунча ишонавермайдиган Журналист эса ўзи унинг китик пастига тегиб қўйганлигига қарамай, ана энди Шоир ўзининг асл башарасини кўрсатаёпти, деганча индамай, унинг бақиринларини эшитиб кетаверди. Ҳалим ака хайрон эди, ҳар ҳолда у Шоир билан унча-мунча ишлашиб қўйган, бир жойда неча йилдан буён яшаб келаяпти, аммо бунақасини кўрмаганди, кутмаган ҳам эди. Шоирнинг оғзидан эса боди кириб, шоди чиқаверар, ёнидагилари индамаган сари, унинг жаҳли янада кучаярди, чунки назарида уларга гаплари зиғирча таъсир қилмаётгандек эди.

Яхшиям аҳолининг кўпчилиги пахтага ҳайдалган, қолган ўттиз фоизи далада, ерёнғонини йиғиштириб олиш илинжида юрибди, қолган қисми эса уй-уйлариде яшириниб ётибди, бирортаси пахтага чиқмаганимни кўриб қолиб, бошимга бало бўлмасин, деган ўйда. Шу сабабли улар кўчани бошига қўтариб бақириб кетаётган Шоирнинг жанжалини томоша қилишга чиқисмади, холбуки ерли аҳоли санъатнинг бу турига жуда ишқибоз.

Ўтабек шу гапиришда уйининг рўпарасигача бақириб келди, қолганлар ҳам уни тўхтатишга ҳаракат қилишмади. Улар гуноҳ иш қилиб қўйган болалар каби жим эди, ҳаммаси ўзининг муаммоси билан банд, учаласи ҳам якка тартибда масалани ўзининг фойдасига ҳал этиш режасини тузмокда: бу муаммолар Шоирнинг ўзини даврдан четга олиши билан юзага келганди ва мазкур бўлиниш уларга энди ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши кераклигини кўрсатиб қўймоқда эди. Шоир қўлини силтай-силтай, энди уларнинг ишига аралашмаслигини, агар биров сўрагудек бўлса ҳаммасини окизмай-томизмай айтиб беришини уқтириб, хонадонига кириб кетди. "Мен бориб ухлайман, - деди шунча гапнинг охирида, жағларини беўхшов катта қилиб очиб олгач, афтидан бақиринларнинг зарбидан толиб қолганди, - Агар кирмоқчи бўлсаларингиз шовқин қилиб, уйқумни бузманглар."

- Мушук ҳалигили бўлдию, ҳалигисини товоққа солди.- Журналист Ҳалим акага, кейин Тохирга юзланди. - Бу масалада ёрдам бермагани гўрга, энди бу ёғи неча пулга тушди. Ҳали уйимга кирманглар, деса-я. Кўчада қоладиган бўлдики. Битта трусидеб, бошпанадан айрилиб қолмасак гўргайди. Ўйнашга ишониб, эрсиз қолган вой бошим деганларига ўхшаб.

- Кўлидан ҳеч бало келмайди. - деди Тохир ишонч билан.- Мен унга кўрсатиб қўяман уйга киритмасликни. Ўзи алдаб чақириб келганку, бизни шу ерга, энди кўчага қувадими? Бундан ташқари, Алишер биздан кўра унга яқин эмасми, туғишган жияни, ўзимизни орқамизни ўйлаб юрган бўлсак майли эди, Алишерни деб чопиб юрибимизку.

- Агар чиқ дейдиган бўлса, менинг уйимда яшайверасизлар, - уларга далда берди Ҳалим ака.- Асосийси манави машмашани ижобий ҳал этиб олсак бас. Аммо Ўтабекдан бунга сира кутмаганим.

Бу пайтда куёш уфққа отган, пахтага кетганлар тўрт-бештадан бўлиб қайтиб келаётганди. Уч йиғит, уч қаҳрамон отасидан айрилган етимлардек шумшайганча, бир-бирига бўйин қисиб термулиб турар, бу нарсани чеккадан қараган одам яққол сезиши мумкин эди. Шоирнинг хиёнат қилиб, улардан воз кечиб кетиши жуда оғир ботганди. Анча маҳал бир бирларига қараб туришанларидан кейин, бу билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмаслигига ақллари етиб, бирин-кетин ўзларига кела бошладилар ва аста-секин хаёлларини ўнглаб олиб,



учалашиб эндиги асосий масала нима эканлигини, бош эътибор нимага қаратилиши лозимлигини шу тик турган жойларида муҳокама эта бошладилар. Асосий масала эса нима қилиб бўлса ҳам сувдан курук чиқиш, бир байрокни деб қамалиб кетмаслик, обрўни ерга урмаслик. Халим ака учун қамалиб кетиш болаларидан узоклашиш, уларнинг ҳолидан хабар ололмаслик учун оғир бўлса, ҳар ҳолда уларни бировга ишонмайди, Тоҳирни турмада одамларнинг кўплиги, улар билан муомала қилишнинг оғирлиги қийнаётганди. Журналист учун эса айниқса қамалиб кетгач обрўга пугур етиши (ҳозирча у унчалик даражада кўп бўлмаслигига қарамай, кейинчалик ортишига жуда ишонади) муҳим эди. Қачонлардир катта ва машҳур киши бўлиб кетганида одамлар унинг таржимаи ҳолини қовлаштирганларида, труси қияман деб қамалиб чиққанлиги очилиб қолса, жуда ўнғайсиз бўлади. Унинг ўзига ҳам, мухлисларига ҳам.

Шундай қилиб учаласи уч сабабга кўра қамалиб кетишни истамаётганлигига қарамай, ҳеч ким афтидан уларнинг истаклари билан ҳисоблашмайдигандек кўринаётганди.

- Нима бўлса бўлди, - деди Халим ака, - Прокурорнинг олдига борамиз, бир-икки борганимда жуда ҳақиқатпарвардай кўринувди. Тушунтирамиз, уям осмондан оёғини осилтириб тушгани йўқ. Ўзим биламан, интервью олганимда барчасини айтиб берган, Ғаллаоролда кексайган онаси бор, отаси ўтган йили қазо қилган. Агар бўлмайдиган бўлса, бориб, Маҳаммаднинг сотиб олишга ҳаракат қиламиз.

- Халиям шу соддалигингиз қолмади-да, Халим ака, - Журналистнинг жаҳли чикди ва тўнғиллаб унинг гапларини чиппака чикара бошлади. - Биринчидан бизга ҳақиқатпарвар прокурор керак эмас. Сезмаяпсизми, ҳақиқат бизга ўзининг яланғоч орқаси билан турибди. Ҳақиқат фақат Толстойдан улуг, билдингизми? Бизнинг ишга ярим ёлғон ҳам бўлаверади. Иккинчидан қайси йиғиб қўйган тиллонгизга Муҳаммадни сотиб олмакчи бўлаяпсиз? Чечадан яширган бир юз ўн уч сўмгами? Бу пулга айни кунда соқоли оқарган така ҳам бермайдику, бутун бошли оперни сотиб оламан, деб кериласиз. Уят.

Халим аканинг тишлари "газ-газ" қилдию, умумий иш учун ҳозирча асосиз танқидга-да чидашга мажбур эканлиги учун индамади ва чуқур уф тортиди.

- Ундан кўра, - гапини давом эттирди Журналист қўлини капча қилиб. - Битта қизил байрокни қайдан бўлса ҳам топиб, ёки икки соатга ижарага олиб бўлса ҳам, жойига илиб қўйиш керак. Шунда кўрганим йўқ, билмайман, деб туриб оламиз. Кейин Ўтабегингиз хоҳлаган жойига бориб сотаверсин, ҳеч ким ишонмайди, қайтанга эсини еб қўйибди, деб жиннихонага тикиб қўйишади... Шунга нима дейсизлар?!

- Фоя яхши. - Халим ака ичида тан бериб турган бўлсада, ошқора паст кетишни хоҳламади. - Аммо шу пайт, келин эшикка, тухум тешикка келиб турган пайтда байрокни қайдан топасиз. Босиб қўйган жойингиз бўлса, айтиб, бизга-да ортикча машмаша керак эмас, иламит қўямиз. Ҳамма гап шундаки, ўша байроқнинг, яхши материалнинг йўқлигидан шу ишга қўл урган эдикку аслида.

Журналистга Халим аканинг гапидан кўра, мақоли ёқиб тушди, наҳотки шу нарсани мен билмайман, деб ич-ичида ўзини койиди, хафа бўлди ва Халим акани чиройли мақол айтиб, ўзидан устун келганини тан олмаслик мақсадида, эшитмаганга олиб, бурнини жийрди ва ушбу мақолни кейинчалик бир жойда қўллаб юбораман, мени номимга ўтиб кетади, додини худога ҳам айтолмай қолади, деган ўйда, уйга борганча эсимдан чиқмаса гўргайди, деган кўркув билан уч-тўрт марта такрорлади. Овоз чиқариб эса умуман бошқа гапни айтди:

- Топиш керак-да. Хотин олмасанг қайнона қайда, дегандек, изламасак, сўраб суриштирмасак, биров келтириб берадими? Тоҳир, сиз бир нарса денг. Ким ҳақу, ким ноҳақ. Ишни демократия асосида ҳал қилайлик

- кўпчилик қайси томонда бўлса, шу ишни қилайлик. Шунга қараб иш тутайлик.

Тоҳир ҳал-қилувчи сўз ўзига берилганидан биров каловланиб қолганди. Айни дамда ўзини кўзи боғланган Фемида каби тутаетганди ва ўзларининг қамалиб кетиш, кетмасликлари фақат ўзигагина боғлиқдек туюла бошлади, агар улардан бирининг ёнини олса ва бу хато бўлиб чиқса кейин булар тинч кўймастикларини билгани учун оғир ўйга чўмди. Орада Журналист гап қўшди:

- Ўйланг, ўйланг... Курка ҳам ўйлаган...

Унинг орадаги оғир вазиятни юмшатишга уринган бу ҳазил Тоҳирга ёқмади, Халим ака ҳам қошларини чимириб, "қаллага шу пайт ҳазил сиғадими?" дегандек ўқрайиб қўйди. Унга жавобан Журналист ҳам "давлатнинг байроғидан труси қилиш ҳақидаги фикр синган қаллага ҳазил сиғмайди", дегандек қилиб олайиб қарадию, индамади. Тоҳир ўзининг изат-нафси топталган ҳисоблаб, Халим аканинг фикрига овоз берди:

- Ҳозир байрок излаган билан топишимиз қийин, ҳеч ким кутиб ўтиргани йўқ бизни бу матоҳ билан. Яхшиси, прокурорнинг олдига борамиз, тушунтирамиз, керак бўлса унинг ўзидан ортикча байроқ сўраймиз, ҳар ҳолда давлат идораси, керак бўлади деб олиб қўйган бўлса эҳтимол.

Журналист ҳамроҳларининг нафақат ёнини олмаганларидан, балки нақадар аҳмоқликларидан ҳайрон бўлиб ноилож қолганди. Ҳар ҳолда у бу иккаласи ҳақида шундай-шундай фикрга борди.

-9-

Уч қаҳрамонимиз биров трактор билан судрагандек бўлиб, туман прокуратураси томон йўлга тушганида, Алишер ички ишлар бўлимининг зах хибсхоналаридан бирида, мушукнинг кўзидек кичик туйнукчадан тушаётган ёруғга қаноат қилганча, тахта қароватга узала тушиб, оёқ сарисиди ўтириб, бошини чангаллаганча "мен эшик, мен аҳмоқ" деб ўзини сўкиб ётган ҳамхонасига эътибор бермай шифтга термулиб ётарди. У ҳозирча нимада айбланаётганлигини билмасди, аммо Олмаҳон ҳақида жуда кўп суриштиришаётганди, байроқ ҳақида эса бир оғиз лом-мим дейишмаганди. Алишернинг ўзи ҳам байрокни деярли ўйламаётганди, эсида ҳам йўқ эди.

Худди шу пайтда уйга бориб ухлайман, деб кетган Шоир ўзининг диванига думалаб ётар, бироқ кўзига уйку келмаётганди. Айни пайтда бунинг мавриди эмаслигини жуда яхши билиб турарди. Ҳамроҳларидан қанча аччиғланмасин, улар кетадиган бўлса ўзига ҳам яхши бўлмаслигини ич-ичидан сезиб турганлиги сабабли, бир чорасини қилмаса бўлмас-ов, деган ўйда боши хум бўлганча минг хил тактикалар ўйлаб ётарди. Аммо уларнинг бирортасини ҳам амалга ошириб бўлмасди.

Ниҳоят бу ётиш бўлмаслигини ҳис қилиб, юраклари сиқилиб кетавергач ўрндан турди. Бу пайтда уч йигитимиз баҳслаша- баҳслаша, прокуратура томонга кетиб бўлишган, кўчада уларнинг қораси туғул, чанги ҳам кўринмасди, фақат пахта теримдан қайтаётган, ўзларича бахтиёр инсонлар, чанг босган чехраларини мамнун илжайтиришганча, ўтиб боришарди, холос. У телефонни олиб, танишларига кўнғироқ қила бошлади. Дастлаб, ҳар доимгидек, табиий бир тарзда ягона суянган тоғлари - Салим акага, ҳолбуки ҳозиргина у ердан умидлари пучга чиқиб қайтиб келган бўлишганига қарамай, кўнғироқ қилди. Яна бояги гап. Кейин райкомда ишлайдиган, Журналист "бакирок" деб атайдиган Қаршиевга, унинг исмини, назаримизда ҳеч ким билмасди, чунки шу пайтга қадар бирор киши отини айтиб қақирмаган. Ёш боладан тортиб, кампирларгача уни шу фамилия билан атарди, кўнғироқ қилди. Бор-йўғи йўриқчи бўлиб ишлашига қарамай, туманнинг катталаридан бири эмасми, ҳаммани пахтага юбориб, ўзи хонасида терилган пахталарнинг ҳисобини қилиб ўтирган экан чамаси, ёки келгуси ишлар учун куч тўplash мақсадида ухлаётган бўлган, ишқилиб хонасида экан.

Шоир овози энди уйқуси бузулган кишиникидек хириллаб чиқаётган Қаршиевга байроқнинг труси қилинганлигини айтиш ўнғайсизлигини сезиб, гапни узоқдан бошлади:

- Қаршиев ака, сизни ишдан қўйиб, безовта қилган бўлсам минг бор узр, лекин маслаҳатингизга жуда муҳтожмиз. Муҳаррир давлат рамзларига хурмат руҳида мақола ёзиш тўғрисида курсатма бериб кетганиди, шунини ёзиб ўтирибман, уч қоғоздан ошди. Аммо бир савол туғилиб қолди, байроқни, дейлик, йиртганлик учун жиноий жавобгарлик масаласи қандай бўлади? Ҳар ҳолда сизни юрфакни тамомлаган, деб эшитганман, кейин давлат одамисиз, арбоб, десаям бўлади.

Симнинг нариги учида уйқусираб турган кишига унинг мактовлари ёғдек ёқиб тушаётганиди, бироқ негадир камдай туюлди ва яна давоми бўлармикан, деган ўйда кутиб турди. Шоир эса "бу бақироқнинг шаънига тегиб қўйдим чамаси, ёқмади, пединститутни меҳнат таълими бўлимини тамомлаганимни устидан қулаятти деган ўйга борди, шекилли", деб хавотирга туша бошлади. Ниҳоят Қаршиев тилга кирди:

- Юрфакни эмас, институтни юридический йўналишдаги бўлимини тамомлаганман, - у тамоғини кириб, овозини ростлаб олди. - Давлат рамзлари ҳақида гапирилаётган бўлса, уни йиртиш...

У бу ёғига нима дейишни билмай қолди. Ҳар ҳолда бу унга тўйларда бақириб, маъруза айтиш ва шеър ўқиш эмасди.

- ... Хали сиз нима дедингиз? Жиноий... эсим курсин, жавоб беради, дедингизми? Жавобгарлик?! Ҳа шундай, жиноий жавобгарлик бўлади, оғир бўлади. Жавоб беради, канеччи, жавоб бермасе бўладими, бергандаям, қаттиқ жавоб беради.

Шоир англадики, ундан назарий масалада бирор нарсаи билиб олиш жуда мушкул, ҳеч бўлмаса, ҳокимият йўлақларида нима гаплар эканлигидан хабардордир, деган ўйда мавзунини мақсадга қарата бура бошлади:

- Кеча байроқ илгансизлар экан, райкомнинг олдида, жуда чиройли ҳишираб турибди.

- Шамол бўлаётганда ўзиям. Синоптиклар секундига 5-10 метр бўлади, дейишганди. Менимча у бир балони олиб келса керак. Ёмғир ёғиб берса, план ҳам расво бўлади, ўзиям жонга тегиб бўлганди, бироз дам оливолардик, эртадан кечгача тик оёқдамиз. Сиз билмайсиз, ташкилий ишлар жуда оғир. Циклонни шамол ҳайдаб келадими, ўзи?

Шоирнинг бурун жийриллаётгани, афт-ангори буришаётганлиги телефондан кўринмаслиги туфайли Қаршиев ўзича ақлли гапларни қалаштираётганиди. Аммо бу ҳамсуҳбат учун сира қизик эмасди.

- Бирортаси шу байроқни йиртиб кетса нима қиласизлар?

- Кимнинг жони нечта, йиртиб? Қизик гапларни гапирасиз, а. Ҳеч ким йиртолмайди. Мана биз турибмизку, қалқон бўлиб. Унақа фашист, унақа буржуй, унақа капиталист ва кооперативчи (у ўзига ёд бўлган бадийий тилдаги энг ёмон сўзларни ишлатиб бўлди) бизда умуман йўқ, туғилмаган ҳам. Сиз ҳеч хавотир олмаган. Биз давлатимизнинг байроғини йиртиб кетишларига сира йўл қўймаймиз. Ёзадиган мақолаингизга, менинг исму шарифимни битиб, икки нукта қўйиб, шу гапларни қўштиринок ичда тиркаб ўтинг.

Шоирнинг бир ам энеси қотдики, унинг бу мактанишларидан, бир фикри, деразангдан ташқарига бир қарачи, нимани кўрасан, галваре, демокчи ҳам бўлди, фақат чўчгани туфайли ҳам индамади. Ҳап, сеними, бир кун роса шармайдангн чикармасам, деб қўйди ўзига ўзи ва ишларига ривож тилаб, хайрлашди.

Шоирнинг кайфияти бироз ўнглашгандай бўлди, агар байроқнинг қорувлини гапи шу бўладиган бўлса, қолганларидан нима ҳам кутиш мумкин. Булар бирор ёмонлик қилишолмасалар керак, фақат энди асоеий душман сифатида милисалар қолади, ҳамма гап шуларда, улар билан ҳазиллашиш мумкин эмас. У боя Журналист

билан айтишиб келган бўлишига қарамай, барибир ич-ичидан хавотирланиб бораётганиди, кўчада қолган уч хамроҳи учун эмас, йўқ, балки ўзи учун, улар қўлга тушиб қоладиган бўлса, номардлар барибир бир амаллаб мени ҳам тортиб кетати, деган хавотирда эди. Шу ҳам иштирок этганиди, деб туриб олишадиган бўлса унинг бир ўзини гапи қимга ҳам ўтарди. Алишер бор, балки амакисилигини эътиборга олиб, унинг ёнини олиши мумкин, лекин унга ҳам юз фоиз ишониб бўлмайди, одамнинг оласи ичида, дейишганларидек, қўнғида нима бор унинг. Уни қўлга қақриб келишда, ЗиЛ олиб бераман, деганди. Бор-йўги ГАЗ-53 гаплашиб берди. Уям ваъда қилинганидек, ўзи айдарадиган эмас, сув ташийдиган. Шунга алам қилиб юрган бўлса, бир ўчимни оливолай дейиши мумкин.

Шоир шунга ўхшаш ўйлар билан, ўзининг соясидан ҳам чўчиб, яна аллақандай танишларига қўнғироқ қилди, ҳамхоналари байроқни юлиб олиб, ўзларига майка тиктиргани ҳақида (ҳар ҳолда труси, дейишга уялди) гапириб, энди нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлар сўради. Буларнинг ичида, банкда ишлайдиган Камол исмли йигит, мактаб директори, кутубхоначи қиз, болалар боғчасидаги тарбиячи аёл ва бошқалар бор эди. Уларнинг бирортасидан ҳам жўяли маслаҳат чиқмади, қайтага уларнинг деярли барчаси ўзича унинг устидан қулган бўлди. Чунки шу пайтга қадар хали бирор кимса байроқдан майка тиктирганини ҳеч ким эшитмаган, шу сабабли энди бундан буёғига нима қилиш лозимлигини билишмасди. Камол материалдан ортиб қолган бўлса, менга ҳам битта тиктириб беринг деб илтимос қилди, кутубхоначи қиз Насиба эса оқ қўйлак билан қизил майка кийиб бўлмайди, фақат футбол ўйнаганда ярашиши мумкин, деган маслаҳатни берди. Тарбиячи аёл эса майкани Ҳалим ақанинг хотини тикканини эшитиб, ярим соат унинг қўлидан тикиш келмаслигини, матони расво қилганлигини гапирди.

Шоирнинг хуноби ошиб, тўшакни жойига қўяр экан, бу қўлга яхши одам келмас экан-да, ўзи, бариси ё отаси ҳайдаган, ёки қаватдан тушиб кетган, деб қўйди. У бу сўзни қунига кам деганда икки-уч марта такрорлайди. Гапирганда ҳам барчанинг олдида, бақириб айтадики, бунини суҳбатдошларининг барчаси маъқуллайди. Ҳолбуки, ўзлари ҳам қўлга келганлари ташкил этишлари уларнинг эсларида йўқ.

Шоир нима қиларини билмай, турли хил хидлар анқиб ётган балқонга чиқди. Оёғи билан тешиб, сочилиб ётган нарсаларни бироз тартибга келтирган бўлди. Ўзи ёйиб қўйган узумларни айдариб кўрди, бижғиб, сувлари оқиб ётган узум доналарини кўрсаткич бармоғи билан туртиб қўриб, бу энди қачон майиз бўларкан, деган савол билан бироз ўзини чалғитди. Кейин ҳар бири ўзининг қалласидан уч-тўрт баробар қатталиқдаги қовун тарвузларга кўзи тушди. Буларни туман комсомол қотиби Қирон билан қайгадир борганда олиб келганди... Ёдига шу йигит тушдию яна телефон томон югурди. Унинг танишлари кўп, илтимос қилса, ёрдам бериши мумкин.

Шоирнинг Қиронни излаб қўнғироқ қилмаган жойи қолмади, ахийри, тўртинчи марта янгани безовта қилганидан кейин у эрини уйда эканлигини тан олишдан ўзга чораси қолмаганди. Ҳозир келдилар, деб тўшакни Қиронга берганида, Шоир, биламиз бу ўйинларни, деб мийғида қулиб қўйди.

- Ўтабек, пахтага чиқмай нима қилиб юрибсиз? - Қирон осмондан келиб, гапни сиёсатдан бошлади. - Биласизку, мен Қоневда масъулман. Режани тўлдиришга ярим қарич етмай турипти. Аммо бўшашираётганимиз йўқ, бугун уч фоиз бердик. Ишлашпиз. Ўзларингизда нима гаплар, сиз ҳам теримга чиқаясизми? Шуниси яхши, галва кам. Хоҳласангиз терасиз, кечки пайт келиб уйда бемалоюл ухлайсиз. Бизда бошқача, кечаю-қундуз ўша ёқдамиз.

- Бизда ҳаммаси тинчқуя, фақат бир иш қилиб қўйдик, тўғироғи бир иш қилиб қўйишди. - Ўтабек

дарров мақсадга кўча қолди. - Ҳалим акангиз билан Муса, ҳа шу, журналист, кеча райком биносининг рўнарасида СССРнинг байроғини ўнирлашибди, труси тиктирмакчи бўлган-да, тиктирган бўлса ҳам керак, аниқ хабарим йўқ. Шунини нима қиламиз, менгаку барибир-а, бечораларга қийин бўлди-да, биттасининг бола-чақаси бор, иккинчиси уйланмаган, - ҳаётлари расво бўлади энди. Шуниси етмагандай улар Алишер, билмайсиз, яқинда, одам бўлсин деб қишлоқдан олиб келганман, - билан Тохирни ҳам йўлдан уришган. Улар ҳам аралашиб қолган. Иштирокчи сифатида кетиб қолмаса гўрайдди. Гуруҳ бўлиб, давлатга қарши кўнорувчилик олиб борган деб қамаб юборишди-да. Шунга эндан маслаҳат сўраб кўнгирик қилаётган жойим. Нима дейсиз? Танишларингиз бўлса, шуларни ишга солсақ. Ҳар ҳолда бировга яхшилик қилиб ҳам қўйиш керак бу дунёда. Яхшиликни қилу сувга сол, балиқ билади, балиқ билмаса ҳолиқ билади, дейдику. Қамокдан чиқиб келишса раҳмат айтишлар, айтишмасе ўзлари билади. Йўқ, ҳозича камашганлари йўқ. Менимча дастлабки тергов ҳаракатлари кетаяпти. Қайси мода билан жинсий иш кўзга тилганигини ҳам билмайман.

Бунақа гаплардан кейин албатта комсомол котиби эсини йўқотиб қўйиши тайин, чунки ёшларнинг етакчиси бўлиш билан бир қаторда давлатга қарши уюштирилган жиноятни яширишга, жиноятчиларни оқлаиб кетиши учун ҳаракат қилиши унинг энди қадам қўйишга чоғланаётган амал пиллаполярини ўзининг қулоғи каби кўринмайдиган қилиб юбориши мумкин. Шу сабабли ҳам у Шоирга ёрдам бериш ҳақида ваъдаларни катта бериб, гўшакни қўйгани ҳамонок Райком котибига кўнгирик қилиб, газетанинг икки муҳбири, яна икки йигит давлатга ҳоинлик қилишда айбланиб, уларга нисбатан жинсий иш кўзга тилганиги ҳақида ахборот берди. Райком эса ўз навбатида милиция бошлиғига кўнгирик қилди. Ички-ишлар бўлими бошлиғи давлатга хийнат ишлари билан давлат хавфсизлиги хизмати шуғулланишини айтди. Райком шоша-пиша туман прокурорига кўнгирик қилди.

-10-

Прокуратура туман суди билан бир жойда, ички ишлар бўлимининг ёнидаги икки қаватли бинода жойлашганди. Бино ховлисида қовжираган ажриқлару, қийшайган икки туп чинордан бошқа ҳеч вақо йўқ. Бинога қиравериш эшигининг икки ёнида келувчи ва кутувчидар учун икки дона ўтиргич қўйилган, унинг ҳам тахталарини, бу ерга келиб, ўз ишларини битиролмаганлар, аламларидан синдириб ташлашганки, уларни икки донадан тахта зўрга ушлаб турарди. Чинорларнинг барглари эса алақачон сарғайиб бўлган, анча-мунчаси Журналистнинг бошидаги сочлари каби тўкилиб кетаяпти. Қираверишдаги эшикнинг ахволи анча хароб; фанердан ясалган экан, ўша пайтлари жуда русум бўлган қаратэ ишқибозлари тегиб, тешиб ташлашибди, эшик кўк ранга бўялган бўлишига қарамай, бўялмаган помидор яшиқларининг тахтаси билан ямаб қўйилганди. Журналист фахмли йигит сифатида буни жуда тез англади - тахтада қуриб, қоқи бўлиб қолган помидорнинг пўсти ёпишиб ётарди. Шуниси ҳам етмагандай, қишда эшикка пружина қоқишган эканими, тортеган кичирлаб, тайноз қизлар каби хоҳлаб, хоҳламай зўрга очилади. Ҳалим ака олдинда борар экан, уни торга туриб, трактор плугининг пружинасими нима бало, деб қўйди ичида. Улар бир амаллиб ичкарига кириб олишганда, эшик энг орқада келаётган Тохирнинг лўмбиллаб турган орқасига қарсиллаб урилдики, Журналист, "мана сизга Гукнинг қонуни" дейишдан ўзини тийелмади. Тохир эса ҳар доимгидек индамай снгли.

Прокурорнинг ҳонаси ўнг томонида эди, унғача яна иккита эшикдан ўтилди. Журналист бир нарсадан хурсанд бўлдики, уларда пружина йўқ эди, ахволи ҳам бир қадар дуруст. Чамаси бутун бошли бинода ҳеч ким йўқ эди: ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит. Тохир

прокурор йўқ бўлса яхши бўлардида, деган илинжда бормокда эди. Унинг бояғи мардлигидан асар ҳам қолмаганди, нафақат у, балки боя дангаллик билан, барчани шу томонга судраган Ҳалим аканинг ҳам нафаси чикмай келаётганди ва ўзича, Журналистнинг айтганини қилсақ яхши бўларди, ҳар ҳолда беҳавотирроқ эди, деб ўйлаб борарди. Аммо айтилган гап, отилган ўқ, Орқага қайтиш йўқ, бунга йигит кишининг ори йўл қўймайди. Асосий эшик ёнида учаласи ҳам дор остига келтирилган маҳкумлардек бир зум қотиб қолди, назарларида унинг нариги томонидан уч бошли аждар оғизларини лапг очганча буларни қутиб турибдию, қиришлари билан ютиб юборарди.

Ниҳоят Ҳалим ака эшикни тақиллатиб, очганида, ҳайхотдай катта хонанинг тўрида, қичкинагина бўлиб ўтирган, ёшлари қирқларга бориб қолган, лўппи юзли, сочлари сарғишдан келган ва сийрак, кўзлари катта-катта, ҳавонинг бир қадар иссиқлигига қарамай, костюм қийган, бўйинбоғ таққан прокурорга кўзлари тушиб, бироз ентил тортишди ва аждар эсларидан чикди.

- Ҳалим ака, келинг, - прокурор ўридан турмасе ҳам ҳар ҳолда овозини юмшатиб, тавозе билан гапирди. - Биз томонларга қайси шамоллар учирди?

Ҳалим ака фурсатдан фойдаланиб, прокурорга ўзининг олдида қарздор эканлигини эслатиб қўймоқчи бўлди:

- Мақола ёзмай қўйдингиз бизнинг газетага. Охиргиси жуда зўр чикканди. Қўй ўғрилари ҳақида эди. Жуда кўп хатлар олдик.

Аслида бу газета ташкил қилинганга ўн олти йил бўлаётган бўлса, шунча вақтнинг ичида нари борса ўнта хат келган. Шунинг ҳам бештаси Ворошилов номли совхознинг маданий оқартув ишлари бўйича директор ўринбосари Ўтбосаровдан. У киши шеър ёзишни хуш кўради, аммо ёзганлари ҳалига қадар шеърга ўхшамаган. Шоир уларнинг устидан неча қунлаб ишлайдямки, барибир тартибга келтиролмайдди. Букрини гўр тузатади, деганлари мана шу бўлса керак. У киши эса шеър битишни қўймайди. Шоир унга келаётган илҳом париларининг оналарини гўрт-беш қават қилиб сўккани билан улар ўз билганларидан қолмайди. Уч қун бурун у киши ўзлари келишга эриниб, яна ярим дафтар шеърларини юборган экан, Шоир норози бўлиб, Ҳалим акага кўрсатганди. У айни дамда шунга шаъма қилаяпти, шекилли.

Прокурор ўтирган жойдан турмади, йигитларимиз бориб, бирма-бир кўришиб, девор бўйлаб териб қўйилган стулларга ўтиришди.

- Вақт йўқ, - деди прокурор алламбало қоғозларга қўл қўяр экан. - Қўриб турибсизлар, иш кўп. Бир томонда жиноятчиликка қарши кураш, қонунийликни назорат қилиш, бошқа томонда пахта терими, ҳаммаси вақт талаб қилади. Ҳаммаси ҳам актуал масалалар, ўз вақтида ҳал қилмасангиз бўлмайди.

- Тушунамиз, тушунамиз. - Ҳалим аканинг хушомад қилаётгани овозидан сезилиб турарди, - фактларни берсангиз бўлди, бу ёғини ўзимиз текислаб ташлаймиз. Газетада чиқиб туриш керак. Тарғибот, ташвиқот деганларидай карьера қилишда фойдаси катта бўлади.

Ҳалим ака яна алламбалоларни гапириб кетдики, прокурорнинг ҳам, қолган икки йигитнинг ҳам энциси кога бошлади.

- Фактларни кейинроқ бераман, бир ажойиб жиноят иши бор, судда кўрилиб бўлсин... - деди прокурор буларнинг не мақсадда келганини тушунолмади. - Биздан нима хизмат?

- Хизмат йўқ-ку, бир маслаҳатли иш бор эди. - Ҳалим ака ниҳоят сал ошириб юборганлигини англади ва ёнида ўтирган йигитларга, кўрдинларми, мишиқилар, прокурор менга хизмат борми, деб сўрайди, дегандек маъноли қараб қўйдию гапини давом эттирди, - йигитларимиз сал шўхлик қилиб қўйган экан. Шунини энди нима қилсақ бўлади, деб сўрагани келгандик.

- Бирортасини номусига тегишибдими? – прокурорнинг саволи томдан тараша тушгандек бўлди.

- Афсуски йўқ. – Ҳалим ака оғир хўрсинди. – Оғирроқми, дейман-да... Ҳали сизнинг хабарингиз бўлмади?! Кеча райкомнинг биноси рўпарасига байроқ осибди экан. Йигитларимиз шулардан биттасини олишганими, ёки ўзи узилди тушган бўлса, кўтариб келишганими, ишқилиб шуни уйга келтиришгани, келиниги уни билмасдан, эрим мато олиб келди, деб, бузиб, алламбалолар тикиб юборибди. Энди миллисалар жиянимиз Алишерни қамаб қўйишган. Шунга сиздан маслаҳат сўрагани келгандик, нима қилайлик?

- Ҳеч нарса, – прокурор хотиржам эди. – Уйга бориб, дамингизни олаверинг, ҳали кечга яқин мен миллисаҳонага ўтаман, шунда жиянингни суриштираман. Аммо бу учун қамаб қўймаслик керак, балки бошқа нимадир қилгандир?

- Ҳеч нарса, – ишонч билан гапирди Ҳалим ака. – Ўзи қўй оғзидан чўп олмаган, уятчан, камтарин йигит, билмадим нима жин урдию, кўчада тупроққа беланиб ётган байроқни уйга келтирган. Ўзи бунақа одати йўқ эди. Биринчи марта, ўлай агар. Балки уям давлатимизнинг рамзи бу даражада хор бўлиб ётмасин, дегандир-да, Хотин эса йиртиб...

Ҳалим ака гапининг мазмуни қайси томонга кетаётганини кейин билиб қолди. Шу аҳволда бехотин қолиши мумкинлигини сезиб, шошиб гапини тўғрилашга тушди:

- Келиниги бечора ҳам билмаганда, кўпдан бери, икки метр алвон олиб келиб бераман, чиройли труси тикиб берасан, деб юрардим, адаси келтирган, деб ўйлаган-да. Эҳтимол шу байроқни хотин йиртмаган ҳам бўлиши мумкин. Ўғилчам бор, Сардор, жуда шўх, болаликда мен ҳам шундай эдим, шу ўйнашиб йиртган бўлиши ҳам мумкин, ахир болаларга жиноий жавобгарлик белгиланмайдигу, тўғрими? Аммо шу ўғлим ўзимга тортган, ёшлигимда мен ҳам шундай эдим...

Ҳалим ака зўр бериб гапириб ётганида икки йигитимиз тўмтайиб, бир-бирига термулиб ўтирарди. Тоҳир учун барибир, у дарсдан бошқа пайтда гапирмасликка ўрганган, аммо Журналистга қийин бўлаётганди: бировлар суҳбатлашаётган пайтда ўзининг қанқув гапларини мақоллари билан ўртага суқилиб турмаса, эшаги ҳаром котадигандек бўларди. Айни пайтда эса прокурордан чўчиб ўтиргани учун нафасини ичига ютишга мажбур. Аммо шу ерга келганда чидаб туролмади:

- Отадан ўғил, мохондан невара, – деди секингина пўнғиллаб.

Бу гапга, унинг хусусиятини билганлиги учун Ҳалим ака эътибор бермади, прокурор эса яхшироқ эшитмай қолганлиги туфайли, сўрашга уялди, Тоҳир учун эса у нима дейди, фарқи йўқ.

Прокурор улардан зерика бошлади. Ниҳоят қўлларини бир бирига ишқалаб, ўрнидан турди ва энди кетаверинглар дегандек қилиб, гап бошлади:

- Бу ҳеч ўйланадиган масала эмас. Уйга кетаверинглар, Алишерни эса, исми шундаймиди, кечга яқин ўтганимда сўрайман, ноқонуний ушлашган бўлса, чиқариб юбораман.

Шу пайт телефон асабий жиринглаб қолди. Прокурор гўшақни олар экан, хонадагиларга бораверинглар, дегандек қилиб, бошини қимирлатиб қўйди. Бироқ уларнинг кеткилари йўқ эди. Назарларида бу ерда аллақандай сир бўлса керак эди, чунки, прокурорлар ўз олдига жиноятини бўйнига олиб келган кишиларни шунчалар осон қўйиб юбормасликлари керак эди. Уларда шубҳа уйғондики, балки буларни терговдан қочиб юрган шахслар сифатида уйларида қўлга олишар. Эҳтимол шундай қилинса буларга мукофот пули кўпроқ ёзилар. Йигитларимиз буни аниқ билишмасдики, шунинг учун ҳам ҳар хил тахминлар қилишаётганди.

Прокурор эса ким биландир тавозе қилиб гаплашаётганди, Журналистнинг сезишича кўнғирок

тепадан бўлса керак, чунки унинг овози жуда ингичкалашиб, мулоиймлашиб кетганди:

- Давлат хавфсизлик хизмати томонидан дейсизми? Билмадим, менинг хабарим бўлмади, вилоятдан келган бўлиши ҳам мумкин. Биласизку, улар ўз ишларини ўта махфий тарзда олиб боришади. Аммо... бу ерда бир гап бор. Бизга ҳам гап тегади, назаримда. Шунча машааша бўлсаю, биз анқовсираб ўтираверсак, яхши гап бўлмайди шайнимизга. Тезкор чораларни кўриб қўйиш керак. Ҳеч бўлмаса қўлга олиб қўйсак, келишганда, мана биз ушладик, олдиндан хабаримиз бор эди, кузатаётгандик, деймиз. Бўладими? Бўлмаса аҳвол оғир.

Прокурор қўли билан қаҳрамонларимизга “қолинглар” ишорасини қилди. Улар бир-бирларига хайрон термулишганча, жойларига қайтиб ўтиришди. Улар прокурорга райком котиби кўнғирок қилаётганини ва Қирондан эшитган гапларининг ёнига қўшиб-чатиб айтаётганини билишмади. Шунингдек улар раҳбарлар ҳар қандай гапни мутлақ ҳақиқатдай, улар барча нарсаларни аниқ билишларидай гапиришларини билишмасдилар. Шу туфайли Қирондан эшитилган гаплар унинг оғзидан давлатга қарши содир этилаётган жиноятни очишда шахсан ўзи иштирок этаётгандай бўлиб чиққанди.

Суҳбатлашиб бўлганидан кейин, прокурорнинг кўзларида ўт чакнаб, қувноқ оҳангда деди:

- Эҳ-х, Ҳалим ака-я, овиб-ёзиб келиб қолибсиз-ку, ҳеч бўлмаса, бир пиёла чой қилиб бермасам бўлмас. Сизлар шу ерда ўтира турингизлар, мен бораману, Ортикалига чой буюриб келаман. Зумда қайнайди. Ичиб кетасизлар.

У шундай дея, стол устида ёйиб ташланган қоғозларини йиғиштириб, сейфга солди ва қулфладию ташқарига чиқиб кетди.

Ҳалим аканинг мағруланганидан оғзи қулоғига етди:

- Кўрдиларингизми? Ҳар ҳолда ўзимга яраша обрўйим бор. Прокурорлар чой қўйиб берамиз, деб югуриб юради. Фақат Салим билан сизлар унчалик ҳам кадримга етавермайсизлар-да. Майли, бир кун келиб тушуниб қоларсизлар.

Журналист бу ҳолдан жуда хайрон қолди. Унингча прокурор Ҳалим акани бунчалар ҳурмат қилиши керак эмасди. Нахотки у қўй ўғрилари ҳақида чиқарилган бор-йўғи саккиз қаторлик хабарчага шунчалар ҳурсанд бўлса. Журналист бир совхоз директори ҳақида бутун бир бошли очерк ёзганида ҳам, эртанси кун кўрганида, саломига алик олмаган. Тоҳир эса мухбирларнинг ишини, прокурорларнинг муомаласини унчалар фаҳмига етавермаслиги туфайли индамай, ҳеч нарсадан шубҳаланмай, аслида шундай бўлиши керакдай бамайхотир ўтирарди.

Тезда прокурор ҳам қайтиб келди.

- Ҳозир айтдим, чой қўйишди бир пастда қайнайди, бир отамлашайлик, қанча вақтдан буён орзу қиламан, ҳеч имконини тополмаётгандим. Давлатнинг иши деб ўлиб кетиш керакми энди, унда-бунда бир-биримизнинг ҳам кўнғилимизни олиб қўйсак ёмон бўлмайди. Одам одамга ғанимат, ахир.

Унинг мулозаматлари қанчалар ёқиб тушаётган бўлишига қарамай Ҳалим акани ноқулай аҳволга солиб қўяётганди. Қолганларини айтмаса ҳам бўлаверади.

- Рухсатингиз билан биз борсак, – деди Ҳалим ака тезроқ бу хижолатпазликдан қутилиш учун. – Бизнинг яна борадиган жойларимиз бор эди. Насиб қилса бошқа вақт бир алоҳида ўтирамиз. Сизни ҳам вақтингизни олмайлик, давлатнинг ишидаги одам бўлсангиз.

- Бир пиёла чойсиз сизларни ҳеч қаерга қўйиб юбормайман, – прокурор сўзида қатъий туриб олди ва ўрнидан туришга улгурган йигитларни мажбурлаб ўтказди, – ўзбекчиликка тўғри келмайдиган ишни қилайсизлар. Шундай мўтабар меҳмонларнинг қуруқ кетиши биз учун уят ҳисобланади. Бир пиёла, бир



пиёладан ичамиз, бўлди, сизлар ўз йўлларингизга, мен ўз йўлимга кетаверамиз.

Орага ўлик сукунат чўмди. Прокурорнинг нимадандир безовталиги сезилиб турарди, аммо у ўзининг ноўхшов қилиқлари билан буни кўрсатмасликка ҳаракат қилар ва қутилган нарсанинг тескариси келиб чиқарди. Қаҳрамонларимиз эса ўзларини бировнинг тарелкасига тушиб қолгандек сезаётганди: кетай деса, қўймапти, қолай деса, гапирадиган гапларнинг барчаси айтилиб бўлинди, энди мавзу бўладиган нарсанинг ўзи йўқ. Бундан ташқари ҳар куни ҳазиллашиб юришган танишлар бўлишса экан, бемалол ундан-бундан гапираверишса. Бундай пайтда мавзу танлаш мушкул, уни дўндириб гапириш ундан-да оғир.

Нихоят Журналистнинг сабри чидамади, бу ўтиришда вақт ўтган сайин ўртадаги вазият оғирлашиб бораверишини анлагани учун ўнг келган мавзуда гап бошлади:

- Пахта терими сиёсий масалакуя, аммо шунга айрим раҳбарлар эътиборсиз қарашаяпти, – деб гапни расмий бошлади ва қолганини билганидай гапириб кетди. - Битта эчки сўйдим, ярми ҳалигига чиқди, дейишган экан машойихларимиз. Ҳозирги терим шундай бўлаяпти. Ўн кило пахтага уч кило тупрок, саккиз кило ҳар хил хасу чўп аралаштиришади. Шунинг ҳам ҳеч эътирозсиз олаверишади. Қўшиб ёзиш деган гаплар ўтиб кетган бўлишига қарамай, ҳали ҳам айримлар шу иш билан шугулланишадими, дейман-да. Агар айтсам ишонмайсизлар, ҳатто айримлар, пахтанинг устига сийиб келишади, оғирок чиксин учун. Инсофи борлар сувга ботиришади. Ўтган куни Камол бир этак қилиб сийса бўладими. Этакнинг остидан суви оқиб келаётганди, табелчимиз кўриб қолиб раса даққи берди. Камол ҳам анойи эмас. Ариқдан сакраб ўтаётганимда йиқилиб, сувга тушириб юбордим, деганди қўли билан этакнинг ҳўл жойини ушлаб, бармоқларин ялаб кўриб, шўр экан, зовурга йиқилибсан-да деб ишонди. Сиз прокурор сифатида шунга нима дейсиз, қонун бўйича унга чора кўриш мумкинми?

- Ҳа, энди, – прокурор дабдурустан берилган саволдан қаловлиниб қолди, – албатта пахта бизнинг ризқ-рўзимиз, унга сиймаслик керак. Аммо қонунларимиз гуманизм ва плюрализм (бу сўз эндигина русумга кираётган пайтлар эди, маъносини эса ҳали кўпчилик яхши билмасди, шунинг учун ҳам айримлар, шулар қатори прокурор ҳам бу гуманизмнинг синоними бўлса керак, деган ўйда эди) асосида яратилган, биринчи навбатда инсоннинг манфаатлари кўзланади. Шу сабабли ҳам пахтага сийиш жиноят деб ҳисобланмайди.

- Демак мумкин экан-да. – Ҳайрон бўлиб қолди Ҳалим ака. У неча йиллаб пахта тергани ҳолда кўрққанидан шу ишга қўл урмагани учун ўзидан ич ичидан норози бўлди. – Қонун тақиқламаган барча нарса мумкин, деган гап бор-ку, тўғрими?

Прокурор қаловлиниб қолди:

- Бу мумкин деганим эмас. Ҳаётда шундай нарсалар борки, уларни қилиш ярамайди. Одамда, ҳайвонлардан фарқли ўлароқ виждон деган нарса бўлади. Унинг овозига қулоқ осиб яшаш керак ҳар доим...

Худди шу маҳал хонага бояги, навбатчилик қисмидаги капитан, унинг орқасидан яна беш нафар милиционер, қўлларига тўппончаларини ялонғочлаганча, олдинма кетин, ур-сур қилиб кириб келишди.

- Ўртоқ прокурор жиноятчилар қани? – капитан ўтирганларга эътибор бермай, тўрға томон юрди.

- Ана, – прокурор қўли билан уч йигитни кўрсатди ва уларга қарата деди. – Қаршилик кўрсатиш беҳуда. Таслим бўлинглар. Давлат хавфсизлик хизмати томонидан сизларга нисбатан жиноий иш кўзгатирилган. Сизлар давлатга хиёнат қилишда айбланасизлар.

Уч қаҳраонимиз учун бу қутилмаган ҳол эди, шундай бўлишига қарамай, улар қачонлардир шу ҳол юз беришини ҳис қилиб туришарди. Улар индамай

ўринларидан турдилар ва қўлларини кишан солиш учун одинга қарата чўздилар. Боя булар билан роса отамлашган капитан олдиниға роса ҳайрон қолди, кейин давлатга хиёнат қилиш деган гапларни ҳаёлан магзини чақиб, булар боя милисахонага ҳужум қилиш ва қуроқларни эгаллаш учун боришган экан, менинг ҳушёрлигим туфайли жиноят содир этилмай қолган, деган хулосага борди ва шунинг прокурорга айтмоқчи бўлдию қўлларини олдинга чўзиб турган уч жиноятчиға кўзи тушиб, боя улар билан дилкаш суҳбат қилгани ёдига тушди, майли кейин, буларнинг йўғида айтарман бу гапларни, бўлмаса ўнғайсиз, деб ўзини тинчлантириб, уларнинг қўлларига кишанларини сола бошлади.

Ҳозиргина банкни кўриқлаб турган милиционерлар эса ўзларини нега бу ёқларга олиб келишганларини тўлиқ англаб етишганлари ҳам йўқ эди. Улар буларнинг учаласини ҳам жуда яхши танишарди. Туман ташкил этилгандан буён бу ерларда давлатга хиёнат қилган одамлар чиқмаганди. Шунинг учун ҳам милиционерлар, буларга ҳайвонат боғидаги маймунларга термулгандек қараб қолишди. Бир-иккитаси ўзлари оламшумул тарихий воқеада иштирок этаётганидан мағрурланиб ҳам қўйди. Энди бизни қанака муқофотга тавсия этишаркан, деган ўйда ҳаёлан, давлатнинг энг олий нишонларини бирма бир санай бошлашди. Жиноятчилар эса чўкиб қолган, шумшайиб ўтирарди.

- Кимдир виждон ҳақида гапиргандай бўлдимиз? – Журналист бошини ҳам қилиб хонадан чиқар экан, индамай кетаверишни ўзига эп кўрмади. – Ҳалиги қилганда “дилбарим” демаган... Ҳалим ака, айтдим сизга, ўпкангизни босинг, деб. Гапимга қирганингизда, ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек кечарди.

Унинг бу гаплари прокурорда бадттар шубҳа уйғотди. Булар жуда катта кўпоровчилик ишлари олиб боришмоқчи бўлишгаётган экан-да, қўлга олиб, боқладик, деб қўйди ҳаёлан.

Уларни ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Прокурор эса зудлик билан олдин райком котибига хавфли жиноятчилар қўлга олинганини, уларни ушлашда ўзининг бошчилигида бир гуруҳ милиция ходимлари мардик ва жасорат намуналарини кўрсатганини айтиб, ахборот берди. Кейин эса вилоят прокуратурасига, давлат хавфсизлиги бошқармасига давлатга қарши жиноят содир этишда айбланаётган шахслар гумондор сифатида ушлангани тўғрисида кўнғирок қилди. Бу хабар зудлик билан Тошкентга, у ердан эса Москвага етказилди.

-11-

Ички ишлар бўлимининг ҳибсхонасида, ҳали айтганимиздек Алишер зеркиб, яна бир киши, ўзининг аҳмоқлигини таъкидлаб ўтирарди. Бизнинг уч нафар қаҳраонимизни келтириб, уларнинг ёнига тикишаётган пайтда ҳам вазият ўзгармаганди. Алишер ҳамроҳларини кўриб, роса хурсанд бўлди ва ҳатто шу пайтгача бирор марта қилмаган иши, уларнинг ҳар бири билан кучоклашиб, ўпишиб кўриша бошлади:

- Бахай, бахай, сизларни қайси жин урди ва қайси шамол учирди бизлар томонга?

Йигитлар унинг саволига жавоб бергилари келмади, аниқроғи улар бундай аҳволда эмасдилар.

Тахта ўриқдининг бир чеккасида ўтирган ҳалиги киши эса буларнинг қилиқларига бир марта эътиборсиз қарадию яна бошини чанғаллаганича, хун бўлиб ўтираверди. Зах ва нимқоронғу хонада унинг афт-ангорини тузукроқ англаш мушкул эди, аммо ғам-андуддан чўкиб қолганлиги шундайгина сезилиб турарди: қовоқлари ичкарига тортган, соч-соқоли ўсган, эғнидаги нейлон қўйлаги ва уч сўмлик шими (Журналист болаликда бунақа шимлардан қанчасини додини берган, айни пайтда, дўқонларда кийим осиб учун дор қиладиган арқондан ўзга ҳеч вақони топиб бўлмайдиган ва 2 апрелдан бошлаб нарх-навонинг оммавий ошиши натижасида бу шимни уч сўмга топиш мушкуллигини у жуда яхши биларди, аммо бу киши уни шу нархда олгани

аник) қирланиб, ғижим бўлиб ётарди. Тохир Алишернинг шишган қовоқларига қарар экан, унинг роса қийналганлигини сезди, бироз раҳми ҳам келди, кейин ўзининг аҳволи уникдан яхши эмаслигини англаб, бу ерга Алишерни кўргани эмас, балки қамокқа олиб келишганлари ёдига тушганди, бу ерда қандай қилиб, дазмолланган шимим билан ухлар эканман, деган ўйда, ён атрофга қарай бошлади. Хаммадан бурун ўнгайроқ жой бўлса эгаллаб олиш илнжиди эди. Журналист эса ҳалиги кишига зимдан раиз солар экан, Гюго ўзининг қамбағал қахрамонларини мана шундай тасвирлаган деган ўйга борди ва ҳаёлан кейинчалик, қамокдан чиқиб, қатта ёзувчи бўлиб кетганида тасвирлаш учун унинг туриш-турмушини эса сақлаб қолиш мақсадида қайта-қайта тикила бошлади.

Халим акани, ҳаётнинг оқу қорасини кўрган киши сифатида, қайда ётиш, кейинчалик қимнидир қандай тасвирлаш масаласи қийнамади, уни ҳаётнинг фалсафаси – ўзининг қамалиши сабабиди юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар қизиқтирарди, хотин, болалар, эл-юрт олдидаги обрў, иззат ва шу қаби минглаб майда-чуйда, керак-нокерак нарсалар унинг кўнглини кемириб борарди.

- Сизларни қайси айб билан қамашди? – Алишер саволни бошқача тарзда кўндаланг қилиб қўйди.

- Шу-да, сизга қўйган мода билан айблашаяпти, менимча. – Халим ака бу ерда кўпроқ ўтириб, тажриба тўплаб олган Алишерга ҳурмат билан жавоб берди. – Нима дейишяпти ўзи булар, қўйиб юборадиган чўтлари борми, ёки ўттиз еттинчи йилдагидек чиритиб юборишадими?

У пайтларда ўтиз еттинчи йилларнинг ваҳималари энди-энди ошқора айтилиб келинаётган пайтлар эди. Шундан Халим ака ваҳимада эди, тўғрида, деб ўйларди ўзича, бизни йўқ қилиб юборган билан орқамиздан қим суриштиради. Бу тушкун кайфият унинг овозидан, ўзини тутишидан ҳам яққол сезилиб турарди.

- Сизлар ҳам мол ўғирладиларингми?

Бошини чангаллаб турган бегона киши уларнинг гапидан дадилланиб, ўзига ҳамдардлар келганини сезиб, сўради. Бу Журналистга сира ёқмади. Не қулларга қолдики, мол ўғрилари билан бир хонага тикиб қўйишса.

- Йўқ, биз сиёсий маҳбуслармиз. – дея кўрс жавоб берди ва гап тамом дегандек тесқари қаради. Халим ака эса унинг жиддий хатосини тўғрилади:

- Маҳбус дегани суддан кейин айтилади, биз гумондорлармиз, ҳолос. Кинотдан ўқиганман.

- Фарқи нима, – бўш келмади Журналист ҳам. – Бугун гумондор, эртага айбланувчи, индин эса маҳбус бўласиз. Инсоннинг тақдири булар учун шашқанинг донасидай гап, бунисини у ёққа, унисини бу ёққа қўйишаверади, ёқмаганини эса, қурбон қилиб юборишади.

Уларнинг тушкун гап-сўзлари Тохирни жуда безовта қила бошлади, у ўзича энди ҳаммаси тамом деб ўйлади, инсонни мана шундай хонага қамаб, устидан қулфлаб кетишни сира ҳазм қилолмаётганди. Бир қарич материал учун одамни шунчалар ҳўрлаш ҳеч бир адолатта тўғри келмаса керак, деб ўйларди.

- Наҳотки энди қайтиб озодликка чиқмаймиз, деб ўйласангизлар? – у бу саволни қимга бераётганини ўзи ҳам билмасди, фақат сўник нигоҳларини боғти бегона кишига қадаб турарди, ҳолос.

- Чикамиз, жуда унча нафасингизни совуқ қилманг, – ўзича кўтаринки кайфиятда гапирди Журналист. – Наридан борса ўн йил беришади. Достоевский ҳам ўн йил “ўтириб” чиққан. Ҳозирги кунда оммавийлашиб бораётган Солженитсин, деганлари ҳам роса қамокнинг нонини еган. Шундан қатта асарлар ёзишган-да.

Уларнинг қамокдан кейин машҳур асарлар ёзгани Тохирга унчалар тасалли бермади, Халим акага ҳам ёқмади. Бундай сасиқ хонада бир кун ўтиргандан кўра, умуман ҳеч нарса ёзмай, номсиз бу дунёдан ўтиб кетган

минг бора афзал, деган хулосага борди. Журналистга эса машҳур кишиларга яқинлашиб бораётгани бироз далда берди ва ўзидан фахрлана бошлади ҳам.

Ҳамхоналари эса янги келган меҳмонларнинг ўзига нисбатан истаб-истамай муомалада бўлаётганларига қарамай уларни тинч қўйиш нияти йўққа ўхшайди. Ўртада бўлаётган гап-сўзларни эшитиб, бироз чехраси очилди ва гапга суқила бошлади:

- Бизда ҳозир сиёсийлар кам, тажрибамдан биламан. Бу “ўтиришим” учинчиси. Турмалардан шу яқин атрофда бўлмаган жойим қолмаган, ҳисоб. Аммо бекорга хавотир олаяписизлар, ўн йил бермайди, қаттаси беш йил. Қолганини турмадан ўзлари баҳона топиб қўшаверишади.

Қахрамонларимиз қанчалар тушкун кайфиятда гапирмасинлар, ҳали қамалмасликларига кўнглиларининг бир бурчаги билан ишониб ўтиришарди. Бу совуқнинг хунук гаплари эса шу ишонччи ҳам чипакка чиқарди. Ҳар ҳолда турма кўрган, тажрибаси бор экан, адашмаса керак.

- Ё, қандай қилиб тирик инсоннинг устидан қулф уриб кетиш мумкин?! – Тохир ҳалигача шу ўй билан чиқишолмаётганди. – Тўсатдан ер қимирлаб қолса, сув босса, уй ёниб кетса нима бўлади, нини сув босган қаламушлардай ўлиб кетаверамизми? Инсонийлик деган тушунчалар қайда қолди?

Журналист унинг ҳам шунақанги гапларни билишига ҳайрон қолди ва ўзича мажбур бўлсанг жуда чечан бўлиб кетаркансан-ку деб қўйди. Бу пайтда Алишер қаттиқ тахтага ботиб кетган кетини қоқиб, уюшган оёқларини ёзиш мақсадида “бир-икки” деб бадантарбия қила бошлади ва қолганларнинг кўнглига тасалли беришни ҳам унутмади:

- Бу ер ўйлаганларингчилик ёмон эмас. Жуда қистаб кетса эшикни бир-икки тепсаларинг, келиб айлантиргани олиб чиқишади, бўлавермаса, ана, – у бурчакдаги бўёқдан бўшаган тулуқа идишни кўрсатди, – ишқилиб коммунал хизмат лозим даражада йўлга қўйилган. Энди, мана ҳаммамиз йиғилиб олдик, зерикмаймиз ҳам. Фақат Шакар билан Ўтабекниям бир амаллаб чакиртирсак, бекаму кўст бўлиб ўтираверамиз. Телевизорнинг йўқлиги бироз кайфиятни чўқтирадику, чидаса бўлади.

- Ўзи сизни нима учун келтиришган экан? – Халим ака оҳ-воҳ билан иш битмаслигини, эндин асосий вазифа бу ёғини келишиб олиш лозимлигини тушуниб етганди.

- Билсам ўлай агар. Кечаси нима иш қилганимни роса сўраб-суриштиришди. Айниқса Олмаҳон билан қизиқшди. Унинг қорасини ҳам кўрмаганлигимни айтдим. – Алишер ниҳоят мавзу қайтиб яна ўз жойига келганинидан хурсанд ҳам бўлди ва қатлақдек хонанинг у ёғидан бу ёғига бориб кела бошлади. – Аммо менга ҳали бирор айб қўйишганлари йўқ. Нимага ушлашганларини ҳам айтишмади.

Хонанинг торлиги унга илҳом билан нутқ қилишга ҳалақит бераётганди. Энди жўшиб гапираман деса, Халим аканинг тўмшайган башарасига тегиб кетарли тарзда яқинлашиб қолади, орқага бурлиса Тохирнинг хўмрайган нигоҳлари билан тўқнашиб кетадики, ўзини қўярга жой тополмай қолади. Бу ерда манфаатлар хона қадр торайиб, бир бирига ҳалақит берарди.

- Эрталаб бўлмаган иш қолмади, демаганминдингиз? – сергак Журналист ўртага ўзининг қўпол саволи билан суқилди. Аммо Алишер ҳам анойилардан эмас, ўзининг мулоийм жавоби билан саволни келган жойига олиб бориб қўйди:

- Ўтабек бўлганда сизга тушунтириб берарди, “-ма” деган қўшимча инкор маъносини беради, тўғрими? Менинг гапимда иккита инкор бор, бу икки қарра ҳеч нарса бўлмади, дегани. Сўломқондай журналист шунини билмай ўтирганингиздан кейин мен қайга бораман.

Журналист тортишишга хоҳиши бор эдику, бироқ унинг ҳақлигига ишонмай қолди. Айни пайтда қалласи бирор нарсани берилиб ўйлашга ва мантиқий хулоса

чиқаришга кодир эмасди.

- Мен бўлса, эргалабгача бир ишлар қилибсиз-да деб алам билан юрибман. Бўлмаса, шунча вақт нима билан шуғулланингиз?

Алишернинг кўрққани мана шу савол эди.

- Нима қилганимни терговчига айтдим. Эрта-индин суддан кейин мақола ёзиш учун ҳукмнинг нуҳасини олиб, ўқиволасиз. Ўзларингиз нима иш билан тушиб ўтирибсизлар, айтиларингиз келмайди?

- Нима иш бўларди, сизнинг трусингизни йиртиғи касрига қолиб ўтирибмиз. - Журналист гина-кудрағни бошлади. - Ҳаммаси ўша - трусингизнинг йиртигидан чиқкан гапдан бошланди. Байроқни сизнинг орқангизни беркитиш учун йиртиб олгандик. Ўшани деб бугун мана, камалиб ўтирибмиз. Эшитган қулоққа ҳам уят бўлди.

- Кўйсангизчи, - Алишер унинг гапига ишонқирамай қаради. - бир парча латга учун камашлари мумкин эмас, бунинг вақти ўтган. Сталинни замонида яшамаяпмизку, ахир.

- Худди шундай бўлди, - гапга Ҳалим ака аралашди. - Ташаббуснинг ҳаммаси сиздан чиққан эди, эсингизда бўлса. Терговда ҳам шуни бир бир такрорлаб ўтишингизни илтимос қилардим, токи бошқаларга сал бўлсада энгиллик берилса.

Орада кескин мунозаралар бошланиб, тўрталаси улоқни тўрт томонга торта-торта, охири бир тўхтама келишди: нима бўлишидан қатъий назар ҳеч нарсани тан олмаслик.

-12-

Шоир кўнглига қил сиғмай, "булар қай гўрга даф бўлишди экан, ҳаммалари тил бириктириб, менинг бошимга етишмаса гўргайди", деган хавотир билан диванида тўлғона-тўлғона, ухлаёлмагач, боғчадан ишдан қайтган янга - Ҳалим аканинг хотинини ёнига чиқиб, унинг юрагига гўлгула солиб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай, бўяб-бежаб айтиб турганида туман прокуратураси ва ички ишлар бўлимида суриштирув ишлари авжида эди. Туман ташкил этилганидан буён бунақаси сира бўлган эмас: бир кечанинг ўзида қиз бола йўқолиб қолган, уч киши давлатга қарши (ким билади қанақа) жиноят содир этган. Мол ўғриларини излашдан бўшамайдиган милиция ходимлари учун бу ҳол фавқулодда ҳисобланарди. Вилоят марказига, давлат хавфсизлик хизматида кўнғироқ қилинганда, улар ҳеч қанақа давлатга хиёнат жиноятдан хабарлари йўқлигини, агар факт аниқланган бўлса зудлик билан тўпланган материалларни тақдим қилишлари лозимлигини айтишди ва бу ҳақда Тошкентга ҳам маълум қилинганини билдириб, тўрт кишидан иборат нуфузли комиссияни ишни текшириш мақсадида туманга юборишди. Прокурор эса ўсал бўлиб қолди: бу машмашалар уни адоий тамом қилганди, ушланган гумондорлар нима жиноят қилган, уни ким аниқлаган, жиноят ишнинг ким кўзгатган, ўйлаб охирига етолмаётганди. Ички ишлар бўлимидагилар эса, уч йигитни қамаб қўйинган бўлишига, прокурор ҳар икки дақиқада вазият ҳақида сўраб турганига, воқеага аниқлик киритишни сўраётганига қарамай, беғам эди. Кимсан прокурорнинг ўзи кўрсатма берган уларни қамаш учун ва ўзи жавоб берсин.

Прокурорнинг хуноби ошгандан ошиб, тепадан қандай жиноятни аниқлашганини, кимларни қўлга олишганларини тинимсиз сўрашаётганди-да, райком қотибига уч марта кўнғироқ қилиб вазиятга бироз аниқлик киритди. Унга¹бу ахборотни тепадан эмас, Қирон берганини билиб олгач, юраги ушлаб қолишига сал қолди. Зудлик билан уч нафар милиционерни Қиронни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келишга юборди. Улар эса бунақа ишларга жуда уста, фақат имконият берилса бас. Ярим соат деганда комсомол қотиби боя Ҳалим акаларнинг жойида бир иш қилиб қўйган боғча

боласидек кўзларини пирпиратиб турарди. Прокурор ёшларнинг қотибдан ахборотни Ўтабек деган мухбирдан олганини эшитиб, унинг орқасидан ҳам уч кишини юборди.

Милиция ходимлари қуролланган ҳолда, бир бирини туртишиб, тўкишиб, Шоир билан Ҳалим акалар яшайдиган уйнинг эшигида пайдо бўлганида Шоир зинапояннинг майдончасида тик тургани, анқайиб қолган янгага воқеанинг кульминацион чўққисини айтиб бераётганди. У милиция ходимларини кўрдию "қотибди-да, ярамастар, уларнинг бунчалар ифлослигини билмаган эканман", деганича қўлини орқасига қайириб, бошини ҳам қилиб тураверди. Янганинг эса нақ ўтақаси ёрилди: вазиятнинг нақадар оғир эканлигини ҳис этиб, нима қиларини билмай, тахта бўлиб қотиб қолаверди.

Шоир йўл-йўлакай ўзининг мазкур жиноятга алоқаси йўқлигини, умуман шу ишга тиш-тирноғи билан қарши чиққанини айтиб, жағи тинмай борди. Уни туртиб, прокурорнинг олдида олиб киришганида ҳам, ўзининг айбдор эмаслигини, ҳаммаси Ҳалим ака билан Журналистдан чиққанини айтиб, унинг бошини қотириб юборди. Прокурор минг азоблар билан воқеага ойдинлик киритганда, қоронғу тушиб қолганда, бу орада вилоят марказидан юборилган комиссия ҳам етиб келиб, давлатга қарши жиноят содир этган жиноятчиларни кўрсатишни талаб қилаётган ва жиноятнинг мазмуни нимадан иборатлигини билишга қизиқаётганди. Бу хабар ҳатто Москвага етказилганини эшитган прокурорнинг оёқлари музлаб қолди. Вилоятдан келган текширувчиларни ички ишлар бўлимига томон жўнатар экан, қўллари қалтираганча, телефон орқали хонасида ўтирган терговчини чақирди:

- Тезлик билан жиноят иши кўзгатиш тўғрисида қарор чиқаринг, - у биров "алам" деса йиғлаб юборадиган ахволда эди.

- Қайси модда билан? Кимга қарши? Олмаҳон, деган қизнинг ўғирланиши ҳақида гапирётган бўлсангиз, у йигити билан қочиб кетган. Миллий урф сифатида йиғитга нисбатан жиноят иши кўзгатолмаймиз. Ота-опасининг аризаси бўлишига қарамай, қизнинг ўзи рози.

Терговчининг бу гаплари оловга керосин сепгандек бўлди.

Прокурорнинг кўзлари ўйнаб, ўрнидан туриб кетди.

- Олмаҳон ҳақида гапирётганим йўқ. Бошимга урамани, ўша шаллакни? Анави тўртта гапварс мухбир ҳақида гапираяпман. Зудлик билан муҳаррирлари, кейин анави Ўтабек деган мухбирларини чақиртиринг, аризалар олинг, давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилишди, деган мазмунда. Кейин зудлик билан ҳибсхонада ўтирган тўртталасига нисбатан жиноий иш кўзгатиш. Қайси модда биланлигини билмайман, ўзингиз топинг. Юрфақда ўқиганмисиз, ахир. Жиноят кодекси, деган нарса ҳам борлигини биласизми шу дунёда? Шунга қараб ўнг келган одамни олиб бориб қамаб юборса бўлади. Айниқса бизнинг ахлоқона давлатда. Тушундингизми? Югуринг. Комиссия ички ишлар бўлимига бориб етмасидан бурун ҳаммаси тайёр бўлсин. Бўлмаса мен ҳам, сиз ҳам, милиция бошлиғи ҳам онасини учқўрғондан кўради.

Прокурор шу гапларни айтиб бўлгач қайтиб жойига ўтирди ва ички ишлар бўлими бошлиғига кўнғироқ қила бошлади.

Ички ишлар бўлимининг тор ҳибсхонасида эса бу пайтда мунозара авжига чиққан эди. Улар ўзларини қачон чиқариб юборишлари мумкин эканлиги хусусида баҳс юритишмоқда эди. Афсуски ташқарида - озодликда бўлаётган гап сўзлардан қаҳрамонларимизнинг хабари йўқ. Хатто етти ухлаб тушларига ҳам кирмасди. Тор, зах хона эса тобора қоронғулашиб бормоқда эди.

1999 йил январь-март.
Тошкент ш.

ТОЗА РУХ

Шудринларда сингиб кетар изларим.
Баландлаб боради маҳзун туйғулар,
Мучал тўйига ҳам етибди кизим.

Ортда қолган кунлар лаҳза ёдида,
Тунги тушдай кезар гоҳ терс, гоҳи ўнг.
Ўтиб кетсам учар вақт қаноғида,
Балки яна қайтум минг йиллардан сўнг.

* * *

Осмон, озода, хур қизларинг бисёр,
Юрагимни битта юлдузга алмаш.
Мен сенга ошиқман, дунё-баланд дор,
Туриб бермакликка етмагай бардош.

Кўзимни оғритар ёнган сароблар,
Кунлар бегонадек, тунлар риёкор.
Безорман ўзимдай хор-хароблардан
Мен-чун тириклик ҳам, дунё ҳам бекор.

Менга дардкаш сингил эзгин хазонлар,
Гўдақларда менинг энг тоза ишким,
Дунёни авайлаб ўпаман баъзан,
Азоблар айланган кези кўшиққа.

Япроқ не, сахардан недир муддао,
Кўқларни соғинсам бунда не токат?
Шабнамлар кўнглимни олиб-ла учинг,
Ерда дил топмади ишқдан садокат.

Менинг дардкаш синглим тўзгин хазонлар
Анлаганим, дунё - ёлгон сафсата.
Севги - сароб боғин этагида ой,
Ишонч - умрларга ғов бўлган хатар.

Соғинчимми, баҳорлар сезмай кетгани,
Турналар кўзимнинг дардин тингламас,
Бу тун ҳам ойдинга оҳим етмаса,
Яна кузга сингиб, бўларман абас.

Яна кўзларимни тўлдиради дард,
Кўнсанг ғамларимга кетасан ботиб.
Умрим ориликда учган эссиз гард,
Кетпум тупроқ кучиб, сендан-да кечиб.

Яна маюсланиб куйлайман кўшиқ,
Сен мени тинглайсан, йиғлайсан хўнграб,
Кўнмайсан, тонганинг эди буюк ИШК,
Сенга армон бўлиб қоламан, осмон!

Т У Ш

Кўз ўнгимда мавҳум бир олам,
Ва мавҳумий жасадлар базми.

Ўртада мен, бўғзимда алам,
Кочмоққа ҳеч этмадим жазм.

Осмон бунда ойсиз, қуёшсиз,
Ва дарахтлар баргсиз-да, беранг.
Мен йиғлайман, кўзларим ёшсиз,
Қўрқувлардан бўлиб ҳолим танг.

Ташлаб кетинг, дейман ёлвориб,
Овоз келар бир муңлик, майин
Сўнг хушимдан кетаман ҳориб,
Қулоғимда: кеч, даҳри лаин.

Уйғонаман қолиб донг, забун,
Сўйла дилим бу недин дарак?
Чин дунёни жимгина беун,
Балким тушда кўрсатар фалак.

Хар тун шундай бир хил манзара,
Мен кўркаман озор чекишдан.
Ухласаму ўшал туш ичра,
Уйғонолмаи қолиб кетишдан.

ВИДО РАҚСИ

Бир хазон рақси бор, гарчи кайғули,
Хар яшил япроқнинг умри сўнгида.
Шусиз кузнинг кўрки кўрк бўла олмас,
Эзилиб тўлғанар кўзим ўнгида.

Нотинч рух кўксини ёриб хавотир,
Хаёлни минг куйга солади оқшом.
Юлдузлар куйини тингларкан, оғир
Кечмишини ўйлаб, тополмас ором.

Бир кун қисмат билан юзма-юз тушса,
Хувиллаган боғнинг жонсиз бағрида.
Кувонч келбатини ғамнинг жуссаси,
Беркитар қафлари оралиғига.

Гарчи хали йиллар ҳаёт измида,
Тонглар отаверар хали кўп оппоқ.
Бор кучини йиғиб сўнг бор жисмига,
Беармон ракс тушар сарғайган япроқ.

Бир хазон рақси бор,
Видо рақси бор...



Рухимда неки бор қийноққа олдим,
Игна санча бердим, юрак-бағримга.
Мен уни агайин шу куйга солдим,
Бардоши етарми, дея қаҳримга.

Кўнгил қийноқлардан тўкилиб кетди,
Ёшларим тиялмай бўлдим хиҷолат,
Оғриқлар хисларга бориб етганда,
Ортга қайтмоқликка қолмади ҳожат.

Фалақда кезинган жон аста инди,
Азобдан сочилиб кетди бор риё.
Таним бир енгиллик олдию тинди,
Кўзимда туғилди янги бир дунё.

Менинг кўрганимни кўрмади ҳеч ким,
Жимгина сўзлашдим кўланкам билан.
Кимдир кулиб ўтди, телба, деб, балким,
Хавас ҳам қилдилар ҳолимга дилдан.

Тушунмас эдилар мени одамлар,
Бокдилар, бокқандай гумроҳ, осийга.
Ниғоҳимда жавоб ахтардилар ҳам,
Англамас эдилар, сир - оддийликда.

Юз бурдим оламнинг жумбокларидан,
Кўнгилга бир узлат ошиён солдим.
Жоҳил оламондан йироқладим-да,
Теран ва кенг маъво тубида қолдим.

Шундай дунё кечар қалбим қағрида,
Менинг бу дунёмга киролмас ҳеч ким.

ФУРСАТ ОРАЛИҒИДА

Само йўлларининг бағрини безаб,
Сафин ташлаб учган юлдузлар аро,
Чексиз фазоларнинг хаёли кезар,
Менинг хаёлимдан йироқ ва айро.

Минг йиллар аввали тортилган бир "оҳ",
Юлдуз бўлиб етиб келдимиз ёруғ.
Балки ўша ўзим, қалқиган ногоҳ
Ва яна ўзимга қайтган тоза рух.
Умрим палласида фурсат оғудай,

The Selfish Giant

ХУДБИН ПАХЛАВОН



Ривоят

Хар куни пешиндан сўнг мактабдан қайтган болалар Пахлавоннинг боғига келиб ўйнашни одат қилиб олишган эди.

Бу боғ жуда кенг, ям-яшил майса билан қопланган, майсалар орасида эса, чарақлаб турган юлдузлардек, гуллар очилиб туришарди, тагин боғда ўн икки туп шафтоли дарахти бўлиб, улар кўкчам чоғи марваридсимон гулларга берканишар, кузда эса фарқ пишган мевалари оғирлигидан пастга эгилишарди. Дарахтларга кўнган қушчалар шундай ёқимли сайрашардики, болалар кўпинча беихтиёр ўйинларидан тўхтаб қушчалар овозига махлиёларча кулоқ солишарди. “Қандай мазза-а бу ерда!”, чуғурлашишарди улар бир-бирларини кувлашиб.

Кунлардан бир кун Пахлавон уйига қайтиб келди. У ўртоғи, одамхўр Корниуэльникида етти йил меҳмон бўлиб, етти йил суҳбатлаша-суҳбатлаша, охири, гапи

тамом бўлгач, ўз кўрғонига қайтган эди. Келиши биланок унинг кўзи, боғда ўйнаётган болаларга тушиди.

“Нима қилаяпсизлар бу ерда?”, дея ўшқирди у хиркирок овозда. Болалар эса дуч келган томонга тўзғиб, қочиб кетишди.

“Бу менинг ва фақат менинг боғим, - деди Пахлавон. - Ҳамма билсинки, ўзимдан бошқа ҳеч кимга бу ерда ўйнашга рухсат йўқ”.

Шундан кейин у боғ атрофини баланд девор билан ўраб олиб, огоҳлантирувчи тахтача осиб қўйди:

**РУХСАТСИЗ КИРГАНЛАР
ҚОНУНАН ЖАЗОЛАНИШАДИ**

Бечора болалар энди қаерда ўйнашни билишмасди. Улар бир-икки катта йўл бўйларига ўйнаб кўришди, лекин йўллар жуда чанг ва майда тошлар билан қоплангани учун уларнинг кўнглига ёқмас эди. Кўпинча улар дарелардан кейин баланд девор тагида юришиб, ичкаридаги ажойиб боғни кумсашарди. “Қандай мазза қилардик-а у ерда”, дея эслашарди.

Баҳор келиб ўлканинг ҳамма жойларида дарахтлар гул билан қопланди, қушлар учиб келишди. Фақат Худбин Пахлавон боғида ҳали ҳам Қиш эди. Қушчалар сайроғидан дарак ҳам йўқ, чунки болалардан дарак йўқ эди-да; дарахтлар эса гўё гуллашни эсидан чиқаргандек. Ўша ҳалиги гўзал гуллар майсалар орасидан мўралашиб огоҳлантириш тахтачасини кўриб

қолишди ва шунчалар хафа бўлиб кетишдики, бошларини яна ўтлар орасига олиб, уйкуга кетишди. Боғда фақатгина Қор билан Аёзни эъвозлайдиган ўсимлигу жонзотлар қолишди. “Баҳор бу боғни эсидан ҳам чиқариб юборди, - деб тантана қилишарди улар, - биз энди бутун йил давомида шу ерда яшайверамиз”. Қор ўзининг оппоқ чопони билан майсазорларни ёпарди, Аёз эса дарахтларни кумуш рангга бўярди. Кейин улар Шимол Шамолини ўзларига шерикликка чақирди. У ўзининг момик чопонига ўралиб келиб, кун бўйи боғ устида айланар, камин мўриларининг ичигача кириб чийилларди. “Бу ажойиб даргоҳ, - деди у, - биз бу ерга дўлни ҳам чақиримиз керак”. Шундай қилиб Дўл ҳам бу ерда ҳозир бўлди. У, кунига уч соатлаб, кўрғон томи сополини синдиргунча гумбирлатар, кейин кўрғон ва боғ устида чир айлана бошларди.

“Во ажаб, нега Баҳор келмаяпти, - дерди Худбин Пахлавон дераза ёнида ўтириб оппоқ ва совуқ боғига

тикиларкан. - Лекин об-ҳаво ўзгариб қолишидан умидим бор”.

Аммо боғга на Баҳор ва на Ёз келди. Бошқа боғларга Куз кўпдан-кўп ширин-шакар меваларни тўкиб солди, лекин Паҳлавонга ҳеч нима бермади. “У ўта худбин-ку”, дерди Куз. Шундай, унинг боғидан Қиш аримади ва Шимол Шамоли, Дўл, Аёз ва Қор дарахтлар атрофини айланиб рақсга тушаверишди.

Бир куни эрталаб Паҳлавон, эндигина уйқудан уйғониб тўшагида ётганида, нафис бир мусиқани эшитиб қолди. У шундай ёқимли эдики, бундай куйларни фақатгина шу атрофдан ўтиб кетаётган Қирол созандаларигина чалиши мумкин эди. Ҳақиқатда эса, бу, ташқаридаги митти уруғхўр қушчанинг сайроғи эди. Лекин Худбин ўз боғида қуш овозини шунчалик кўпдан бери эшитмаган эдики, бу унга дунёдаги энг дилрабо куйдек эшитиларди. Шу топда унинг тепасида рақсга тушаётган Дўл тўхтади, Шимол Шамоли эса ўкиришни бас қилди ва очиқ деразадан хушбўй ҳид таратиб кириб келди. “Шубҳасиз, ниҳоят Баҳор келди”, деди Паҳлавон ва ўрнидан иригиб ташқарига қаради.

Хайҳот?!

Унинг кўзи ташқаридаги ғаройиб бир манзарага тушди. Боғ деворидаги кичкина бир тирқишдан биқиниб болалар кириб келишар ва боғдаги дарахт шохларига тирмашиб чиқиб олишарди. Унинг кўз ўнгидagi ҳар бир дарахт шохида биттадан болакай ўтирарди. Дарахтлар эса, болалар қайтишганидан шунчалик хурсанд бўлишгандики, уларнинг шохлари болаларнинг бошлари устида меҳрибон қўллар мисоли майин тебранишарди. Қушчалар атрофда айланиб қувнок сайрашар, гуллар эса ўтлар орасидан юқорига қараб хурсанд бўлишарди. Бу ўта оромбахш манзара эди, лекин боғнинг узокдаги бир чеккасида ҳали ҳам қиш ҳукм-сурарди. У ердаги дарахт остида бир болакай юрарди. У шундай кичкина эдики, дарахтнинг шохларига бўйи етмасдан унинг атрофида айланиб, аччиқ-аччиқ йиғларди. Бечора дарахт эса ҳалигача Аёз ва Қорнинг забтида бўлиб, Шимол Шамоли унинг устида айланиб эсарди. “Устимга чиқиб олақол, болакай”, дерди дарахт ва шохларини имкони борича эгиб унга узатарди, лекин бола жуда митти эди.

Бу ҳолни кўрди-ю Паҳлавоннинг юраги эзилиб кетди. “Қанчалар аблаҳ эканман-а! Бу ерга нега Баҳор келмаганини энди тушундим. Ҳозир анави болакайни кўтариб анави дарахтнинг баланд шохига ўтказаману, кейин лаънати деворни бузиб-бузиб ташлайман, бундан буён боғим болалар учун ўйин майдончаси бўлади”.

У қилмишидан астойдил пушаймон тортди.

Алқисса Паҳлавон зинадан тушиб, ташқи эшикни оҳиста очиб боғга чиқди. Лекин уни кўрган болалар кўрқиб ҳар томонга тўзғиб кетишди ва шу заҳоти боғга яна Қиш кириб келди. Фақат митти болакайгина кўзлари ёшга тўла бўлгани учун Паҳлавонни кўрмади ва қочиб кетмади. Паҳлавон унинг орқасидан оҳиста яқинлашиб, уни авайлаб қўлига олди ва дарахтга ўтказиб қўйди. Ва шу заҳотиёқ дарахт гул билан қопланди, болакай қўлларини чўзиб Паҳлавоннинг бўйнидан кучоқлаб олиб ўпиб қўйди. Бошқа болалар Паҳлавоннинг дарғазабмаслигини кўриб чопқиллашиб қайтиб келишди ва улар билан Баҳор ҳам қайтиб келди. “Бу энди сизларнинг боғингиз, болакайлар”, деди Паҳлавон ва ўзининг улкан болтасини олиб деворни парчалаб йиқитди. Ва шу куннинг чошгоҳида, бозорга кетаётганлар, одам

ақлини дол қолдирадиган бу кўркам боғда, болалар билан ўйнаётган Паҳлавонни кўришар эди.

Улар кун бўйи, тўйгунча ўйнаб, кечқурун хайрлашиш учун Паҳлавоннинг ёнига келишди.

“Ия, анави кичкина ўртоғингиз қани? - сўради у. - Мен уни дарахтга ўтказиб қўйгандим”. Паҳлавон ўзини ўпиб қўйгани учун уни жуда яхши кўриб қолган эди.

“Биз билмаймиз, - жавоб беришди болалар. - У бу ердан кетиб қолди”.

“Сиз уни топиб айтиб қўйинг, у эртага албатта келсин”, - деди Паҳлавон. Лекин болалар, унинг қаерда яшашини билмасликларини ва уни илгари ҳеч қачон кўрмаганликларини айтиб қасамга таянишди.

Ҳар куни болалар мактабдан келиб Паҳлавон билан ўйнашарди. Лекин у, меҳри тушиб қолган ўша кичкина болакайни бошқа кўрмади. Паҳлавон болаларни кўрганидан хурсанд бўларди, лекин шунга қарамасдан ўзининг биринчи ўртоғи миттивойни кутар ва уни жуда кўп эсларди. “Уни кўришни истардим”, - дерди у энтиқиб.

Йиллар ўтди. Паҳлавон қариб, дармонсизланди. У бошқа деярли ўйнайолмас, ўзининг чайқалувчи курсисида ўтирганча, болалар ўйинини томоша қилиб, боғнинг кўринишидан лаззатланарди. “Менинг гулларим бениҳоя чиройли, дерди у, - лекин болалар уларнинг ҳаммасидан ҳам гўзалроқ”.

Қиш тонглиридан бирида, у ўз деразасидан, бу фаслнинг либосини кузатар эди. У энди Қишни кўргани кўзи йўқ, унинг учун бу, ухлаётган Баҳор бўлиб, гуллар эса дам олишаётгандек эди.

Бирдан у хайронликдан кўзларини ишқаб-суртиб ташқарига тикилиб қолди. Бу чиндан ҳам ғаройиб бир кўриниш эди. Боғнинг узок бир чеккасида оппоқ нафис гул билан қопланган дарахт кўринарди. Унинг шохлари олтиндан бўлиб, улардан кумуш мевалар тўкилиб турар, пастда эса ўша, Паҳлавоннинг меҳри тушиб қолган митти болакай юрарди.

Қувончини ичига сиғдиrolмаган Паҳлавон югуриб зинадан боғга тушди. У шундай шошардики, майсазорларни босиб-янчиб болага яқинлашди. Унинг тепасига келганида эса, шу ондаёқ ғазабдан қизариб кетган юзини унга яқинлаштириб сўради: “Қайси манфур сени жароҳатлашга журъат қилди?” Болакайнинг кафтчаларида иккита миҳдан қолган жароҳат излари бўлиб, яна бошқа иккита миҳдан қолган излар унинг оёқчаларида кўринарди.

“Қайси манфур сени жароҳатлашга журъат қилди? - деб хайқирди Паҳлавон. - Айт менга, токи мен уни катта қиличим билан чошиб ташлай!”

“Керақмас, - жавоб берди бола, - булар, аҳир, Меҳр жароҳатлари-ку”.

“Аслида кимсан ўзинг?” - деди Паҳлавон ва ғалати бир илтифот билан болакай қаршисида тиз чўкди.

Шунда бола Паҳлавонга жилмайиб жавоб берди: “Бир куни, сен менга ўз боғингда ўйнашга рухсат бермагандинг, бугун эса сен мен билан менинг Жаннатдаги боғимга кетасан”.

Тушликдан кейин боғга келган болалар Паҳлавоннинг оппоқ гуллаб турган дарахт тагида ўлиб ётганини кўришди.

Инглизчадан Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 9-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Элдор ФОЗИЛОВ таржимаси



ЯНА ШЕЪР КЕЛАДИ ЮРАККА ОҚИБ...

Ётар эди вужудим беҳол,
Рухим эса урар эди чарх.
Факат... факат бир кеча алҳол

Узун бўйли йиллар оралаб
Яна пайдо бўлдингми, Гулим?!
Наҳот сўник кул ичра ё Раб
Самандардек қайта тугилдим?!..
Узун бўйли йиллар оралаб.

Йиллар сўнди... сўнмади гулим...

Яна шеър келади юракка оқиб,
Яна керагингни англайман дилбар!
Яна мен олгинсоч дарахтга боқиб
Мангу кўшиқ ҳақда сураман ўйлар...

Яна сен ўзингдан бермайсан дарак,
Яна мен урушман тип-тинч дунёда.
Бўғзига тиг келган жондек жонсарақ
Тешилар йўлингда кўзим беҳуда.

Яна сен бордайсан, лекин топмайман,
Яна мен излайман, йўқдайсан биров.
Мангу иккиликнинг ўртаси - Ватан,
Мангу Изтиробдир мен тиккан Байроқ!

Шабодалар эсади салқин
Менинг эса ёшгина жоним
Гул атрини кўмсайди бетин

Хазонрезги
Мезондай учмоқда апроқлар
Бағримда-чи
кутар тутқундай
Яшалмаган минг-минг титроқлар

Ниҳоят қор учқунлар биров
Ботинимда чакнайди хануз
Мен етмаган афсона-юлдуз

Тарқоқ туманлардек сочилди яна,
Сочилди кўнгилда тугилган хаёл.
Севолмам мен энди сени биргина,
Биргина сендан ҳам кечолмам, инон!

Ихтиёрим ахир чикди-ку қўлдан,
Кетди-ку хаммани доғда қолдириб.
Сен нега қуясан? Ахир, мен - ғариб! -
Воз кечиб турибман минг йиллик йўлдан.

Ҳаммаси гўёки тутаган каби
Ёхуд бошлангандай энди ҳаётим.
Сенинг хузурингда мангу қолгали
Инон, сабрим етмас, кўймас ҳам зотим.

Ахир, хаёлимдек сочилдим-ку ман,
Ахир, издан чикди бу қадим турмуш,
Ахир, кўзларингга боқсам ҳам шу он
Тағин хар тарафда учиб юрган куш -
Мен,

мен,

мен.

УМР

Юрагим жон қувочлаб ўтаётир...
Ўйлайман: мен гўё йилларнинг измида
Қўлма-қўл бўлаётган жонона -
кайси бирининг тўшагида
кўпроқ топаман,
кайси бириникида жоним чиқади? -
билмайман.
Факат айланаман
худди бошим каби
йилларнинг аловранг чойшабларида...

Ваҳший гўзаллигин рангин байроқдек
Силкитиб тепамада кезади баҳор.
Иликлик югуриб тўлган тупроқдек
Илинжим семирар, семирар озор...
Қувона олмайман баралла лекин
Ақали (болалик давримга) монанд.
Умримни кемирар ғашлик ва суқун,
Бағримда музлаган тоғларки, баланд!
Шошмайман ишнимга, уйимга ҳатто,
Баҳорга боққанча босаман одим.
Сезаман: ичимда бор каби гўё
Қандайдир асрордан воқиф мунажжим...
Онамни соғиниб ўйлайман узок
"Қанийди бағрига ташласам ўзни!..."
Жилмайман ўрнимдан, йиғлайман биров
Баҳорга тикқанча қуи-қуруқ кўзни...
Ортимга боқаман: юраги ёник,
Кўзлари чакнаган болалигимдир!
Олдимга боқаман: паришон, сўник,
Кўзлари хувилдоқ кекса дилимдир...
Ҳаммаси, ҳаммаси беш қўлдек аён,
Қунда ҳам, тунда ҳам сир йўқ, сеҳр йўқ,
Гарчанд атрофимда эрқагу аёл,
Дилни уйғотувчи пир йўқ, меҳр йўқ...
Факат шу: баҳорга боққанча толиб,
Ич-ичимда кимдир пичирлар секин.
Дам бийрон, дам эса тугилиб, қолиб...
Барибир йўллайди ҳаётбахш эпкин.
Яна орзу қилсам, дейди бу юрак,
Қайнок бўсаларга шайланар лаблар.
Яна мен "Эрта"ни кутсам ҳапқириб,
Яна сен "Эрта"га айлансанг дилбар!..

Қуёшим, чиқармисан?
Биз ҳам чикайлик энди
Чикмай ётган бу кишдан.

Қуёшим, чиқармисан!..

Умидим, гулга киргил
Гуллаётган дарахтдек.
Гули йўқ юрак билан
Кутмоқ нақадар оғир...

Қайлардасан сен ўлим?
Қизиммисан ё ўғлим?
Ҳаётимдан чарчадим,
Мамотимни билмасман...

Қуёшим, чиқармисан?
Мен ҳам чикайин энди
Дунёларнинг кишидан!

Қуёшим, чиқармисан...

Йиллар сўнди... сўнмади гулим...

Йўлларимиз айро тушганди:
Сен бир кутб, мен бир кутбга.
Такдир сени у ён қучганди,
Мени эса тортди бу тубга.
Йўлларимиз айро тушганди.

Ишонгандик энди ҳеч қачон
Кўзимизга тушмас кўзимиз.
Юракдаги мислсиз туён
Тўзиб кетар беному беиз.
Ишонгандик энди ҳеч қачон.

Йиллар ўтди бешовқин, бешон,
Кўтармади ҳеч кимни кўкка.
Унут бўлди қадим ҳаяжон,
Энди босмас қадлар ҳам тикка.
Йиллар ўтди бешовқин, бешон.

Фақат... фақат бир кеча алҳол
Яна сенга дуч келдим, э воҳ!



РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТ...

Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан ва таълим маркази директори профессор Сани Ҳаммад жаноблари билан суҳбат



Миср Араб Республикаси мусулмон давлатлари ичида энг тараққий қилган давлатлардан биридир. Давлат изчил олиб бораётган сиёсат замирида ёшларга алоҳида ғамхўрлик ҳам ётади. Чунки ёш авлоднинг юксак маънавиятли, виждонли, пок инсонлар бўлиб етишиши, давлат, халқ келажаги порлоқ бўлишини таъминлайди. Барча мактабларда ҳафтада камида уч кун диний билимлар ҳам ўқитилади. Ўрта мактаблар асосан 12 йиллик бўлиб, ўғил ва қиз болалар бирга ўқитилади. Айрим махсус йўналишда бўлган мактабларда ўғил болалар алоҳида, қиз болалар алоҳида ўқийдилар.

18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар Миср аҳолисининг тахминан 20 фоизини ташкил қилади. Мактабни битиргандан кейин кўпчилик ёшлар университетларда, киролмаганлари коллежларда ўз ўқишларини давом этдирадилар. Давлат ҳисобидаги университетлар сони 13 та, бундан ташқари 6 та хусусий университет бўлиб, улар пуллик. Булар ичида АҚШ университети ҳам бор ва бошқа айрим давлатлар ҳам ўзларининг хусусий университетларини очганлар.

Мисрда билим олиш, уни ҳаётга тўғри тадбиқ қилиш, иш жараёнида камчиликларни доимо бартараф этиш, одамлар ўртасидаги муомалага аҳамият бериш, бир-бирларини доимо ким бўлишларидан қатъий назар ҳурмат қилиш асосий ўринда туради. Шунинг учунми, Мисрда экстремистлар ва бошқа салбий оқимларни йўқ деса ҳам бўлади. Университетда фақат беш баҳога ўқиганларгина стипендия олишади, тўрт-бешга ўқиганларга стипендиянинг ярми, қолганларига эса стипендия берилмайди. Бу давлат дастуридан шу нарса яққол кўриниб турибдики, билим олишга интилмаган ёш ҳаётда кўп нарсадан маҳрум бўлади. Университетга киришда тест эмас, оддий имтиҳон топширилади. Битиргандан кейин эса ёш мутахассис агар Мисрнинг ўзида ишга жойлаша олмаса, тараққий қилган давлатларнинг бирига боради, чунки биринчидан билими етарли, иккинчидан инглиз тилини билади.

Мисрда барча фанлар араб алифбосида ўқитилади. Бу эса талабаларга қадимги қўлёзмалардан бемалол фойдаланиб, ўз билимларини янада ҳам чуқурлаштиришга имкон яратади.

“Ал-Азҳар” машҳур диний университет бўлиб, бу университетда ўзбекистонликлар ҳам ўқимокда. Талабалар бўш вақтларида асосан сайёҳ меҳмонларга гидлик вазифасини ўтайдилар, чунки Мисрда доимо миллионлаб туристлар келиб туради.

Ёшлар ўзларининг бўш вақтларини ўтказишлари учун барча спорт мажмуалари, кинотеатр, театр ва бошқа дам олиш масканлари ишлаб туради. Чет элларда кўплаб Мисрлик ёшлар ишлаб, яшамоқдалар. Таътил пайтларида улар албатта Мисрда хордик чиқарадилар. Мамлакатда денгиз спорти жуда

ривожланган. Чунки Ўрта Ер ва Қизил денгиз қирғоқлари Мисрнинг бир томонини ўраб туради.

Миср давлатининг қонунига асосан қизлар 16 ёшга тўлгандан кейин турмушга чиқиши, йигитлар эса 18 ёшга тўлгандан кейин уйланишлари мумкин. Ҳозир эса ёшлар асосан 24-25 ёшларида уйланимоқдалар. Яшаш шароити, турмуш тарзига кўра ёшлар келин топиш масалалари турлича.

Биринчиси, бу тараққий қилган шаҳарларда келин-куёв тасодифан ёки таълим жараёнида бир-бирлари билан танишиб, турмуш қиладилар.

Иккинчиси, қишлоқ жойларининг айримларида келинни куёвнинг ота-онаси топади. Бирок ҳозир айрим қишлоқ жойларида ҳам келин-куёв бир-бирларини топишиб, шаҳарлардагига ўхшаб тўй қилмоқда.

Учинчиси, бу саҳро, чўл минтақаларида жойлашиб, қадимдан яшаб келаётганлар фақат тарихий удумлар асосида келин топиб, тўй қиладилар. Яъни келинни албатта куёвнинг ота-онаси топиб, тўй қилади.

Қалинга келсак, бу уйланаётган йигитнинг маблағига боғлиқ. Шаҳар ҳамда йирик қишлоқларда куёв томондан келинга қимматбаҳо (олтин ҳамда бриллиантлардан иборат) совғалар: билакузук, сирға, узук ва бошқа буюмлар берилади. Куёвтўра кўпинча тўй харажатларини бир ўзи қилади. Чўл-саҳро минтақаларида қалин миқдори энг камида 10 та туя, 10-15 бош қўйни ташкил қилади. Келин танлашда бизларга ўхшаб “Онасини кўриб, қизини ол” мақолига мос қадимги тарихий удум бор. Бунда бўлажак келиннинг онаси ҳар томонлама ўрганилиб, кейин қизига совчиликка борилади. Хар бир келин ўз оиласи шароитига қараб сеп тайёрлайди. Тўйларда буни қиласан, уни қиласан, бунинг кам деган саволлар бўлмайди. Илжи борича, иккала қуда доимо барча муаммоларни бир-бирларига солмай, ҳамжиҳатликда, бамаслаҳат бажарадилар. Мисрда никоҳ гувоҳномаси фақат домла никоҳ ўқигандан кейин берилади. Никоҳ масжидда ёки келиннинг уйида ўқилиб, бу маросимда нотариус ҳамда суд ходими албатта иштирок этадилар. ЗАГС деган идора йўқ. Ўзига тўқ, бой оилаларда келиннинг оврупоча либоси 1000 доллардан 100 минг долларгача туриши мумкин. Чўл-саҳро ерларида келин миллий узун ок либос кияди.

Шаҳарларда тўй тўрт, беш юлдузли меҳмонхона рестораниларида ўтказилиб, иштирок этувчилар сони куёвнинг ҳамматига боғлиқ. Айрим қишлоқлар ҳамда саҳро жойларида тўй тантанаси куёв хонадонида ўтказилади. Чўл-саҳро жойларида бой куёв ҳоҳласа қизни унинг ижтимоий чиқишидан қатъий назар хотинликка олади. Камбағалроқ куёв эса бой қизга оғиз очишга ҳаққи йўқ. Тўйдан кейин барча ҳолатларда ёш оила албатта ота-онасидан алоҳида яшайди. Бу удум қадимдан бўлиб, ҳатто чўл зоналарида ҳам кейинроқ куёв-келин алоҳида ҳовлида яшашиди. Янги оиланинг уйига керакли барча асбоб-анжомлар: мебел, телевизор(албатта янги модели бўлиши керак), музлаткични кўп вақт куёв томон сотиб олади. Айрим ҳолларда келин-куёв оилалари томонлари ўзаро келишишиб, харажатларни биргаликда қиладилар. Мисрда иккита хотин олиш мумкин. Бунинг учун эркак хотинидан унинг ўз қўли билан ёзилган руҳсатнома олиши керак. Бу руҳсатномада хотиннинг имзоси, қуни, йил ҳамда ёзилган манзилгоҳ кўрсатилади. Мисрда ислом дини қонун-қоидаларига доимо риоя қилинади. Мисрда аёлларнинг юқори лавозимларда ишлашига барча шароит бор. Шунинг учун ҳозир Мисрда табиатни муҳофаза қилиш вазири, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш вазири ва бошқа кўплаб университет деканлари, кафедра мудирилари, профессорлар аёллардир.

Илҳом
ШЕРМУҲАММАД



Зарифа УМРЗОҚОВАга

Сен хали ойдинлар билан биргасан,
Хали ёрилмаган пешоналаринг.
Сенинг кўзларингдек, оппоқ дунё йўк,
Кайғуни билмайди қошоналаринг...

Хали яшайсан дунёни суйиб,
Чинларинг кўп эрур рўёларингдан.
Сенинг кўзларингга термулиб туриб,
Уялиб кетаман дунёларимдан...

Қаң қим кўрибди мукамал бахтни,
Асли ким дунёда кўрибди роҳат.
Сенинг оёқларинг юраолмайди,
Менинг юрагимда зилдай жароҳат...

Сенинг кўзларингга бозорлар йўқдир,
Йўқдир юрагимни пулга сотганлар.
Мажруҳ оёғингга арзирми, дунё,
Нима қилиб қўйди юраётганлар...

Қачондир жилмайиб очилганида,
Шуни ўйлабмиди қаро кўзларим.
Дунё, юрагимга яқин ниманг бор?!
Тупроқда ётибди менинг дўстларим...



Мен бугунги фарзандларга уйғониш даври болалари деб қарагим келади.

Болалар икки хил ҳолатда тез вояга етар эканлар. Биринчиси уруш, қабоҳатли уруш даври болалари, шароит тақозоси боисми, тез улгайиб қолар экан.

Иккинчиси мана шундай катта бурилишлар, ўзгариш, янгилашнилар жараёнларида ҳам болаларда улгайишнинг тезлашиши кузатилар экан.

Шухрат Орифнинг янги шеърлари мутоаласидан кейин шундай фикрлар ҳаёлимдан кечди.

Бу баланд бўйли, ҳушсурат йиғитчанинг номи икки йил олдин Зомин тоғларида ўтган адабиёт семинарларида оғизга тушган эди. Унда Шухрат мактаб ўқувчиси эди. Бугун у Дорилфунуннинг 1-курсда таҳсил олаётти.

Унинг "Кўй, менга қарсақлар чалмагин, халқим" шеърдаги қуйидаги сатрларга диққат қилинг:

*Уйғотаолмасдан битта элатни
Тупроққа боришдан уялман, дўст!
ёки:*

СЕН ҚАЧОН ЎЗИНГНИ ТАНИЙСАН

Дунё етолмаган дунёсан-ўзинг,
Сенинг осмонингга қиламан ҳавас.
Оппоқ юрагингни оппоқлигича
Оппоқ дунёларга олиб кетсанг бас...

Унинг қисматиға йиғлагинг келар...
Йиғлагинг келади, йиғлагинг...
Кўзлари очилган бозорда,
Отаси туғилган бозорда,
Онаси туғилган бозорда,
Боласи туғилган бозорда...
Ўйлари, ҳаваси бозорда,
Тўйлари, азаси бозорда.
Уйқуни билмайди бу кўзлар,
Бекорга қулмайди бу кўзлар...

Совуқни сезмайди бу вужуд,
Билмайди андиша, ҳаёни.
Йиғлагинг келмасми сафдошинг
Бозор деб тушунса дунёни...
Иймони йўлларга сочилган,
Виждони сотилган пулларга.
Йиғлагинг келади, йиғлагинг...
Китобни кўрмаган кўзларга...
Акам чакриятти мени ёнига,
Бошига кўтариб оламини.

Тилини шакарға ботириб,
Сингним алдаяпти холамини...!
Мен сенга йиғлайман, дунёйим,
Йиғлайман минг турли юзларга.
Ёруғлик ортида очилиб,
Ёруғлик кўрмаган кўзларга.
Дунёга келади пул истаб,
Тупроққа кетади пул билан.
Тушунинг бу вужуд ётолмас,
Қабрда бир қуруқ қўл билан...



Томчилар дарёга айланди бу кеч,
Поклик либосига беланди олам.
Қачон юрагингга келар баҳорлар,
Сен қачон ўзингни танийсан, Одам!..

Тоқай яшагайсан ўзингни алдаб,
Етар эгилганинг, кўтар қаддингни.
Сажда қилаверма тўрваларингга,
Ўзингни тимдалаб чарчамадингни?!
Менга ота бўлиб, оталик қилгил,
Она бўлиб оромингдан кеч.
Келгил, юзларингга юзимни босай,
Сени соғинганман, никобингни еч...

Коя ўзингдирсан, қўлмак ўзингсан,
Куёш ўзингдирсан, сел ўзингсан шам.
Менга мақтовларинг керакмас, фақат
Сенинг буюклигинг истайман, Одам!

Мен тоқай куёшнинг ёнида туриб,
Шамнинг шуъласини йўқлаб ўтаман.
Оппоқ қушларингга қайта олмасанг,
Йиғлаб туғилганман, йиғлаб кетаман...

Кўрлик саналмайди кўзнинг кўрлиги,
Кўнгилининг кўрлиги - ҳақиқий кўрлик.
Баъзида дуч келсақ кўзи ожизга
Ачиниб қараймиз: бечора, шўрлик...

Аслида биздан-да толороқдир у,
Гарчи вужудининг ҳилқати ярим.
Ахир у кўрмайди буюқдан буюқ,
Одам боласининг тубанликларин...



МАДАДКОР КУЧ

*Хали тонглариңга бордир керагим
Қабрдан келаман агар йўқласанг.
ёки:*

*Ахир мен истайман, менинг тобутим
Кўзлари очик халқ кўтаришини...*

Мен унда фикрий уйғоклик, хаёл камрови кенглигини кўрдим. Аниқлик, шиддатни кўрдим. Жалолиддин Румий ҳазратлари шундай ҳикмат айтдилар: "Ҳар ҳоли харобда бир маданбътдор бўлғай".

Ижод йўлига эндигина кириб келаётган одамнинг, кайтаргим келади, "Уйғотаолмасдан битта элатни", тупроққа боришдан уялиши, халқи йўқласа қабрдан чиқиб келаолиши, ўзининг шундай ишларга қодирлигига қаттиқ ишончи кишида умид уйғотади.

Бундай солих фарзандларни, иншооллох, дунёнинг покляниши, мустақил халқ сифатида қаддимизни кўтаришимизда мислсиз мададкор кучларга айланмоғига мен ҳам қаттиқ ишонман.

*Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири*

“МИЛЛИЙ АДАБИЁТ”, РАВШАН ВА “ҚУРБОН”...

Иккинчи жаҳон уруши даврида Германиянинг Берлин шаҳрида Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси томонидан “Янги Туркистон” деган ҳафталик газета, икки ҳафтада бир марта “Миллий Туркистон” ва ойда бир бора “Миллий Адабиёт” номли журналлар нашр қилинади.

Берлин Марказидаги “Унтер ден линден” кўчасида жойлашган мухташам “Штагсбиблистек” да ўша журналларнинг айрим сонлари бор экан. Варақлаб, ўқиб кўрдим.

“Миллий Туркистон” - бу мажмуа 1942 йил июндан бошлаб Кўмита президенти Вали Қаюмхон раҳбарлиги остида лотин алифбосида чоп этила бошлаган. Мен “Туркистон миллий кутилиши учун курашувчи”, Мустафо Чўқай томонидан чиқарилган “Ёш Туркистон”нинг (1929-1939) давомчиси бўлган ўша мажмуанинг уруш давридаги дастлабки бир неча сонини кўрдим. Журналда асосан немисларга асир тушган туркистонлик аскарларнинг хотиралари, янгича шароит, тартиб-интизом ҳақидаги таассуротлари, миллий руҳдаги шеърлар берилган. Журнал ходимлари ҳам кўпроқ миллийликка, тарихга, машхур туркистонлик тарихий шахсларга, Туркистон озодлигига эътибор беришган ва шу йўналишга мос ижтимоий-сиёсий мақолалар ёзганлар.

“Курашчи” имзоси билан чиққан “Туркистон миллий легиони” (“Миллий Туркистон”, 1942 йил, 1-сон) номли мақолада: “Бу ташкил қилинган Туркистон миллий легионининг туб мақсади ҳам биргина бўлиб, у ҳам бўлса, Вали Қаюмхоннинг “Туркистон миллий озодлиги учун кураш” йўлининг ўзгинасидир”, деган сатрлар бор. Яъни легиончи аскарлар большевик, босқинчилар томонидан “оёқости қилинган бутун Туркистон ишларини қайта куриш”га ҳозирлик кўрадилар. Уларнинг ўз байроғи бўлган, Чўлпоннинг “Гўзал Фарғона” шеърини “Гўзал Туркистон” шаклида тахрир қилиб, ўзларига гимн этиб олганлар...

Урушда асир тушган, немислар тарафига ўтиб кетган ва уларнинг тарбиясини олиб, уларнинг ҳарбий кийимларини кийган инсонлар тақдирини, орзу-умидларини, мақсад-ниятларини англаш-ўрганиш алоҳида махсус илмий тадқиқот мавзусидир. Менда бунга тегишли манбалар йўқлиги учун пашшадан фил ясаб, асоссиз, қуруқ ва узок гапиришни интамадим. Бирок бир нарсани аниқки, “Миллий Туркистон” мажмуаси легиончи аскарларнинг тақдирини ўрганиш йўлидаги муҳим йўлдаги муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади, албатта.

“Миллий Адабиёт” - Бу ҳам “Туркистон Миллий Кўмитаси тарафидан ойда бир марта чиқарилган адабиёт мажмуаси”дир. 1943-1945 йилларда нашр қилинган.

Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси президенти Вали Қаюмхон 1943 йил кўкламида шу адабий журнални очиш тўғрисида буйруқ чиқаради ва унга Кўбизчи Кўрқутни муҳаррир этиб тайинлайди. Журнал бадий асарларга мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар сезимига, юрагига таъсир этиши керак эди. “Миллий Адабиёт”нинг вазифасини Вали Қаюмхоннинг муҳаррир олдига қўйган қўйидаги топшириқларидан янада тарафдор англаш мумкин.

1. “Миллий Адабиёт” адабий журнал, ўқувчиларни ватан озодлигини кўзлаган адабиёт билан озиқлантирмоғи керак.

2. Миллий Кўмита томонидан чиқадиган “Миллий Туркистон” номли сиёсий журнал сиёсатига, “Янги Туркистон” газетасининг кундалик хабарларига аралашмасдан, ёлғиз ватан тилагини гўзал-бадий адабиёт орқали етказиши керак.

3. “Миллий Адабиёт” Туркистон турк миллатининг ҳар бир уруғи диалектида чиқиши лозим. (“Миллий Адабиёт” 1944 йил 2-сон).

Журнал ходимлари шу кўрсатма асосида ишлайдилар. Унда ўзбек, қозок, туркман, қирғиз тилларидаги асарлар ўз ҳолича босилиб чиқади. “Миллий Адабиёт” шу миллат ёзувчи-

шоирларининг ватанпарварлик, миллатсеварлик руҳида ёзилган асарлари учун эркин минбар вазифасини ўтайди. Афтидан, бу даврда ўз устави ва дастурига эга бўлган “адабиёт уюми” - ёзувчилар союзи ҳам ишлаб турган кўринади.

1944 йил июнда Велада Туркистон Миллий Бирлик Кўмитасининг биринчи қурултойи бўлади. Журнал бир ёшга тўлади. Қурултойда “Миллий адабиётимиз жўнинда” мавзусида муҳаррир, оқин Кўбизчи Кўрқут журналнинг бир йиллик фаолияти тўғрисида ҳисобот нутқини сўзлайди.

Маърузасининг бир жойида нотик, биз “Миллий Адабиёт” журнали орқали қандай ишларни амалга оширдик, деган саволни қўяди ва унга шундай жавоб беради:

1. Ўтмишдаги Темур, Абилайхон сингари буюк кўрбоши боболаримизни кўркамсўз орқали қайтадан тириштирдик. Улар ҳақида китоблар чиқардик.

2. Туркистон турк адабиётининг оталари Навоий ва Абайнинг кўлимизда бор асарларини қайтадан босиб, минглаб ботир йиғитларимизга янги руҳда, миллий фикрда таништирдик.

3. Халқ бахшилари, миллий бўстонликнинг булбуллари Тўктагул, Махтумқули каби кишиларимизнинг асарларини ҳамда “Манас” отли дostonимизни ўқувчиларимизга етказдик. Булар ҳақида алоҳида илмий мақолалар ёздик.

4. Совет тусида миллий адабиётнинг шоирлари бўлган проф. Аҳмад Бойтурсун, проф. Фитрат, Мағжон, Чўлпон, Боту, Сакен, А. Кодирий сингари кишиларимизни адабиёт саҳифаларимизда эсга олдик, асарларини босиб чиқардик.

5. Менинг “Абилай” отли дostonим, А. Равшаннинг “Менинг туйғуларим” деган тўплами босилиб чиқди. Айни чоқда “Жовонгирнинг кундалик дафтарида” номли ёш шоир-ёзувчиларимизнинг тўплами чиқди.

6. Туркистон халқининг миллий бўстонлиги йўлининг йўлбошчиси Сиримботирнинг ҳаётидан олинган “Катта одамнинг армони” деган пьесани (ёзувчиси К. Қози), Туркистон турмушидан олинган “Балиқчи қизи” (ёзувчиси М. Равшан) ҳамда ишқий мавзуда “Тул ва Булбул” номли пьесани (ёзувчиси А. Хушнуд) босиб чиқардик.

7. Оберлейтенант С.Бет-Алман Йўлдошнинг, Сайрон, Хушнуд мирзоларнинг асарларини китоб қилиб босишга бермоқдамиз.

8. Олмон халқининг катта шоирлари В. Гёте, Ф. Шиллер, И. Эйхендорф ва Л. Ухландларнинг асарларини имконимиз доирасида Туркистон тилига ағдардик.

9. Ёш шоир-ёзувчиларимизга адабий йўл кўрсатиш билан бирга уларнинг яроқли-тузук асарларини журналда босиб чиқардик. (“Миллий Адабиёт” 1944 йил 2-сон).

Журнални варақлаганда, ҳақиқатан ҳам, тахририят ўзлигини англаган, миллатини юрагидан суйган ва юрт озодлиги қайғусида асарлар ёзган 20-30 йиллар шоир-ёзувчиларига тез-тез юзланиб турганлигини кузатиш мумкин. Журналнинг турли сонларида Фитратнинг (расми билан) “Миррих юлдузига”, “Бир оз кул”, “Ўгут”, Чўлпоннинг “Гўзал”, “Халқ”, “Зарафшон” (сафер эсдалиги), Ботунинг “Қаёнга”, “Сўрама”, “Ўзбек қизига”, Элбекнинг “Қуролга”, “Тил” каби шеърлари, Абдулла Кодирийнинг (расми билан) машхур “Ўтган кунлар” романидан олинган “Рақиб изидан”, “Душанба кунни кечаси” боблари ўқувчиларга тақдим этилади.

“Миллий Адабиёт”нинг 1943 йил 6-сонида Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон” деган шеъри учун ёзилган мусиқа нотаси ва шеър матни берилади. Бошқарма шеърдаги тахрир учун: “Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон” деган бу ўланини Туркистон аскарларининг истаги бўйинча “Гўзал Туркистон” деб, Туркистон гимни негизида олинди”, деган кичкина бир изоҳ ҳам ёзди. Туркистондаги машхур эрқарвар, миллатпарвар адибларнинг жисми “миллатчи”, “халқ душмани” сифатида аллақачон йўқотилган, уларнинг асарлари

туғул номини ҳам тилга олиш хатарли бўлган бир даврда - "денгиз"нинг иккинчи бир қирғонда, ўзларича эл-юрт тақдирини ўйлаётган миллий легион аскарлари Чўлпоннинг:

Гўзал Туркистон сенга не бўлди,

Сабаб вақтсиз гулларинг сўлди,

Эй, гулларинг сўлди.

Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,

Ҳаммаси мазлум, бўлмасмидир шод.

Эй, бўлмасмидир шод ... деган сатрларини

маънос такрорлар эди.

Албатта, Чўлпон, Мағжон, Фитрат, А. Қодирий ва шу каби бошқа ижодкорларга "Миллий Адабиёт"нинг муносабати самимий эди, уларнинг асарларини миллий манфаат нуқатан назаридан талқин ва таҳлил этар эди.

Кўбичини Кўрқут юқорида эслатилган нутқида "Миллий Адабиёт"нинг адабий кучлари сифатида ўзини, С. Бет-Алман, Сайрон, Хушнуд, К. Қози, Сир боласи, Жумай, Сағим, Мавлон, Ғойиб, Масрур, Даро, Зорлик, Аллаберди, Ўлмас, Талимжонларни ва рўйхатнинг энг бошида "15 йиллардан бери ёзиб келаётган, бир неча китоблар автори бўлган М. Равшан"ни санаб ўтади.

М. Равшан ким?

Бу имзо "Миллий Адабиёт"да баъзан "Равшан", "А.Равшан" кўринишида ҳам тез-тез учрайди. Унинг ёзган асарларида хоразмча шева белгиларини сезилади. Хўш, ўн беш йиллардан бери ёзиб келаётган хоразмлик бу ижодкор ким бўлди экан?

Жумбок счими учун "Шарк юлдузи" журналининг 1992 йил 6-сонидида чиққан адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг "Ўтмиш фожеаларидан бир лавҳа" номли мақоласига қараймиз.

Равшан - 1910 йили Хазарасп туманида туғилган, 20-йиллар охирида ижод майдонига кириб келган, Хоразмдаги "Инқилоб кўши" газетасида, ёзувчилар уюшмаси бўлимида ишлаган, "Зухра" деган шеърлар тўплами, "Оловли зарба", "Фитнак", "Фитначилар" пьесалари, "Шоҳсанам ва Ғариб" музыкали драмаси ва ниҳоят "Қилич" номли роман эгаси Матёқуб Абдуллаев бўлиб чиқади. Тахаллуси олдида баъзан исми ва баъзан фамилиясининг бош харфини ёзиб қўйган.

М. Қўшжонов қўлидаги бир манбага таяниб шундай ёзади: "Ён дафтардаги белги ва ёзувларга қараганда Матёқуб Абдуллаев кейинчалик Германия худудига ўтказилган. У ерда нималар билан машғул бўлгани маълум эмас. Европанинг турли шаҳарларида қандайдир вазифаларни бажарган кўринади".

Бу тахминларга "Миллий Адабиёт"ни кузатиш натижасида Матёқуб Абдуллаев ёзувчи сифатида Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси аъзолари сафига фаолият кўрсатган, ўз асарлари билан унинг матбуот органларида иштирок этган, дея қўшимча киритиш ўринлидир. Равшаннинг фаолиятини янада аниқроқ айтадиган бўлсак, у 1944 йили июнь ойида ўтказилган курултойда Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси қошидаги илмий-адабий бўлим хизматчиси - мутасаддиси сифатида бўлимнинг бир йиллик иши ва келажак режалари тўғрисида ҳисобот беради.

Илмий-адабий бўлим бир йил давомида "Буюк Темур ўғилларига соғна" (мақолалар тўплами), "Абилан" (Кўрқутнинг достони ва шеърлари тўплами), "Манас" (ёзувчиси С. Бет. Алман), "Жавонгирнинг кундалик дафтаридан" (ёш ёзувчи-шоирлар тўплами) "Махтумқули" (ёзувчиси Ёнғинли, буюк классикнинг шеърлар, ғазаллари), "Менинг туйғуларим" (М. Равшан асари) каби китобларни босмадан чиқаради. Шунингдек, ўндан ортиқ китоб нашр учун режага киритилади. Улар орасида Фитратнинг "Ҳинд ихтилолчилари", Хушнуднинг "Юрак тўлқинлари", Равшаннинг "Қурбон" деган романи, Ёлғиз Хайитнинг "Туркистон тарихи" каби китоблари бор эди.

Режага кўра китобларнинг қайси бири қачон босилиши ва тарқатилиш вақти ҳам белгилаб қўйилади. Буларнинг чиққан-чиқмагани маълум эмас, босилиб чиққанлари ҳам, афсуски, Берлин кутубхоналарида сақланиб қолмаган кўринади.

Назаримда Матёқуб Абдуллаевнинг Берлин ижоди аввалги қирмизи рангли ижодидан фарқланади. Кейинги асарларида

миллий рух, эрқарпарлик, ватанпарварлик, босқинчиларга нисбатан нафрат туйғуларининг устулиги сезилади. Ҳар ҳолда кўлимиздаги айрим асарлари шундай ҳулоса учун асос беради. Ёзувчи "Сўнги кеча" ("Миллий Адабиёт" журн., 1943 й., 1-сон) деган воқеий ҳикоясида устози Абдулхамид Маждийнинг НКВД ходимлари томонидан қай тарзда олиб кетилганиги, "Қунжара" ("Миллий Адабиёт" журн., 1943 й., 1-сон) номли воқеий ҳикоясида 1932 йиллардаги очарчилик фожеалари тўғрисида сўз юритади. "Балиқчи кизи" ("Миллий Адабиёт" журн., 1943 й., 3-сон, 1944 йил, 4-5-6-сонлар) номли пьесасида эса Туркистон заминидagi адолатсиз бошқарув ва унинг қайғули оқибатлари манзарасини саҳнага келтиради.

"Миллий Адабиёт"нинг 1944 йилги сонларида 1937/38 йиллардаги оммавий қиргин ва қатағон воқеаларига бағишланган "Қурбон" деган романи босилади. Асар номи икки маъноли. Аввало бош қахрамон - ўша пайтларда қатор масъул вазифаларда ва ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлиб ишлаган Қурбон Беретин исмини аниқласа, иккинчидан қиргин этилган юзлаб қурбонларга ишора бўлса керак.

"Миллий Адабиёт"нинг мавжуд сонларидан романининг дастлабки кичик-кичик тўрт боби ва яна ўн бир-ўн иккинчи бобларини ўқий билдик, холос. Гарчи қатъий бўлмаса-да, шу ўқилганлар асосида ҳам муайян тасаввурга эга бўлиш ва айрим тахминлар қилиш ҳам мумкин. Бадний савия масаласида роман юксаклик даъво қилмайди, чамамда.

Роман Қурбон Беретин уйдаги зиёфат билан бошланади. Мехмонга келган Чўлпон, У.Носир, Толимжон, К.Яшин сингари ижодкорлар баҳамжиҳат ўтиришадилар. Ўйин-кулги бўлади, шеър ўқилади. Асар қахрамонларининг кўпчилиги Қурбон Беретин, Чўлпон, А.Иқромов, Элбек, Отажон, Яшин, Ҳалима Носирова, Нусратилло Охундий каби тарихий шахслардир. Муаллиф романдаги ўша тарихий шахсларни яхши биладиган кўринади. Улар билан бевосита яқин муомала-муносабатда бўлганлигини айрим манбалар тасдиқлайди ҳам. Адабиётшунос Н.Каримовнинг "Усмон Носирнинг сўнги кўнлари" ("Шарк" нашриёти. Т. 1994) китобидан "Хоразм сафари" (5-15-бетлар) бўлимида шоир билан ёнма-ён юрган "Хоразмлик ёш шоир М.Абдуллаев" тез-тез учрайди. Қурбон Беретин қатнашган айрим тарихий лавҳалар бор. Романда Насрулло Охундийнинг салбий образ тарзида берилиши асарнинг давр воқеа-ҳодисаларига анча-мунча ҳолис ёндашганлигини билдиради. Чунки бу шахс айрим манбаларда яхши маънода тилга олинмаган...

Тўғриси, романинг тўлиқ матни билан батафсил танишмай туриб, шошма-шошарлик билан бир гап айтишга ҳам одам истиҳола қиларкан.

Ҳулоса учун: "Миллий Туркистон", "Миллий Адабиёт" журналининг бошқа сонлари қандай? Уларда нималар ёритилган? Журналида ишлаган ўзбек, қозок, қирғиз, туркман миллатига мансуб ёзувчи-шоирлар ва журналистлар қимлар?

Бунга ўхшаш қатор саволлар ҳали жавобсиздир. Аммо биласизки, Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси, унинг аъзолари, уларнинг фаолияти, орзу-умидлари, мақсад-режалари, амалга оширган ишлари - бу тарих. Ундан кўз юмиб бўлмайди.

Яхшими-ёмонми, ижобийми-салбийми - бундан қатъи назар - ўтмишдаги бу воқеалик, туркистонлик шахслар билан боғлиқ бўлган бу ҳодисалар тафсилоти тарих китобларидан ўрин олиши керак, деб ўйлаймиз. Чунки булар замирида инсон бор; инсон тақдири яширин. Бу тақдир эгаларининг айримлари хорижда қолиб, тирикчилик ғамига берилган бўлса, М.Равшанга ўхшаш юртида қайтганларига "сотқин"лик тамғаси босилди, қамокқа олинди ва сургун қилинди. Бир зиндондан олиб, бошқасига солинди. Ўз сафдошлари билан "Ё биз уларни қутқарамиз ёки улар бизни қутқаради" дея миллатига ён босиб гапириб юрган Равшандек шахсларнинг ҳар икки тахмини ҳам пуч бўлиб чиқди. Уларни қолиблар ғалаба шарафига "қурбон" қилиб юборган эдилар.

Баҳодир КАРИМ,
ТошДУ докторанти

ҚИЗФАЛДОҒИМ - ДИЛДОҒИМ, ЮРАГИМНИНГ ШАКЛИСАН...



ТАВБА ФАСЛИ

Куз ва қайғу
опа-сингилдай,
чўккан кема, чўккан кўнгулдай.
Хотиралар силсиласига
олиб борар абадий йўлдай.
Кўнглим бунча қайғуга эшсан,
Рухим бунча севмасанг кузни.
Баҳорларим, ёзларим узр,
Хотирламай қўйдимми сизни.
Узр, шундай ҳаётим учун,
Ёлғон-яшиқ баётим учун.
Куз сарҳисоб этар умримни,
имкон бермай фарёдим учун.
куз ва қайғу -
икки севишган,
хиёнатдан бағри порадай,
Яратганга қарши исёним,
шеър ёзаман сўнгги чорадай?!
Тақдир кимга қандай битилган,
Жами жонзот унинг измида.
Куз аслида шох фасл эрур,
Буюк шоирларнинг назмида.
Инсон руҳи покланар кузда,
ва қайтадан ҳаёт бошлайди.
Дарахтлар ҳам покланмоқ учун,
Либосини ечиб ташлайди.
Кел, тавбалар қилайлик гулим,
Тавба фасли эрур бу фасл!
Куз бахш этар оламга ахир,
янги ҳаёт ва янги насл.

* * *

Куз муждаси мезонлар учар,
Сендан мужда келганича йўқ.
Шамол, бориб ёримга айтгил,
Шукур ҳали ўлганича йўқ.

Ҳали унинг қақроқ лабида,
Бўсаларнинг ўчи бор деб айт.
Кўнгли ярим бола бўлса-да,
Алпомишнинг кучи бор деб айт.

Айтгил минг йил излаганимни,
Яна минг йил кутмоғимни айт.
Кетар бўлсам бундан бош олиб,
Мангу бўзлаб кетмоғимни айт.

Тополмасак бир-бирмизни
Хотиралар ила кишласин.
Баҳор келса томларга чиқиб,
Қизғалдоқни аста ушласин.

Райҳон ҳиди тутиб ҳовлисин,
Қитиқласа димоғларини
Атиргулга аста энгашиб
Силаб қўйсин бутоғларини.

Англисинким, ҳижронда қолмай,
Ёрга фидо бу жону таним.
Унга шунча неъмат бахш этган,
Пойидаги тупроқ эканим.

ХАЁЛКАШ КУЗ

Хаёл сурма,
Эй, хаёлкаш Куз!
Ёздан қичоб, қишга юз бурма.
Пишиб қолди "умр" отлик сўз,
Хазон сочиб устимдан кулма...
Ой нурида чўмилган қиздай,
Термуласан кўзларимга жим.
Одам бўлиб бир хазонрездай,
Келди ҳазин қўшиқлар айтгим...
Шул экан-да дунё, зилзамбил,
Куз бағридан ортга қарайман.
Ҳали олдида асосий манзил,
Курашларга қандоқ ярайман?!
Нечун дунё қайғуга монанд,
Нечун алдай ўзимни - ўзим.
Баҳор эди,
Куз бўлди комад,
Ҳақиқатни кўрдингми кўзим?!
Сенга боқиб, эй хаёлкаш куз,
Телба кўнглим кирди ақлга.
Янги одам менга очиб юз,
Етиб келдик нурли соҳилга...
Етиб келдик,
Эй, шоир шоён,
Яшайверма бойланиб сўзга.
Истеъдодинг айлаб намоён,
Айланиб кет, ўзинг ҳам Кузга!

ҚИЗФАЛДОҒИМ...

Қизғалдоғим - дилдоғим,
Юрагимнинг шаклисан.

Кискагина умрингда
Мендан кўра бахтлисан.
Меҳр бўлиб, ишқ бўлиб,
Ер юзига сочилдинг,
Севги бор деб дунёда,
Илк баҳорда очилдинг.
Аммо, ҳаёт алдамчи,
Қалбингга доғ солдимми?
Ёмғир қанча ёғса-да,
Доғинг кетмай қолдимми?
Хиёнатдан бағри қон
Бир сенмисан қизғалдоқ
Мен севган қиз ўзгандан
Совға олмиш-ойбалдоғ.
Мажнун айтар қаерда,
Ошиқларнинг соғи бор?
Айтмангиз эй, нодиллар
Қизғалдоқнинг доғи бор?
Ёз келмоқда шашт билан
Сўлиб қолма қизғалдоқ
Кел, кўксимдан жой берай,
Ўлиб қолма қизғалдоқ.
Севган қизим бир умр,
Хаёлимга бойланган.
Тақдир экан илк севгим
Қизғалдоққа айланган.

* * *

Аёлнинг макридан донолар онгсиз,
Шоҳни гадо қилар жимгина,
бонгсиз.

Дунёни забт этган жаҳонгирлар ҳам,
Тахтини аёлга топширган жангсиз.

* * *

Мен аёл ҳақида нима ҳам дердим,
Донолар ўтишган бор гапни айта.
Бир аёл сабабли ўлмоқ истадим,
Бир аёл сабабли тирилдим қайта.

* * *

Ташлаб кетди дема,
қайтаман бир кун.
Кузги ёмғир каби қайтаман.
Бўрон бўлиб келсам-да ишон,
Баҳор бўлиб севгим айтаман.



КАРВОН ҚҶНҒИРОҒИНИНГ САДОЛАРИ

Қадим Турон тарихи дунёнинг энг қадимий шаҳарлари билан барабар туради. Бизнинг тарихимиз саҳифалари озодлик йўлидаги курашлар, маърифатга интилишлар билан боғлиқ шонли воқеаларга бой.

Кўхна Турон тарихи саҳифалари энди-энди тадқиқ этилмоқда. Бу тадқиқотлар жараёнида ўтмишимизнинг нурли саҳифалари варақланмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин, биз тарихий ҳақиқатни англаш имкониятига эга бўлдик. Кўн йиллар мобайнида унутилган қадриятлар эндиликда бўй кўрсатмоқда. Умуман олганда, тарихга муурожаат қилиш ўзликни англаш билан уйғунлашди. Қадим Туркистон тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймолар ҳақида бугунги кунда фахр, ифтихор билан сўзлаш имконияти яратилди.

Соҳибқирон Амир Темур қолдирган улкан мерос нафақат Туркистон халқлари учун, балки умумбашарий инсоният учун азиз ва қадридир. Бугунги кунга келиб соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, салоҳияти ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар, бадий асарлар яратилмоқда. Жумладан, ўзбек адабиётида ҳам буюк бобомиз фаолиятига оид бадий-тарихий асарлар ёзилмоқда. Айниқса, Иброҳим Мўминов, Бўрибой Аҳмедов, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Тўра Мирзо каби олим, ёзувчи ва шоирлар Амир Темур ижодига оид тарихий, бадий жиҳатдан қимматли асарлар яратдилар.

Таниқли шоир Хуршид Даврон ҳам Темур салтанатининг тарихини чуқур ўрганиб, “Бибихоним қиссаси ёки тугамаган дoston”, “Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят”, “Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси” каби тарихий-маърифий бадиаларни ёзди. Булар орасида “Соҳибқирон набираси ёхуд митти юлдуз қиссаси” бадияси тарихий далилларга бойлиги, воқеаларга ҳолисона ёндашилгани ҳамда бадий жиҳатдан пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради.

Маълумки, яқин пайтларгача бизнинг ноёб тарихий, бадий асарларимиз ёруғлик юзини кўрмай келди, ҳатто, асримизнинг 30-йилларигача нашр этилган бундай асарлар билан танишиш таъқиқлаб қўйилган эди. Ана шундай мураккабликларга қарамай Хуршид Даврон жасорат

билан Темурийлар авлоди ҳақида салмоқли асарлар яратишга жазм этди ва бунинг уддасидан чиқа олди. Хусусан, ёзувчининг биз тилга олган асари ҳам катта меҳнат, изланиш самарасидир. Асарда олис тарихимизнинг аҳамиятга молик воқеалари қаламга олинади, чуқур таҳлил этилади. Ҳақиқатан ҳам, қадим Туркистон кўн қирғинларни ўз бошидан кечирди. Лекин ҳар бир даврда Турон халқи босқинчиларига қарши мардона жанг қила олди. Тарихда Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Манғуберди, Маҳмуд Торобий, Намоз Пиримқул ўғли каби халқ фарзандлари миллат ва Ватаннинг озодлиги йўлида жон фидо этдилар. Булар ичида Амир Темурнинг мавқеи алоҳида ўрни тутди. Соҳибқирон номи нафақат Туркистон, балки бутун дунё миқёсида адолатли шоҳ ва буюк саркарда сифатида тилга олинади. Қиссада воқеалар алоҳида бобларга бўлинган. Бу воқеалар муайян бир даврнинг тафсилотларидан ҳикоя қилади. Бунда Амир Темурнинг ҳаётига боғлиқ энг муҳим воқеалар асос қилиб олинади, унинг шонли юришлари, жанг усуллари ва умуман, ўша йиллардаги ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий воқеалар ўзининг бадий ҳақиқатини топган.

Муаллиф қиссасида Улуғбекнинг туғилиши билан боғлиқ воқеаларга алоҳида урғу беради. Улуғбек туғилган хонадонда катта тантана бошланади. Ёзувчи ага шу қувончларни ўзига хос тарзда тасвирлайди. Бир томонда Улуғбекнинг туғилиши, иккинчи бир томонда сафарда юрган соҳибқирон Амир Темурнинг кечинмалари ўзаро муқояса қилинади. Жангу жадалда юрган соҳибқирон тушида фарзандлари Муҳаммад, Жаҳонгир ва Умаршайхларни кўради. Шу ўринда ёзувчи маҳоратини намойиш этиб, психологик таҳлил усулини танлайди. Бунда Соҳибқироннинг ўн саккиз йил олдин вафот этган фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирни туш кўриши “унинг ёнида Умаршайхнинг пайдо бўлиши”, уларнинг “ошюк либосда”ги “етти-саккиз ёшли” бола қиёфасида тасвирланишида чуқур рамзий маъно бор. Ёзувчи шу усул билан туғилиш ва ўлим орасидаги масофа - ёлғон ва чин дунё ўртасидаги муносабатни ўзаро таққослайди. Амир Темурнинг туши орқали янгиланиб бораётган ҳаётни тасвирлашга уринади. Асарда Соҳибқирон шахсияти, унинг саркардалиқ бобидаги улкан маҳоратига тарихий нуқтаи назардан ёндошилган.

Тўғри, кейинги йилларда бир қанча илмий-тарихий ва бадний асарлар яратилди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бугунги юксак талабларга жавоб беролмайди. Сабаби шундаки, айрим муаллифлар Амир Темур образини яратишда ривоятларгагина таянмоқдалар. Бироқ Амир Темур жаҳон миқёсида тан олинган тарихий шахс. Шунуктаи-назардан қарайдиган бўлсак, Соҳибқирон образини бадний адабиётда жонлантириш тарихий ҳақиқатга тўғри келиши керак. Хуршид Даврон Амир Темурнинг туши тасвири замирида ҳақиқат борлигини баён этади. Умаршайх Мирзо Хармату қалъаси яқинида вафот этади. Бу фожеа Амир Темурни чуқур қайғуга солади. Хуршид Даврон улуғ саркарданинг мотамсаро ҳолатини ҳам ғоят ишонарли тасвирлайди. Соҳибқироннинг кўз олдида Умаршайхнинг ҳалок бўлиши тасвири ёзувчи маҳоратидан дарак беради. Бу тасвир шу қадар нозикки, ундаги ҳолат ва манзаралар китобхонда шубҳа уйғотмайди, балки Умаршайхнинг ҳалок бўлишига Соҳибқирон нигоҳи билан қарайди. Мазкур тасвир ҳам ҳаётий, ҳам тарихий ҳақиқатга мослиги билан характерлидир. Ёзувчи Амир Темурнинг ана шу мусибат кунлардаги ҳолатини қуйидагича ифодалайди:

“Мотамзода ота бирдан худди туш кўраётганидек, йиқилган ўғли томон чопиб бораётгандек бўлди. У аламдан чайқалиб-чайқалиб, товуш чиқармай бўзлар, хаёлида эса оёғи ерга ёпишиб қолгандай, фарзанди қошига ҳеч етиб бўлмайдигандай, худди бўшлиқда қотиб қолгандай сезарди ўзини”.

Қалбини алам туйғуларига тўлдирган жудолик тўғрисидаги хабарнинг эртаси куни Соҳибқирон Мордин шаҳрини олиш тўғрисида фармойиш беради. Ёзувчи Амир Темур лашкарларининг бу шаҳарни қамал қилишдаги маҳоратларини тасвирлар экан, китобхон эътиборини Султониядан келган чопарга боғлайди. Чопар Шохрух Мирзо фарзандли бўлганлиги ҳақида хабар келтиради. Мана шу хушхабар туйғайли Амир Темур Мордин шаҳри учун олиб борилаётган юришини тўхтатади. Хурсандлик сабаб янги туғилган набира шарафига катта томоша беради. Улуғбекнинг дунёга келиши билан Умаршайхнинг вафот этиши ўртасидаги боғлиқлик Соҳибқиронни ҳайратга солади. Тасодифни қарангки, Умаршайх Мирзо ҳалок бўлган куни Улуғбек туғилади. Гарчи Соҳибқироннинг кўнглида янги дунёга келган натирасига муҳаббат уйғонсада, ўғли Умаршайхнинг ёшлик йиллари кўзи олдида пайдо бўлаверади... Бадиада воқеалар ривож тарихий жараёнларни четлаб ўтмайди. Энг муҳими, бадиада Соҳибқироннинг тарихий юришлари билан улғайиб келаётган Мирзо Улуғбекнинг интилишлари баравар ҳикоя қилинади. Ҳатто Амир Темур тўрт ёшли Улуғбекни юришларга олиб чиқади. У бобосининг

шарофати билан Кеш, Балх, Бадахшон каби шаҳарларни кўради. Бадиада тўрт ёшли Улуғбекнинг фаҳм-фаросатидан далолат берувчи бир воқеа келтирилади:

Ўт тишлаб келган афғонларни Амир Темур хузурига олиб киришади. Амир Темур уларнинг тақдирини ёш Мирзо Улуғбекка топширади. Улуғбекнинг ёш қалбида уларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғонади: бобосидан уларнинг озод қилишни сўрайди. Улуғбекнинг бу мурувватидан Амир Темур ҳам ҳайратга тушади.

Ёзувчи Амир Темурнинг дарё бўйидаги Ҳаким ат-Термизий макбараси ёнидаги чорбоғда дам олиш чоғларини тасвирлар экан, набираси билан қилган суҳбатларига алоҳида эътибор беради. Соҳибқирон набира суҳбатидан ўзгача завқ оларди. Сароймулкхоним Улуғбек номидан бобоси учун зиёфат беради. Зиёфатдан сўнг Амир Темур юриш чоғида қўлга киритилган бойликлар намойиш этилади. Соҳибқирон мана шу бойликлардан хоҳлаганини олишни айтади. Улуғбек бу бойликларга эътибор бермай, юлдузлар ҳаракатини кузатадиган устурлобни олади. Бўлажак мунажжим илк марта фалакиёт илмининг билимдони Мавлоно Аҳмаддан сабоқ олади. Юлдузларнинг сиру синоати, тилсимли илми ҳақидаги машғулотларни тинглайди.

Устози айтиб берган ҳикоялар Мирзо Улуғбекни ҳайратга солади. Унинг ёш қалбида ватандошларимиз Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий каби алломаларга айрича ҳавас уйғонади. Устозлардан эшитган бу ҳикоялар Улуғбекнинг мурғак қалбини забт этадики, бу кейинчалик унинг тақдирига айланган фалакиёт илмига қўйилган илк нарвон эди.

Ёзувчи ушбу бадияни ёзишда турли тарихий манбаларга мурожаат қилган ва улардан унумли фойдаланган. Китобда келтирилган ривоятлар тарихий ҳақиқатга яқинлиги билан қимматлидир.

Хуршид Давроннинг бу бадияси Темурийлар авлоди тарихининг муайян қирраларини оқилона ва ҳолисона ёритганлиги билан қимматлидир. Ёзувчи ўз китобида Амир Темур абадиятига чуқур эҳтиром билан қараб, унинг дунё миқёсига тенг шон-шавкати, саркардалик маҳоратини ишонарли тасвирлаган. Тарихда шундай сиймолар борки, уларнинг номи асрлар ўтган сайин мангуликка дахлдор бўлиб қолаверади. Амир Темур ана шундай муборак номга сазовор сиймолардан бири. Унинг печ асрлар бурун адолатга чорлаган даъватлари, асрлар шамолига бардош бериб, бизгача етиб келди.

Тарих қарвонини ҳеч ким ортга буролмайди. У чалган кўнгириклар садоси асрлар оша халқ қалбида акс-садо бераверади.

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ,
филология фанлари
номзоди, доцент

ИЗЛАНИШДАН ТОЛМАЙДИГАН ИЖОДКОР



Мақсад сари интилиш, эришилган муваффақият билан чегараланмаслик, тинимсиз ҳаракат бу ижодкорга хос бўлиб, бу ундаги самимият, тўғрилиқ ва очик кўнгиллик билан уйғунлашган. Унинг яна бир ўзига хос бир хислати борки, ўзи ўйлаган ишига атрофдагиларни ҳам жалб қилиб, қалб ҳарорати ва ички тугўнлари билан йўғрилган ғояси билан бошқаларни ҳам илҳомлантира олади. Ижодкорнинг нафақат ўзига, балки ёнидаги ҳамкасбларига ҳам бирдек қаттиқ талабчанлиги ички маданият ва меҳр билан йўғрилгани боис кўнгилларни оғритмайди. Шунинг учун ҳам бу режиссёр ижод қиладиган жамоада унинг маслақдошлари, сафдошлари ва издошлари кўп. У ҳар бир актёрнинг ўзлигини англашга, шу вақтга қадар очилмаган қирраларини очишга, истеъдодининг янги қирраларини намоён этишга имконият яратади ва уларни тинимсиз изланиш ва меҳнат қилишга ундайди. Саҳналаштириш учун бадий юксак асарлар танлаб олиш билан кифояланмасдан, уни янги-янги ечимлар билан бойитишга интилади. Натижада, у саҳналаштирган ҳар бир асар шов-шувлар, мунозара ва бахсларга сабаб бўлади.

* * *

Наби Абдурахмонов бугунги кунда ўзига хос услубда изланаётган режиссёрлардан биридир. Ўзбекистон Ёшлар театрининг сўнгги йилларда ёрқин ижодий дастурларга эга театр жамоаси сифатида намоён бўлаётганида ҳам шубҳасиз унинг хизматлари катта. Ижодкорнинг ушбу театрда саҳналаштирган қатор асарлари саҳна санъатида ўзига хос воқеа бўлди. Н. Абдурахмонов ўзбек саҳна мактаби анъаналарини ижодий ўзлаштириш билан кифояланмай, уларни бойитишга интиломда.

Иқтидорли режиссёр театрга қотиб қолган шакллар эмас, балки доимий ҳаракатда, ривожланишда бўлган очик тизим деб қарайди. Бу эса уни янги-янги бадий ечим ва топилмалар устида изланишга ундайди. Унинг сўнгги йиллардаги изланишлари анъанавий йўллардан фарқ қилиб, жаҳон театрлари янгиликларидан ижодий ўрганиб, уни миллий хусусиятлар билан бойитиб, ўзбек саҳна санъатига олиб қираётганида кўринмокда. Жаҳон адабиётининг илғор вакиллари Мольер, Андерсон, Ш. Алайхем, Толстой асарларини ўзига хос услубда саҳналаштириб, катта ижодий катта ижодий тажриба

тўплаган режиссёрнинг ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоийнинг маълум бир малака ва тайёргарликсиз тушуниш мураккаб бўлган “Лисон-ут тайр” (“Қуш тили”) асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этиб, яна бир дадил қадам қўйди. Либретто муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр сифатида Наби Абдурахмонов адабий манбага ўта эҳтиёткорона ёндошди. Тарихий афсонавий характердаги ушбу спектаклда Шайх Санъонинг илоҳий ишққа етгунга қадар бошидан кечирган воқеалар - ўзга диндаги соҳибжамол кизга ғойибона ошиқ бўлиб, уни излаб сафарга чиқиши, турли юрт ва эллардан ўтиб, хитойликлар, хундулар, яҳудийлар сингари халқларнинг маросимларида иштирок этиши, оғир мусофирлик қисмати, турли таҳқирлаш ва азоб-уқубатлари мусиқа, рақс ва ҳаракатлар ёрдамида ифодаланади.

Спектаклда кўплаб қаҳрамонлар тимсолида ирқи, келиб чиқиши, дини, хулқ-атвори, салоҳияти, камчиликларидан қатъий назар ҳар бир инсон алоҳида қудрат соҳиби эканлигига урғу берилади. Бутун борлиқни яратган оллоҳ ва унинг умматига бўлган муҳаббат муштарак эканлиги таъкидланади.

Бош қаҳрамонлар оғир қисматни бошидан ўтказиб,



бир-бирининг васлига етолмаса-да, спектакл фараҳбахш руҳда яқунланади. Фалакдан таралган илоҳий нур уларни ўз бағрига олади. Гўё ишқ ўтида ёнган, бир бирига талпинган покиза қалбли ошиқларни фиску фужур, нийбату бўҳтонларга тўла ҳаётдан, кибру ҳаволи инсонлар орасидан юлқиб, юксакликка кўтаради. Фақат муҳаббатгина инсонларни бирлаштира олади. Мана шу гоё спектаклнинг бошидан охиригача бир ўқ бўлиб ўтади.



Спектаклдан воқеаларни ўзига хос услубда тақдим этар экан, режиссёр адабий материалга ёрқин театр ифодавийлигини бахш этишга, сахнавий воситаларнинг ўзига хос бўлишига интилади. У спектаклни нотабий шаклда қуриб, ўзига хос пластик ҳикоя сифатида тақдим этади. Бунинг учун сўзсиз театр воситаларидан моҳирона фойдаланади. “Сўзловчи” пластик рақслардан иборат сахна кўринишлари мантиқан бир-бирини давом эттириб мазмунан тўлдириб, мураккаб ва кўп қиррали конфликтни дунёга келтиради. Бир-бири билан боғлиқ, ҳар бири тугал маъно касб этувчи эпизодлар сахнавий ҳаракатни вужудга келтириш билан бирга келгуси сахнавий кўриниш учун ҳам туртки бўлади.

Ҳар бир воқеа ва эпизоднинг моҳиятини ифодалашга қодир сахна воситалари, яъни асар гоёси, мазмуни, қаҳрамонлар характери ва ҳаракатиға мос муסיқа (композитор Дмитрий Янов-Яновский), гўё асрлар қаърига сингиб, ундаги қадриятларни ёритишга қодир турли рангдаги нур ва чироқлар, ҳар хил шакл ва кўринишдаги буюмлар, ранго ранг либосларнинг ўзаро уйғунлигидан ташкил топган сахна безаклари (рассом

Игорь Гуленко) спектакл томошавийлигини ошириб, унинг муваффақиятиға катта ҳисса қўшган. Спектакл намоён этилган сахна сатҳининг катталиги (томоша Ёшлар театрдаги кираверишдаги майдон ва зиналарда намоён этишга мўлжалланган), сахнадаги ҳаракат этаётган актёрларнинг сон жиҳатдан кўплиги (спектаклда юздан ортқ ижрочи бўлиб, улар орасида малакали актёрлар қатори Маннон Уйғур номидаги Санъат институти, Миллий рақ ва хореография олий мактаби, Ўзбекистон Ёшлар театри қошидаги драматик мактаб-студия талабалари, шунингдек кичик мактаб ёшидаги болалар ҳам бор) ушбу спектаклнинг маҳобатли томоша бўлганини кўрсатади. Спектаклдаги янги топилма ва ечимлар, ижрочиларни бир мақсад атрофиға уюштириш, бастакор ва рассомлар билан бақамти ишлаш,

турли воситалар уйғунлигини ҳосил қилишда режиссёр маҳорати яна бир қарра ўзини намоён этган.

“Лисон-ут тайр” спектакли мамлакатимиз театр санъатида ўзига хос воқеа бўлди ва ҳақли равишда либретто муаллифи ва сахналаштирувчи режиссёр Наби Абдурахмонов республика миқёсида ўтказилган йилнинг энг яхши ижодкори “Офарин” танловида ғолиб чиқди. Ушбу мукофот билан қутлаган ҳолда ўз устида тинмай ишлаб, янги-янги режалар асосида изланаётган ушбу режиссёр ўзбек сахна санъатида томошабинларни янада ҳайратга соладиган асарлар яратишиға ишониб қоламиз.

Дилфуза

РАХМАТУЛЛАЕВА

Ким шеър ёзмас менинг
ёшимда...



ЖАЛАҲДАРЛИК ОДОБИ

Ўзбекистон РФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ да №9175 рақами остида тасаввуфга оид 200 саҳифалик қўлёзма сақланади. Шу қўлёзма манбадан 10 саҳифалик "Рисолаи қаландарий" ҳам жой олган. Рисола форс тилида бўлиб, ҳозирга қадар тадқиқ қилинмаган. Бу кичик асарда қаландарлик маслагининг баъзи тамойиллари ва одоблари баён этилган. Рисолада анъанавий муқаддима қисм йўқ ва у "Имом Сухравардий раҳматуллоҳи алайҳ айтибдурларки..." деб бошланади. Муаллифнинг номи, рисола, қачон, қаерда ва нима мақсадда тартиб берилганлиги бирор ерда қайд этилмаган. Асар матндан маълум бўлишича, муаллиф Имом Сухравардий ва ҳазрат Баҳоваддин Нақшбанднинг сўфиёна қарашларидан истифода этиб бу рисола тартиб берган. Эҳтимол дарвешлик, хоксорлик, пиру муридлик ҳақида Баҳоваддин Нақшбанд ҳазратларининг, қаландарлик ҳақида эса Ҳазрат Имом Сухравардийнинг фикрларига таянгандир. Чунки, Имом Сухравардийнинг қаландарликка доир айрича қарашлари мавжуд. Рус олими О.Ф.Акимускин бир мақоласида: "Жомий ва Сухравардий иккиси ҳам ҳақиқий қаландарлар билан ўр-тўполонларда иштирок этиш учун қаландарлар либосини кийиб юрадиганларни чалкаштириш керак эмаслигини қайд этганлар" деб ёзади (Дж.С.Трименгэм. Ислолда сўфий тариқатлар. М. 1989, 277-сах.).

Нима бўлганда ҳам бу қўлёзма қаландарлик маслагини ташвиқ этувчи киши томонидан тартиб берилгани аниқ. Унда маълум бир гоя илгари сурилган, композицион қурилма ва фикр изчиллиги таъминланган.

Рисоланинг илк саҳифаларида ҳар бир қаландар амал қилиши лозим бўлган фақирлик, дарвешлик, ҳалол-ҳаром ҳақидаги шартларга тўхталинади. Жумладан, "фақр" тушунчаси қаландарликдаги энг муҳим ва шиор бўлган тушунчалардан эди" (А. Зарринкуб. Чустучу дар тасаввуфи Эрон. Душанбе, 1992, 375-бет). Рисоладан ўқиймиз: "тариқат машойихлари фақрнинг уч нишонаси: куёш каби шафқатли, ёмғир каби саховатли, ер каби тавозели бўлиш деб айтганлар". Демак, қаландарликка кадам қўйган киши моддий ва маънавий фақирликка рози бўлиши, қаноатли бўлиши керак экан.

Қаландарларнинг ўзига хос феъл-атвор, қиёфа, юриш-туриши ва кийиниш одоблари бўлган. Бу маслакни қабул қилувчи ҳар бир аъзодан мавжуд қоидаларга амал қилиш талаб қилинган. Масалан, рисолада таъкидланишича, белига качкул осаетган қаландар ушбу оятни ўқиши керак экан: "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. ВА ЮТЪИМУНАТ ТАОМА АЛО ХУББИХИ МИСКИНАН ВА ЯТИМАН

ВА АСИРО". Яъни: "Ва таомни суюб-хоҳлаб турсаларда, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва есирларни таомлантирурлар" ("Инсон:8).

Агар ўқиладиган дуо ёки бирор оятнинг маъносига диққат қилсак, рамзийлик кўзга ташланади. Качкул тақадиган киши гўё ўзига хос қасам ичади. Юмшоқроқ қилиб айтганда, садақадан келган нарсанинг бир қисмини ўзига олиб, қолганини садақа қилишга оинт ичади. "Ҳазрат Имом Жаъфар Содиқ разияллоху анху буюрдиларки, - дейилади рисолада, - пири мурид бўлишни истаган ҳар қандай мурид аввал ўз молини уч қисмга бўлсин: бир қисмини хотин-бола-чақасига, яна бир қисмини қариндошларига сарф қилсин. Бир қисмини ўз пирига олиб борсин, токи, пир дунё ишидан қутулиб, тажрид бўлсин".

Суюнчик қўйиш пайтида ўқиладиган "Такосур" (кўпайтириш, мол-дунё йиғиш) сураси ҳам ортиқча мол-дунё йиғиб, ўзимни ҳалок қилмайман, деганидир.

Рисолада "сўфий", "қаландар", "кулоҳ", "ориф" сўзларининг рамзий маънолари изоҳланган. Яъни бу сўзларнинг араб имлоси асосидаги ҳар бир ҳарфи ўзига хос бир рамзий ва мажозий маънода талқин қилинган. Масалан, "қаландар" сўзидаги "қоф" "қ" қилу қолдан, яъни, биров билан сану манга бормаслик, тортишмасликдан, "дол" "д" ҳарфи дунёни уч талок қўйишдан олинган эмиш. Айтиш мумкинки, бундай рамзли ва шартли ифодалар қаландарлик маслаги ва ижтимоий фаолиятлари билан бевосита боғлиқдир.

Қаландарликда тиланчилик ва садақа эвазига яшаш ҳол ва умумий бир қоида бўлган. Рисолада "Шоҳ гадолик", "Нар (эркак) гадолик" "Хар (эшак) гадолик каби тиланчилик турлари ажратиб кўрсатилади ва бу борада ҳаддан ошмасликка даъват қилинади.

Нақшбандийлик тариқатида кулоҳнинг тўрт бўлаги "чор тарк" деб аталган ва қуйидаги машхур байтда ифодаланган:

ДАР ТАРИҚИ НАҚШБАНДИ ЛОЗИМ ОМАД ЧОР ТАРК,
ТАРКИ ДУНЁ, ТАРКИ УҚБО, ТАРКИ НАФСИ, ТАРКИ ТАРК,

Яъни, нақшбандий тариқатида тўрт нарсани: дунёни, охиратни, нафсни тарк қилиш ва ҳатто шу таркни ҳам тарк қилиш лозимдир, Китоб муаллифи нақшбандийлик қарашларини қаландарийлик маслагига татбиқ этиб шундай дейди: "Ва билгинки, кулоҳнинг тўртта хонаси бор. 1. Шариат хонаси. 2. Маърифат хонаси. 3. Ҳақиқат хонаси. 4. Тариқат хонаси. Ва яна шуки, кулоҳнинг тўрт тарки бор. 1. Нафс тарки. 2. Халқ тарки. 3. Дунё тарки. 4. Охират тарки."

Бу мўъжаз асар қаландарлик тариқатига кирувчи киши учун ибтидоий бир қўлланмадир. Тили содда ва савол-жавоб тарзида ёзилгани учун ўқувчининг эсида

қолади. "Кўнгил замини, риёзат ўроғи, муҳаббат ўғири, тақво тегирмони" каби истиоравий бирикмалар асар таъсирчанлигини оширган.

Асар муаллиф томонидан соддалаштирилган. Китоб сўнгида шундай сатрларни ўқиймиз: "Худонинг кутби Хожа бахоул ҳаққ вад дин қадда-саллоху руҳаху шундай қилганлар ва шундай буюрганлар. Ҳар ким бу амаллардан ташқари бўлса, қаландарлик тариқатидан ташқаридадур. Ва бу ҳақда у кишидан

кўп сизлар айтилган эди, лекин муҳтасар тарзда тугалланди".

Яқин йилларга қадар халқимизнинг ижтимоӣ ва маънавий ҳаётида сезиларли из қолдирган қаландарлик маслагини чуқурроқ очиб бериш ва ўқувчиларни танитиш учун рисола таржима қилдик. Кўйида эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

РИСОЛАИ ҚАЛАНДАРИЙ

Ҳазрати Шайх Сухравардий раҳматуллоҳи алайҳ таъкидлайдиларки, тариқат аҳли дарвешлик амалини бажо келтириш учун, беш нарсага беш нарсани буюрадилар: Аввал оғзи билан рост сўзласин. 2. Кўзлари билан ҳалол нарсага қарасин. 3. Қулоғи билан Ҳақ сўзини эшитсин. 4. Қўлни ҳаромдан йиғиштирсин. 5. Парҳез билан қадамларини ҳалоллик кўчасига қўйсин...

Билгинки, ҳазрати Одам алайҳиссалом тойиб (тавбакор)дир ва ҳазрати Идрис алайҳиссалом обиддир ва ҳазрати Нух алайҳиссалом шоқирдир ва ҳазрати Айюб алайҳиссалом собирдир ва ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом халидир ва ҳазрати Исмоил алайҳиссалом розидир ва ҳазрати Юсуф алайҳиссалом сиддиқлар ва ҳазрати Довуд алайҳиссалом набидир ва ҳазрати Мусо алайҳиссалом калимдир ва ҳазрати Исо алайҳиссалом зоҳиддир ва ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам орифдир.

Ва оламнинг тўрт рукнида (томонида) тўрт пир бордир. Машриқ томонда Абдулқарим ва мағриб томонда Абдурраҳим ва мимол томонда Абдураззоқ ва жануб томонда Абдулваҳҳоб.

Агар хирқанинг пири нима ва хирқанинг ичи нима ва хирқанинг ташқариси нима ва хирқанинг этаги нима? деб сўрасалар, жавоб бергинки: хирқанинг пири тақбирдир, хирқанинг ичи сирдир, хирқанинг ташқариси нурдир ва хирқанинг этаги - ҳидоятдир.

Тариқат машойихлари фақрнинг уч нишониси: Куёш каби шафқатли, ёмғир каби саховатли, ер каби тавозели бўлиш деб айтганлар.

Ҳазрати имоми Жаъфар Содик разияллоҳу анҳу буюрдиларки: "Пири муршид бўлишни истаган ҳар қандай мурид аввал ўз молини уч қисмга бўлсин: бир қисмини хотин бола-чақасига, яна бир қисмини қариндошларига сарф қилсин. Бир қисмини ўз пирига олиб борсин, токи, пир дунё ишидан қутулиб, тажрид бўлсин".

Сўнгра пир унга "Албатта амаллар ниятига яраша бўлади" ҳадисига биноан тариқат гуслини ўргатади. Тариқат гуслини нияти шундай: "Навайту аниғтасала гуслан минал қаҳрил анфуси мин арбобит тариқати ваш шариати вал ҳуружил амали ва минал аъмолид дунё тақаррубан иллаллоҳи таоло аллоҳу акбар".*

* Таржимаси: Тариқат ва шариат арбобларининг қаҳрли нафасларидан, хайрли амалларни тарқ этмаслик, дунё ишларидан сақланиш ва Аллоҳга яқинлашиш учун гусл қилишни ният қилдим.

Мурид гуслдан фориғ бўлгандан кейин пирининг хизматига келади. Пир намоз ракаатларини буюради ва мурид ҳар бир ракаатда "фотиҳа" сурасидан кейин 70 марта "ихлос" сурасини ўқийди. Намоздан фориғ бўлган муридга пири тариқат калимасини ўргатади.

Эй солиқ, билгинки, кимки фақр йўлига қадам қўйса ва тариқат калимасини билмаса унга хирқа кейиш ва фақр луқмасини ейиш ҳаромдир.

Тариқат калимаси: "Ло илоҳа иллаллоҳу анта ваҳдату ло шарика лаҳ. Ва анта Муҳаммадан абдуҳу ва расулиҳ. Ло илоҳа илло анта бияди қудратиҳи ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ. Аллоҳумма нафси бинури қудратиҳи ло илоҳа иллаллоҳу муҳаммадун ҳабибуллоҳи сидқан сафян"дир. (Бир худодан ўзга Худо йўқ. Сен ягонасан. Унинг шериги йўқ ва Сен Муҳаммад, худонинг бандаси ва расули. Бошқа Худо йўқ, фақат Сен борсан. Ҳар бир нарса унинг қудрати қўлида, бир Худодан ўзга Худо йўқ. Муҳаммад Худонинг расули. Эй бор Худоё, нафсимни қудрат нури билан ёрит. Бир Худодан ўзга Худо йўқ. Муҳаммад ҳабибуллоҳ ростгўй ва софдир. (Матндаги баъзи ғализликлар котибнинг эътиборсизлиги туфайли содир бўлган шекилли.)

Агар кулоҳни бошга киядиган пайти нима дейдилар? деб сўрасалар, жавоб бергинки: "Аъзу биллоҳи минаш шайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Аллоҳумма антал маликил ҳаққулази ло илоҳа илло анта ё аллоҳу ё раҳмону ё раҳму". (Эй бор Худойим, Сен ҳақ подшодирсанки, Сандан бошқа Худо йўқ. Ё Аллоҳу ё Раҳмону ё Раҳиму.) дейиш лозимдир.

Агар жандани кийишда нимани ўқийдилар? деб сўрасалар, жавоб бергинки: Аъзу биллоҳи минаш

шайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим". Ва ухро тухиббунаҳо насрум миналлоҳи ва фатхун қариб. Ва башширил муъминин". "Иннаҳу мин Сулаймона ва иннаҳу бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Алло таълув алайя ваътуни муслимин" (Ва (Оллоҳ сизларга) яна бошқа сизлар сўядиган (бир неъматни ҳам берурки, у Оллоҳ томонидан бўлган ғалаба ва яқинда рўй бергувчи Макка фатҳидир. Эй Мухаммад, мўминларга мана шу хушxabарни етказинг. ("Саф" сураси, 13-оят). Албатта у Сулаймондандур ва у мактубда шундай битилгандир: "Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Сизлар менга кибр-хаво қилмай, ҳузуримга бўйинсунган холингизда келингиз. ("Намл" сураси, 30-31- оятлар.)ни ўқисинлар.

Агар камар боғлашда нимани ўқийсан? деб сўрасалар, "Вало ҳавла валo қуввата илло биллоҳил алиййил азим" (Ҳуноҳдан кўркув, эзуликка қувват факат у улуг Аллоҳнинг тавфиқ ва инояти билан бўлади.)ни деб жавоб бергин.

Агар асони пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар "ло илоҳа иллalloҳу жалилун жабборун ло илоҳа иллalloҳу азизул ғаффору ло илоҳа иллalloҳу каримус саттору ло илоҳа иллalloҳу воҳидул қаҳҳор" (Бир Худодан ўзга Худо йўқ. У - жаҳолат ва улуглик соҳиби, мутлак ислоҳ ва қаҳр этувчидир. Бир Худодан ўзга Худо йўқ. У - қарамли, айбларни ёпувчидир. Бир Худодан ўзга Худо йўқ. Унинг мисли ва киёси йўқ, ғоят қаҳрлидир.)ни ўқисин.

Агар қачқулни олиш пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар "Аъзу биллоҳи минаш шайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. "Ва юъимунат таома ало ҳуббиҳи мискинан ва ятиман ва асиро" (Ва таомни суюб-хоҳлаб турсалар-да (ўзлари емасдан) мискин, етим ва есирларни таомлантирурлар ("Инсон" сураси, 8-оят.)ни дегил.

Агар сепоя қўйиш пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар, жавоб бергинки: "Аъзу биллоҳи минаш шайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. "Бисмиллоҳиллази ло язурру маъа исмиҳи шайъун фил арзи валo фиссамои. Ва ҳувас самийул алим" (Оллоҳнинг номи биланки, унинг исми шарофати-ла ер ва осмондаги бирор нарса зарар қилмайди ва У - эшитувчи, билимдондир.)ни ўқиш позим.

Агар сўянчиқ қўйиш пайтида нимани ўқийсан? деб сўрасалар, "тақосур" сурасини охиригача ўқийман, деб жавоб бер.

Агар пўстин кийишда нимани ўқийсан? деб сўрасалар, "Аъзу биллоҳи минаш шайтонир ражим. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Раббано ло тузиг қулубано баъда из ҳадайтано ва ҳаб лано мил ладунка раҳматан иннака антал ваҳҳоб. Бираҳматика ё архамар роҳимин" (Парвардигор, бизни ҳидоят қилганиндан кейин - энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато эт. Албатта Сенгина барча яхшиликларни ато этувчисан". ("Ол-И имрон" сураси, 9-оят). Эй раҳм қилувчиларнинг раҳмироғи, Сенинг раҳматингдан умид қиламиз.)ни дегил.

Эй дарвеш, билгинки, дарвешликнинг учта нишонаси бор: 1. Нафсни ўлдириш. 2. Қалб уйғоқлиги. 3. Ширинсўзлик.

Яна дарвешликнинг еттита белгиси бор. 1. Манъ қилинган нарсалардан парҳез қилиш. 2. Тақдирга рози бўлиш. 3. Ўзини ҳаромдан йироқ тутиш. 4. Ўзидан улугларнинг зихматини қилиш. 5. Машаққатларга сабр қилиш. 6. Ғурбатни ихтиёр этиш. 7. Қаноат қилиш.

Агар кулоҳ неча қисмдан иборат? деб сўрасалар, тўрт қисмдан иборат деб жавоб бер. 1. Жамият таркининг кулоҳи. 2. Сўхбат таркининг кулоҳи. 3. Иродат кулоҳи. 4. Кўриш ва эшитиш мумкин бўлмаган нарсаларни кўрмайди ва эшитмайди, айтилмайдиганни айтмайди, олинмайдиган нарсани олмайди ва бориш манъ қилинган жойга бормайди.

Ва билгинки, кулоҳнинг тўртта хонаси бор. 1. Шариат хонаси. 2. Тариқат хонаси. 3. Маърифат хонаси. 4. Ҳақиқат хонаси. Ва яна шуки, кулоҳнинг тўрт тарки бор. 1. Нафс тарки. 2. Халқ тарки. 3. Дунё тарки. 4. Охират тарки.

Агар бенаволик (фақирлик)нинг йўли нечта? деб сўрасалар, тўртта деб жавоб бер. 1. Истиғфор айтиш. 2. Улуг ва ғолиб Худого таваккул қилиш. 3. Ҳаромдан йироқ бўлиш. 4. Нафсга қарши курашиш.

Агар гадолик неча хил? деб сўрасалар, уч хил деб жавоб бер. 1. Шоҳ гадолик. 2. (Нар) эркак гадолик. 3. (Ҳар) эшак гадолик. Шоҳ гадолик шуки, ҳафтанинг бир кунда етти уйнинг эшигига бориб, садақа тилаб баланд овоз билан товуш қилади. Ўша куни насибасига нима чиқса то бошқа кунга қадар шунга қаноат қилади. Эркак гадолик шуки, ҳар куни бозор-расталарда газал ўқиб одамлардан бир нима ундиради. Эшак гадолик шуки, тонгдан шомгача одамлар эшигида тинимсиз бориб тиланчалик қилади.

Эй дарвеш, қаландарлик тариқати шуки, ҳақиқат йўлида иккиланмасин ва одамларга беҳуда сўзламасин. Ва яна качқулини кўтариб юриш одоби шуки, аввало то ўйига келгунига қадар таҳоратлик ва рўзадор бўлсин ва йўлда чор атрофга кўз ташлаб номаҳрамга назар солмасин. Ва тилини ёлғон сўзлашдан асрасин, пирига беадаблик қилмасин, фақирларга раҳм қилсин ва ҳамма аъзоларини пок тутсинки, Худонинг кутби хожа баҳоул ҳаққ вад дин қаддасаллоҳу руҳаҳу шундай қилганлар ва ҳам шундай буюрганлар. Ҳар ким бу амаллардан ташқари бўлса қаландарлик тариқатидан ташқаридадир. Ва бу бобда (ҳақда) у кишидан кўп сўзлар айтилган эди, лекин мухтасар тарзда тугалланди.

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ
ЁНИБ ЯШАШКЕРАК!****Муассислар:****Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон
Республикаси ёшларининг “Камолот”
жамғармаси****Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:Алланазар АБДИЕВ
Ўрол АБИЛОВ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Йўлдош СУЛАЙМОН
Аҳмад УСМОНОВ
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ
ШУКРУЛЛО
Кахрамон ҚУРОНБОЕВ**Бош муҳаррир:**

Абдуқаям ЙЎЛДОШЕВ

Масъул котиб:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:Ҳотам АБДУРАИМОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдул Ғани ЖУМА
Абдусайд КЎЧИМОВ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Йўлдош ЭШБЕК
Муҳаммад ЮСУФ
Собир ЎНАР
Ғаффор ҲОТАМОВ
Шодикул ҲАМРОЕВ -
Луқмон БЎРИХОНЁшларнинг адабий-ижтимоий журнали. 1982 йилдан
чиқа бошлаган

© “Ёшлик” №3 (173) 2000 й.

Ушбу сон “Ёшлик” журнали таҳририятининг компью-
тер марказида саҳифаланди.Саҳифаловчи:
Саодат ТЎЛАГАНОВА**Муқоламизда:**1-бет. ...*Не ажаб, чун сарвинозим ўн сакиз ёшинда-
дур.*2-бет. *Ёшлар театри бош режиссёри Наби АБДУРАҲ-
МОНОВ (45-бетдаги “Изланишдан толмайдиган ижодкор”
мақоласига қаранг)*3-бет. *Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз адиб Саид АҲМАД
- 80 ёшда.*4-бет. *Пойтахтимизда бунёд этилган “Шаҳидлар хоти-
раси” хиёбони*

(А. ЖУМАЕВ фотолари)

МИЛЛИЙ МАФКУРАУлугбек ИДИРОВ. Ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш зару-
рати..... 1**НАВОИЙНОМА**Дилором ҚЎЗИЖОН. Жаҳон миқёсига борар йўллар-
нинг сири..... 2**НАСР**Рўзибой ҚУЛМАТОВ. Алам. Ҳикоя..... 7
Исмоил ШОМУРОДОВ. Байроқ. Қисса..... 10**НАЗМ**Йўлдош ЭШБЕК. Туш кўрар имконлар яқинлаб ке-
лар..... 4
Нигора УСМОНОВА. Тоза руҳ..... 32
Улугбек АБДУВОҲОБ. Янги шеър келади юракка
оқиб..... 35
Шухрат ОРИФ. Сен қачон ўзингни таний-
сан..... 37
Шукур СОДИҚ. Қизғалдоғим - дилдоғим..... 40**АСЛИЯТДАН ТАРЖИМА**

Оскар УАЙЛД. Худбин паҳлавон. Ривоят..... 33

ХОРИЖ ЁШЛАРИИлҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ. Ривожланаётган мамла-
кат..... 36**ТАДКИКОТ**Абдуҳамид ХОЛМУРАДОВ. Карвон кўнғироғининг са-
долари..... 41**ТАРИХ**Баҳодир КАРИМ. “Миллий адабиёт”, Равшан ва “Қур-
бон”..... 38**САНЪАТ**Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА. Изланишдан толмайдиган
ижодкор..... 43**МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ**Сайфиддин РАФИДДИНОВ. Қаландарлик одо-
би..... 45Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру, 1-
уй, Телефон: 133-40-83Босишга 23.05.2000 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60x84 1/8. Шартли босма тобоғи 12,2.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 12,0. Буюртма № Индекс 822
ISSN 0207-9137Журналдан кўчириб босилганда “Ёшлик”дан олинди
деб изоҳланиши шарт.“Янги аср авлоди” нашриёт маркази. Тошкент, Қатор-
тол кўчаси, 60-уй.